

Ijtimoiy-huquqiy jurnal

# HUQUQ va BURCH

ISSN 2010-5436

№7/2020

Давлат бошқаруви ва  
давлат хизмати  
тизими ислоҳида  
муҳим қадам

Қаловини топсанг  
қор ҳам ёнади

Терговга қадар  
текширув  
институтини  
такомиллаштириш



## Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги,  
Бош прокуратураси,  
Конституциявий суди,  
Олий суди

## Таҳрир кенгаши:

Русланбек Давлетов  
Ниғматилла Йўлдошев  
Бахтиёр Мирбобоев  
Козимджан Камилов

## Бош муҳаррир:

Аслиддин Алмардонов

## Таҳрир ҳайъати:

Акбар Тошқулов  
Бахтиёр Исаков  
Светлана Ортиқова  
Ҳаёт Шамсутдинов  
Шерзод Рабиев  
Нодирбек Салаев

## Дизайнер:

Азамат Жуманиёзов

## Навбатчи муҳаррир:

Шавкат Ёдгоров

Муқова учун иқтибос – «Замонамиз қаҳрамонлари». Лойиҳада олий тоифали шифокор, «Шуҳрат» медали соҳиби Анвар Раджапов.

Журнал саҳифаларида Аҳмад Тўра фотоларидан фойдаланилган.

«HUQUQ va BURCH» ижтимоий-ҳуқуқий журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2012 йил 13 июнда 0251-сонли гувоҳнома билан рўйхатга олинган. Журнал 2006 йил март ойидан чиқа бошлаган. Ойда бир марта чиқади.

Нашр индекси: 902. Сотувда келишилган нарҳда.

Журнал саҳифаларида чоп этилган материаллардан фойдаланилганда «HUQUQ va BURCH» ижтимоий-ҳуқуқий журналидан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз қилиш ва қайтариш мажбуриятини олмаган.

PR белгиси билан берилган мақолалар тижорат мақолалари ҳисобланади.

## Таҳририят манзили:

100115, Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 29-уй.

## Телефонлар:

Ижодий бўлим: (71)277-04-23, (71) 277-04-51.

Обуна бўлими: (71) 277-04-26; Бухгалтерия: (71) 277-04-72

web-site: [www.huquqburch.uz](http://www.huquqburch.uz);

e-mail: [info@huquqburch.uz](mailto:info@huquqburch.uz)

[f facebook.com/huquqburch.uz](https://www.facebook.com/huquqburch.uz)

[telegram.me/huquqburch.uz](https://t.me/huquqburch.uz)

Журнал 10.08.2020 йилда босмахонага топширилди.

Қоғоз бичими 60x84 1/8. Офсет усулида босилди.

Шартли 8 б.т. Буюртма №2022. Адади: 3150.

«Колорпак» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 8-уй.



HARAKATLAR STRATEGIYASI  
2017-2021

## ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ВА ДАВЛАТ ХИЗМАТИ

Тизими  
ислоҳида  
муҳим қадам

2

«ПАХТА ИШИ»  
қандай  
вужудга  
келган эди?  
(2-қисм)

8

КИШЛОҚ  
ХЎЖАЛИГИ  
соҳасида  
давлат  
хизматлари:  
муаммо ва  
таклифлар

28

Республикамызда давлат хизматлари кўрсатишининг миллий тизими сифат жиҳатидан янги даражага кўтаришда муҳим ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилувчи кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

АРИН  
ИЦОРАЛАРАДО  
ТАРМОҚЛАРИ:

жиноий  
активларни  
қайтаришга  
қаратилган  
ҳамкорлик  
шакли

34

ИЖРО  
ОРГАНЛАРИ  
фаолиятини  
рейтинг  
асосида  
баҳолаш

38

ҚАЛОВИНИ  
ТОПСАНГ

қор ҳам  
ёнади

42





...Бельгияда давлат органларининг миграция соҳасидаги фаолияти Иммиграция сиёсатини таъминлаш бўйича қироллик идоралараро комиссияси томонидан бошқарилса, Германияда 16 та ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органни қамраб олган Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш бўйича давлат комиссияси доирасида ноқонуний миграцияга қарши курашиш амалиёти жорий этилган. Ўзбекистонда Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича республика комиссияси ёхуд Ўзбекистон фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва халқаро иқтисодий ҳамкорлик масалалари департаменти ташкил этилган бўлса-да, ноқонуний миграциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш жамоатчилик асосида ҳудудий ғуруҳлар имконияти доирасида бир томонлама амалга оширилмоқда.

## МОЛИЯВИЙ МОНИТОРИНГ

46

## ТЕЗҚОР- ҚИДИРУВ АХБОРОТИ назарий тушунчалар

50

## ИЧКИ ИШЛАР ОРГАН- ЛАРИНИНГ миграция соҳасидаги ҳамкорлиги

54

## ТЕРГОВГА ҚАЛАР ТЕКШИРУВ

институтини  
такомил-  
лаштириш

56

## НОРМА ИЖОДҚОРЛИГИ

унинг назарий-  
методологик  
таҳлили

58

## ТАНИБ ОЛИШ УЧУН КЎРСАТИШ

хорижий  
мамлакатлар  
тажрибаси  
таҳлили

62

...Жиноят-процессуал кодексида видеоёзув ёки аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда шахсни ёки нарсани таниб олиш учун ташқи кўриниши, овози, юришидаги ўзига хос хусусиятларини кўрсатиш масалалари тартибга солинмаган.





## Давлат бошқаруви ва давлат хизмати тизими ислоҳида муҳим қадам

(Қонун лойиҳаси бўйича мулоҳаза)

Ўзбекистон мустақилликка эришиб, ўз тақдирини ўзи белгилаш имкониятига эга бўлгач, миллий давлатчилик ва илғор демократик мамлакатлар тажрибасига суянган ҳолда давлат бошқарувини ташкил қилишга киришди. Давлат бошқаруви бўйича ислохотларни амалга оширишга уринди, улкан вазифалар белгиланди. Бироқ 1991 йилдан 2017 йилгача бўлган ислохотларни қузатсак, қў-

Давлат инсоният тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. У ўз фаолияти орқали жамият ва унинг аъзолари тақдирига таъсир қилади. Бошқарув – давлатнинг алоҳида фаолият тури бўлиб, давлат бошқаруви сифатида намоён бўлади. Давлат бошқарувининг қандай ташкил қилингани жамият ривожланишига ёки пароканда бўлишига, инсонларнинг эркин, фаровон турмуш кечиришига ёки азоб-уқубатда, хор-зор бўлиб яшашига сабаб бўлади. Шу боис давлат пайдо бўлгандан то ҳозиргача давлат бошқарувини такомиллаштиришга интилиш давом этмоқда.

Йилган вазифаларга тўлақонли эришдик деб бўлмайди. Бунда давлат бошқарувининг аҳамияти тўғри белгиланмагани, ислохотларда бошқарувнинг моҳиятини, асосий фаолиятини белгилловчи омиллар эътибордан четда қолганини кўрамиз.

Давлат бошқаруви соҳасидаги ислохотлар 2017 йилдан янги босқичга кирди десак, хато бўлмайди. Бунда энг муҳими – давлат бошқарувининг аҳамияти, унинг талаб даражасида бўлишига таъсир қилувчи асосий омиллар тўғри аниқланди.

Ўзбекистон Президенти 2018 йил декабрда Олий Мажлисга мурожаатида мамлакатни ривожлантириш, халқ учун фаровон ҳаёт яратиш, мамлакат мудофааси ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича улкан вазифаларни белгилар экан, барча вазифаларни бажаришнинг асосий шarti оптимал давлат бошқаруви тизимини яратиш эканини таъкидлаш билан бир

қаторда давлат бошқарувининг жамият тараққиётидаги ўрнини кўрсатиб берди. Натижада давлат бошқарувининг аҳамияти тўғри аниқланди. Ислохотлар эса шунга қаратилди.

Ундан аввалроқ қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 2017–2021-йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари белгиланган эди.



### Бошқарув тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари сифатида:

- давлат бошқарувини марказлаштиришдан чиқариш;
- давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлик, моддий ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш;
- иқтисодийётни тартибга солишда давлат иштирокини босқичма-босқич қисқартириш белгиланди.

Шу уч йўналиш давлат бошқаруви ва давлат хизмати тизимини ислоҳ қилишда асос сифатида олинди. Бунда давлат хизматининг ўрни бошқарувда муҳим экани намоён бўлади. Лекин давлат хизмати муҳим институтга айланишига, давлат – ҳуқуқий муносабатлар кўплигига қарамай бу ҳақда мамлакатимизда махсус қонун йўқ эди ва бу хорижий мутахассислар томонидан ҳам танқид қилинган.

Президент Шавкат Мирзиёев 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга қилган мурожаатининг биринчи – «Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари» – бўлимида «Бугунги кунда жамият ҳаётидаги мавжуд муаммоларни самарали ечиш, кенг қўламли ислохотларни изчил давом эттириш зарураги давлат бошқаруви соҳасида мутлақо янги тизим яратишни тақозо этмоқда. Ўйлайманки, бунинг учун «Давлат хизмати тўғрисида»ги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вақти келди» дея қайд этди. Шу сиёсий ирода натижада машаққатли ва масъулиятли меҳнат самараси ўлароқ, ҳозир «Давлат фуқаролик хиз-

мати тўғрисида»ги қонун лойиҳаси тайёрланиб, муҳокамага кўйилди.

Шу имкониятдан фойдаланиб, лойиҳа ҳусусида баъзи фикрларни баён қилмоқчимиз.

Маълумки, давлат бошқарувида давлат хизмати институти муҳим роль ўйнашига шубҳа йўқ. Бошқарувнинг самарали бўлиши, олдига қўйган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириши давлат хизмати-ни тўғри ташкил қилишга кўп жиҳатдан боғлиқ. Давлат хизмати алоҳида ижтимоий муносабатларга асослангани туфайли қатъий ҳуқуқий нормалар асосида тартибга солинсагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Шунинг учун жаҳон тажрибасига назар солсак, аксарият давлатларда давлат хизмати махсус қонунлар билан тартибга солинишини кўраимиз.

Ўзбекистон ҳам давлат хизматининг бошқарувдаги муҳим ўрнини эътироф этган ҳолда, уни алоҳида қонун билан тартибга солишни лозим топди.

Муҳокама учун тақдим этилган лойиҳа жаҳон тажрибаси асосида яратилган. Энг муҳими, унда давлат хизматида доир асосий муносабатлар эътиборга олинган. Чунки қонуннинг

мақсади давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдир.

Хужжатда давлат фуқаролик хизматининг асосий принциплари, бу масала давлат томонидан тартибга солиниши белгиланиб, мазкур соҳада Президент, Вазирлар Маҳкамаси ва давлат фуқаролик хизмати масалалари бўйича ваколатли органнинг ваколатлари аниқ белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Президенти давлат бошлиғи, Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат сифатида давлат хизматини ташкил қилиш ва ривожлантиришда иштираётган эҳса, Президент ҳузуридаги давлат фуқаролик хизматини ривожлантириш Агентлиги фуқаролик хизмати бўйича ваколатли орган ҳисобланади.

Агентликнинг ташкил этилиши давлат фуқаролик хизматида катта воқеа бўлиб, қонунда унга улкан вазифалар юкланган. Агентликнинг мавқеи у давлат органлари ва ташкилотларида ходимларни бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш учун масъул қилиб белгиланганида ва бевосита

Президентга бўйсунуши ҳамда ҳисоб беришида кўринади.

Лойиҳанинг 8-моддасида давлат хизматини муваффақиятли ташкил этишга қаратилган барча тадбирлар қамраб олинган.

Лойиҳанинг эътиборга лойиқ яна бир жойи давлат органи ва ташкилотларининг кадрлар хизматини қонун даражасида белгилашдир. Лойиҳанинг 9-моддасида бу тузилманинг мақоми, вазифаси, ваколатлари кўрсатиб ўтилган.


Шунингдек, биринчи маротаба давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми: хизматчиларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ чекловлар махсус қонун билан белгилаб қўйилмоқда. Қонун нормаларида фуқаро манфаати билан давлат манфаати ўртасида мутаносиблик ўрнатилган. Бу қоидаларда фуқаро манфаатини ёки давлат манфаатини чеклашга интилиш йўқ.

Бутун жаҳонда эътироф этилаётган масала – фуқаролик хизматини муваффақиятли ўташга тўсқинлик қилувчи коррупция ҳам қонундан четда қолмаган. Коррупцияга қарши курашининг самарали воситалари қонун нормаларида ўз ифодасини топган. Хусусан, давлат фуқаролик хизмати соҳасида коррупциянинг олдини олиш чоралари, (14-модда) шунингдек, давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари (15-модда) белгиланган. Лойиҳада давлат фуқаролик хизматини ташкил этиш

масаласига алоҳида ўрин ажратилган. Унда давлат хизматчиларига қўйиладиган талаблар, давлат лавозимларининг гуруҳ ва категориялари, фуқаролик хизмати давлат лавозимлари реестри, хизматчиларнинг маалака ва мартаба даражалари, уларнинг берилиш тартиби аниқ ифодаланган.

Лойиҳа нормаларида давлат фуқаролик хизматига кириш тартиби, хизматга кириш шартлари, лавозимни эгаллаш учун танлов ўтказиш, давлат лавозимига тақсимлаш, хизматни ўташ учун тузиладиган меҳнат шартномаси, хизматчиларнинг шахсий маълумотларини ҳимоя қилиш тартиби, уларнинг хизмат гувоҳномасига тааллуқли қоидалар ўрнатилган.

Маълумки, давлат хизмати оддий меҳнат фаолиятидан фарқланиши табиий. Шунинг учун қонунда давлат фуқаролик хизматини ўташ тартиби белгиланган. Лойиҳада фуқаролик хизмати лавозимига киришнинг бошланиши ва тугатилиши, хизматчиларнинг иш вақти, хизматчиларнинг фаолиятини ривожлантириш, фуқаролик хизматида фаолият самарадорлигини баҳолаш тизими, хизматчиларни рағбатлантириш, хизматда ўсиш, хизматчиларнинг ротацияси, уларни бошқа лавозимларга ўтказиш, давлат хизматчиларининг суд ҳимояси, хизмат мониторингини олиб бориш, миллий кадрлар захирасини яратиш, фуқаролик хизматчиларининг касбий компетенцияси, давлат хизматчила-



рининг малакасини ошириш, уларни аттестациядан ўтказиш, давлат хизматчиларининг хизмат сафарлари ҳақидаги қоидалар ўз ифодасини топган. Булардан кўриниб турибдики, давлат хизматчини ташкил этиш билан боғлиқ ҳеч бир жиҳат четда қолмаган.

Лойиҳанинг 8-боби давлат хизматчиларини энг кўп қизиқтирган меҳнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий ҳимоясига бағишланади. Тажриба кўрсатадики, меҳнатга тўғри ҳақ тўлаш ва хизматчини ижтимоий ҳимоя қилиш тартибини тўғри белгилаш иш унумдорлигининг юқори бўлишини таъминловчи асосий омиддир. Айниқса, бу бозор иқтисоди шароитида янада муҳимдир. Ушбу боб фуқаролик хизматчилари меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари, хизматчиларга тўланадиган бошқа рағбатлантирувчи тўловлар, шунингдек давлат хизматчиларининг ижтимоий ҳимояси, уларнинг

меҳнат ва ижтимоий таътиллари, пенсия таъминоти, ижтимоий суғуртаси, уларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига етказилган зарарни тўлаш тартиби каби масалаларни ўз ичига олган.

Қонун лойиҳасида давлат фуқаролик хизматининг тугатилиши асослари, ноқонуний тугатилиши оқибатлари, хизмат тугатилиши юзасидан шикоят қилиш белгиланган бўлиб, бу масалада давлат хизматчисининг манфаати устуворлиги кўриниб туради. Масалан, хизмат тугатилиши юзасидан юқори давлат органларига ёки давлат хизмати масалалари бўйича ваколатли давлат органларига ёхуд судга шикоят қилиш тартибининг белгиланиши фикримиз далилидир.

Ушбу лойиҳада давлат хизматини ташкил этишнинг асосий принциплари мустаҳкамлаб қўйилган. Шундан келиб чиқиб, хизматчиларнинг жа-

вобгарлиги масалалари, яъни жавобгарликка тортилишининг асослари, турлари кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, хизматчиларнинг интизомий жавобгарлиги, интизомий жазо қўллаш шартлари ва тартиби, интизомий жазо қўллаш муддатлари, давлат хизматчисига нисбатан хизмат текширувини ўтказиш, хизмат текшируви давомида хизматчини вазифасидан четлатиш, хизматчи томонидан етказилган зарарни қоплаш, давлат хизматчисини жавобгарликдан озод қилиш жараёни ва тартиби қайд этилган.

Қонун лойиҳасида халқаро ҳуқуқ, Конституциямиз нормаларига зидлик йўқ. Унинг қабул қилиниши давлат хизмати каби муҳим ҳуқуқий институтнинг тўла шаклланиши ва ривожланишини таъминлайди, қонунчилик тизимидаги бўшлиқни тўлдиради.



Лойиҳада биринчи марта давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми: хизматчиларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ чекловлар махсус қонун билан белгилаб қўйилмоқда.

**Ҳужжатни ўрганиш мобайнида лойиҳадаги баъзи нормаларни аниқлаштириш керак деган фикр ҳам туғилди.**

1. Қонун лойиҳасининг 3-моддаси 2-хатбошисида «Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» рўйхати аниқлаштирилиши керак. Чунки қайси орган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган бўлиши бирон-бир қонун ҳужжатида белгиланмаган. Юридик адабиётларда, илмий тадқиқотларда эса турлича фикрлар мавжуд.

2. 25-модда 1-хатбошиси «Давлат фуқаролик хизматида давлат лавозимини эгаллашда малака ва бошқа талабларга жавоб берадиган, давлат тилида иш олиб бора оладиган Ўзбекистон фуқароси қабул қилинади, фуқароликка эга бўлмаган шахсларни давлат хизматида қабул қилиш алоҳида тартибда кўриб чиқилади» – деб белгиланса тўғри бўлади. Чунки давлат тилини билмаслик ходимнинг имкониятларини чеклайди. Айниқса, лотин алифбосини тўлиқ қўллашга ўтиш давлат тилини билиш заруратини кучайтиради. Баъзи ҳолларда Ўзбекистон фуқароси бўлмаган шахсларни ҳам давлат хизматида олиш зарурати туғилади.

3. 32-моддада давлат хизматчиларининг иш вақтини белгилаш фақат бир ҳафталик иш вақтини белгилаш билан чекланган. Шунингдек кунлик иш вақти ҳам аниқ белгиланиб, унда дам олиш, байрам кунларида хизмат қилганда меҳнатга ҳақ тўлаш масалалари аниқ белгиланиши зарур.

4. Лойиҳанинг айрим моддаларини таҳрир қилиш зарур. Жумладан 19-модданинг 1-хатбошиси «Давлат фуқаролик хизмати тизими – давлат фуқаролик хизматларини танлаш, ҳисобга олиш, жойлаштириш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва хизмат поғонаси бўйича ўсишининг марказлаштирилган ягона ташкилий ҳуқуқий механизми» деб тулаган.

Бу ерда жумла ғализ.

45-модда 2-хатбошиси «касбий компетенциянинг асосий шакллари бўлиб, қайта тайёрлаш ва малака ошириш ҳисобланади» деб белгиланган. Аслида қайта тайёрлаш ва малака ошириш касбий компетенциянинг шакли эмас, уни шакллантирувчи воситадир.

72-, 73-моддаларнинг тугаланиши қонун нормасига эмас, қарор нормалари кўрсатмаларига ўхшаб қолган. Шунинг учун ҳар иккала модданинг охириги «таъминлансин» деган жумласини «таъминлайди» деган жумла билан алмаштириш зарур.

Яна бир мулоҳаза. Қабул қилинадиган қонунда «давлат хизмати лавозимларига албатта захирадан тайинланади», «Давлат хизматчилари омбудсмани» бўлиши ҳақида нормалар бўлса, давлат хизмати жозибadorлиги янада ошар эди.

Лойиҳа бўйича кенг қўламли иш қилингани, унда амалиёт ва илм мужассамлангани кўриниб турибди. Ишончимиз комилки, муҳокама давомида билдирилган таклиф-мулоҳазалар эътиборга олиниб, қонун такомиллаштирилади.

Натижада энг муҳим ҳужжат юзага келиб, қонунчилигимиздаги бўшлиқ тўлдирилади. Бу эса давлат хизматчиларининг ҳуқуқи тўлароқ ҳимоя қилинишига, моддий манфаатдорлиги ошишига, давлат хизматида қизиқишнинг кучайишига, жамиятда коррупциянинг камайишига олиб келади. Давлат хизматининг талаб даражасида бўлиши эса оптимал, самарали давлат бошқарувининг гарови ҳисобланади.

**Озод ҲУСАНОВ,**

юридик фанлар доктори, профессор



*Тарих – кечаги кунимиз қатида турфа саҳифалар яширин. Улар англами эса олис минг йилликлардан тортиб, яқин юз йилликларимизгача ажиб воқеликлар, гоҳ забун, гоҳ музаффар лаҳзалардан хабар беради. Тарих – ҳар неки бўлмасин, босиб ўтилган йўл. Манбалар бисёр – бисёр. Аммо ана шу манбалар тўлида хос ибора билан айтсак, шундай зарқоғоз (мемуар) ўрамлари борки, уларда давр одамларининг кечмиши рўйи-рост аён, замонаси тийнати-ю талотўми акс этган, шуур элагига тушган ва баайни ҳақиқатни ўз ҳолича авлодларга ташиган. Ҳеч муболағасиз айтиш керакки, бундай воқеаномалар, айниқса, келажак авлод истиқболини белгилаш, маънавий компаси учун ниҳоятда муҳимдир.*


*Бугун қарийб қирқ йиллар чамаси узоқдан туриб, ўтган асрнинг 80-йиллари миёналарига боқар эканмиз, халқимиз бўғзини чирмаганча аянчли оқибатлар келтириб чиқарган мудҳиш бир манзара гавдаланади.*

*Ҳа, бу аввалбошда «пахта иши» сифатида тамғаланган, кейинчалик эса «ўзбек иши» дея таърифланган воқеалардир.*

Абдусамат ПОЛВОНЗОДА:

# «Пахта иши»

## қандай вужудга келган эди?



Маъба: <https://sharafrashidov.org/paxta-ishi.html>

(давоми, боши ўтган сонда)

...1990 йил апрель ойининг ўрталари эди. Йўлдош Акбаров ва Владимир Одилов Олий Совет мажлисидан жиғибийрон бўлиб меҳмонхонага келишди.

– Сўзга чиқиш учун биринчилардан бўлиб рўйхатга ёзилган эдик. Лекин Лукьянов яна бизга сўз бермади. Кеча Манеж майдонида Гдлян ва Ивановларнинг Ўзбекистондан олиб кетган пуллари ҳисобига ташкил этилган ва уларни ҳимоя қилиш учун ўтказилган митингга СССР халқ депутатлари ҳам қатнашган экан. Кўпроқ ўшаларга сўз берилди ва улар Гдлян ва Ивановларни ҳимоя қилишди. Биз агар минбарга чиқсак, Гдлян ва Ивановларнинг пустигини қоқишимизни жуда яхши билгани учун атай сўз бермади, – дейишди хуно бўлиб. Сўнг:

– Абдусамат ака, қандай қилсак Гдлян ва Ивановлар ишида бурилиш яшаш мумкин, бизга шу

масалада юридик маслаҳат беринг, – дея каминага мурожаат қилишди.

Мен ўйлаб кўришга ваъда бердим. Алламаҳалгача шу ҳақда бош қотирдим ва хаёлимга тўсатдан СССР Олий Советига Ўзбекистон ССРдан сайланган депутатларнинг қатъий талаби қўйилган мурожаатномасини тайёрлаш ва у СССР Олий Совети мажлисида ўқиб эшиттирилиши лозим деган фикр келди. Мурожаатнома матнини қозоғга туширдим. Сўнг гарчи тун ярмидан оққан бўлса-да Йўлдош акани уйғотиб, тайёрланган матнни ўқиб бердим.

Матн Йўлдош акага маъқул бўлди.

Эртасига эрталаб бошқа депутатларимиз ҳам мурожаатнома матнини маъқуллашди ва унга ўз имзоларини қўйишди. Мурожаатномани СССР Олий Совети мажлисида ўқиб эшиттириш Йўлдош Акбаров зиммасига юкланди.

*Мана ўша мурожаатноманинг ўзбек тилидаги матни:*

### **СССР Олий Советига Ўзбекистон ССРдан сайланган депутатларнинг мурожаатномаси**

Гдлянни ҳимоя қилиб кеча Манеж майдонида ўтказилган митингнинг кучли таъсирига берилган СССР Олий Советининг кўпчилик аъзолари сўзга чиқишиб, тергов гуруҳи томонидан қонунийликнинг қўпол равишда бузилишига йўл қўйилгани тўғрисидаги мавжуд далилларни чуқур ва мазмунан таҳлил қилишдан сессияни чалғитишди.

Биз, Ўзбекистон ССРдан сайланган депутатлар, бу ишлар тагида хунук сиёсий ўйинлар ётганини кўриб турибмиз, шундан келиб чиқиб қуйидагиларни таклиф қиламиз:

Агар Олий Совет депутатлари прокуратура тақдим қилган далилларни етарли эмас деб ҳисоблаётган бўлсалар, у ҳолда «СССР халқ депутатлари мақоми тўғрисида»ги қонундан келиб чиқиб, СССР прокуратурасига уч кунлик муддат

ичида ўзларидеги барча мавжуд материалларни тақдим қилиш топширилсин. Прокуратуранинг тақдимномаси овозга қўйилсин. Тергов билан бевосита шуғулланган ходимларнинг, ҳеч бўлмаганда тергов гуруҳи раҳбарларининг ҳисоботи тинглансин. Акс ҳолда муҳокама бозорга айланиб кетмоқда.

Баъзи бир депутатлар кўзи кўр одам ҳам кўрадиган нарсани кўрмасликка олмақда.

Бу эса ишга юзаки ёндашиш бўлиб, ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин, чунки кўпчилик депутатлар масала моҳиятига чуқур кириб боришга ҳаракат қилаётганига бизда ишонч йўқ.

Агар бизнинг илтимосимиз қаноатлангилмайди деган бўлса, биз тегишли чоралар кўриш ҳуқуқини ўзимизда қолдирамиз.

#### **СССР Олий Совети депутатлари:**

1. Акбаров Й.Т.
2. Одилов В.Т.
3. Юсупов Э.Ю.
4. Ёқубов О.
5. Мухтаров А.

6. Мирқосимов М.М.
7. Давронов Н.
8. Қирғизбоева Т.Б.
9. Жўраева Т.
10. Саферишаев Ф.

Йўлдош Акбаров сессия мажлисида сўз берилмаган бўлса-да ушбу мурожаатномани жойидан туриб баланд овозда ўқий бошлаганда залга кутилмаган жимлик чўқади. Бу жимлик мурожаатнома ўқиб бўлинганидан сўнг ҳам бир неча дақиқа давом этади. Сўнг мурожаатнома бўйича сўзга чиқадиганлар кўпайиб кетганини кўрган раислик қилувчи танаффус эълон қилади. Танаффусдан сўнг Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Арманистон ва яна бир қанча республикаларнинг вакиллари сўзга чиқиб мурожаатномада кўйилган масалани қўллаб-қувватлашади.

Шундан сўнггина СССР Олий Совети Гдлян ва Ивановни лавозимларидан бўшатишга рухсат берди, ammo уларни жинойи жавобгарликка тортиш ва қамоққа олиш ҳақидаги талабларимизни рад этди.

Бу ҳам катта ғалаба эди.

Гдлян ва Ивановларга қарши кураш давом эттирилди. Охир-оқибат Гдлян ва Иванов устидан жиноят иши қўзғатилди. Уларнинг юртимизда

қилган ноқонуний ишларини текшириш ва судир этган жиноятларини фош этиш учун СССР прокуратурасининг бошқарма бошлиғи, генерал Виктор Иванович Илюхин бошчилигида тергов гуруҳи Ўзбекистонга келиб тергов ишларини бошлаб юборди.

Маълумки, Гдлян ва Иванов тергов гуруҳининг фаолияти асосан республикамизнинг юксак лавозимларида ишлаб, ҳалол ва фидокорона меҳнат қилиб, халқнинг чуқур обрў-эътиборига сазоват бўлган инсонларни, хусусан, Министрлар Совети, Марказқўм котиблари, обком ва райкомнинг биринчи котибларини ҳибсга олишга қаратилган бўлиб, уларга нисбатан терговнинг ноқонуний усулларини қўллаган эди.

Виктор Илюхиннинг тергов гуруҳи гдлянчилар томонидан ҳибсга олинган инсонларга нисбатан қандай усулда тергов олиб борилгани ҳақида рад қилиб бўлмайдиган жуда кўп факт ва далиллар тўплади. Биз шуларнинг айримларига тўхталамиз.

### Бектош РАҲИМОВ

Ўзбекистон Министрлар Совети раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган:

*«...Кечкурун яна сўроққа чақиринди. Кўйилган масала шу бўлдики, улар талаб қилган пул суммасини топширишим билан мени кўйиб юборишар экан. Шундай шарт қўйишдики, агар улар айтган суммани топширсам, пулнинг қандайдир қисмини ўзимга олиб қолишимга рухсат беришаркан.*

*Терговчилардан бири ўзбек эди, у мени шу шартга кўндиришга роса уринди. Сўнг улар яна сўкишга ва кўрқитишга ўтишди. Гдлян «мен буйруқ берсам КГБ офицери бўлган ўғлингни ишдан олишади ва КГБдан ҳайдаб юборишади» деб айтди. Улар қилмаган ишимни қилганман деб иқрорлик кўразмаси беришимни талаб қилишарди. Сўроқ пайтида пулим йўқлигини ва шунинг учун ҳеч нарса бера олмаслигимни айтганим учун улар қаттиқ норози бўлишди...»*

(1989 йил 11 майдаги сўроқ баённомасидан кўчирма).

### Оқил САЛИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиуми раиси бўлиб ишлаган:

*... Иванов биринчи кундаёқ мenden республикада кимдан қанча пора олганим ва «юқори»да ишлаганлардан кимга қанча пора берганлигим ҳақида иқрорлик кўрғазмаларини беришимни талаб қилди. Менинг ҳеч кимдан пора олмаганман ва ҳеч кимга пора бермаганман деб айтганларимни терговчилар мутлақо эътиборга олишмади...*

*...Иванов менга «биз партия манфаатларидан, XIX партконференция қарорларидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилаяпмиз, шунинг учун талаб қилинаётган кўрғазмаларни бериб, бизни қўллаб-қувватлашинг керак» деди. Акс ҳолда қариндошларинени қамаб хонадонингни остин-устун қилиб ташлаймиз, Усмонов бизнинг йўриғимизга юрмаган эди, отувага ҳукм қилинди деб таҳдид қилди...*

(1989 йил 11 майдаги сўроқ баённомасидан кўчирма).

**Ережеб АЙТМУРАТОВ**

Ўзбекистон Компартияси Марказ-қўмининг котиби бўлиб ишлаган:

«...1987 йил 20 августда Тошкентда қамоққа олиндим. Мени бир неча кун Ўзбекистон КГБсининг тергов изоляториди сақлашди, сўнг Москвага олиб келишди. Шу пайтдан бошлаб Гдлян ва Иванов сўроқ қила бошлади. Менга чин юракдан иқрор бўлишнинг аҳамиятини тушунтиришиб, қўйилган айбларга иқрор бўлишим кераклигини анчагача маслаҳат беришди. Агар ким иқрорлик кўрғазмасини бермаса отувага ҳукм қилинади, агар улар айтганига юрсам мени ҳатто қамоқдан озод қилишларини ҳам айтишди. Башарти иқрорлик кўрғазмасини бермасанг хотинингни, ўғлингни, қизингни, укангни қамоққа оламиз дея қўрқитди. У ҳатто ҳомиладор аёлни ҳам ҳибсга олганмиз, сен ҳам шундай бўлишини истайсанми деб сўради. Мен мутлақо айби йўқ одамларнинг қамоққа олинишини истамасдим...

...Эртасига Гдлян ва Иванов яна чақирди. Гдлян «50 кишидан пора олганман» деб ёзиб беришимни, поранинг миқдори эса 450.000 сўмдан кам бўлмасин деб айтди...»

(1989 йил 4 майдаги сўроқ баённомасидан кўчирма).

**Қаллибек КАМОЛОВ**

Қорақалпоғистон партия қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаган:

...Менинг ишимни тергов қилаётган терговчилар, биринчи навбатда Гдлян ва Ивановни ишнинг ҳақиқий ҳолати қизиқтирмас эди. Улар ўзларига керакли бўлган кўрғазмалар беришимни талаб қилишарди. «15-20 миллион пулни пора тариқасида олганман» деб ёзиб беришимни, бундан ташқари, КПСС МК аппаратининг ходимлари Могильниченко, Смирнов, Истомин, Ишков ва бошқаларга пора берганман деб туҳмат қилишимни талаб қилишарди. Мен «уларга ҳеч қачон пора бермаганман, шу сабабли пора берганман» деб ёзиб бера олмайман» дедим. Шундан сўнг Гдлян ва Иванов агар ёзиб бермасанг ёнинга хотин-бола-чақаларингни ҳам ўтқазиб қўямиз дея қўрқитишга ўтди. Агар биз айтган кўрғазмаларни берсанг жазони камайтирамиз, агар кўнмасанг, 12–15 йилга Магаданга ёки Колимага жўнатамиз, у ерда сен ҳозирги аҳволинг билан узоққа бормайсан. Ёки бўлмаса отувага ҳукм қилинасан, хотининг ва болаларингни қамаймиз деб дўқ қилишди...

... Мени Гдлян ва Иванов биргаликда ҳам, ҳар бири алоҳида ҳам сўроқ қилди. Улар «агар юқори туррувчи ходимларга, шу жумладан КПСС МК ходимларига қарши кўрғазмалар берсанг судда унча кўп муддат олмайсан» дейишди...»

(1989 йил 16 майдаги сўроқ баённомасидан кўчирма).

И. Усмонхўжаев, Х. Умаров, Н. Туропов, И. Жабборов, Р. Абдуллаева ва яна бир қатор айбланувчилар Гдлян ва Иванов ҳамда уларнинг тергов гуруҳи ўзларига қандай тазйиқлар ўтказгани ҳақида кўрсатувлар берган.

Гдлян ва Иванов устидан қўзғатилган жиноят иши бўйича тўпланган ҳужжатлар ўттиз томдан иборат бўлди. Бу ҳужжатлар билан танишган СССР Бош прокурори Н.Трубин Гдлян ва Ивановнинг айби факт ва далиллар билан тўлиқ исботланди деб СССР Президенти Горбачёвга хат ҳам ёзган эди. Лекин орадан бир ой ўтгандан сўнг, яъни 1991 йил 30 августда айна шу Бош прокурорнинг ўзи сиёсий ўйинларга берилиб, Гдлян ва Ивановлар устидан қўзғатилган жиноят ишини уларнинг ҳаракатида жиноят таркиби йўқ деб тугатиш тўғрисида қарор чиқарди.

Гдлян ва Ивановнинг жавобгарликка тортилмай қолганлиги учига чиққан адолатсизлик бўлди, қонунийлик ва ҳақиқат оёқости қилинди. Шунинг учун ҳам Н. Трубиннинг қонунга зид қарори бекор қилиниши лозим.

Бу пайтларда «пахта иши» ва бошқа ишлар бўйича судланганларнинг 4000 га яқини Россиянинг турли вилоятларида жазо муддатларини ўтаётган эди. Уларнинг барчаси «пахта иши»ни қайта кўриш бўйича тузилган комиссия сазъ-ҳаракатлари билан ватанига қайтарилди. И. Усмонхўжаев, Н. Худойбердиев, Қ. Камолов, Е. Айтмуратов, Т. Умаров, М. Мусахонов ва бошқалар эса Россиянинг Нижний Тагил шаҳридаги колонияда эди. Улар ҳам Тошкентга келтирилиб, махсус тиббий қисм (ИТК-18)га ётқизилди, тиббий хулосаларга асосан кекса-касалмандликлари туфайли 1991 йил бошида қамоқдан озод этилди.

Бу ўринда яна шунини таъкидлаб ўтиш керакки, улар Тошкентга келтирилиб, уйларига жўнатилганидан норози бўлган СССР Бош прокурорининг ўринбосари Дзенинас Ўзбекистон Олий судига хат билан мурожаат этиб, Нижний Тагилдан келтирилганларнинг ҳужжатларини юборишимизни қатъий талаб қилган бўлса-да ҳужжатлар жўнатилмади.

Мен Виктор Иванович Илюхин билан кўп мартаба кўришиб, суҳбатлашганман. У Гдлян ва Иванов терговни ноқонуний ва ўзбошимчалик билан олиб бурганидан ташқари аҳолидан тортиб олинган пуллардан жуда катта миқдорини ўзлаштириб юборганликлари ҳақида далиллар топилаганини, бундан ташқари товламачилик билан баъзи айбланувчилардан катта миқдорда пора олганликлари ҳақида кўрсатувлар мавжудлигини ҳам айтган эди. Айнан В. Илюхин тергов натижасида Оқил Салимов икки йил, генерал Отамурад Муҳаммадиев икки йилу уч ой, Бектош Раҳимов, Ҳамдам Умаров, Назир Ражабовлар тўққиз ой қамоқда ўтирганидан сўнг ва яна бошқа кўплаб ҳамюртларимиз қамоқдан чиқарилган, жиноят ишлари эса бекор қилинган.

Илюхин СССР Бош прокурори Н. Трубин уни ишдан бўшатганидан сўнг Гдлян-Иванов тергов

гурухи хунрезликлари, жаллодликлари ҳақида китоб ёзади ва қўлёзмани олиб Тошкентга келди. У менга китобининг қўлёзмасини кўрсатди ва уни нашр этишда ёрдам беришимни илтимос қилди. Виктор Иванович билан Вазирилар Маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков ҳузурига бордик. Исмоил Ҳақимович уни самимий, дўстона қабул қилди ва ўша пайтда Матбуот давлат қўмитаси раиси бўлган Рустам Шоғуломовга кўнғироқ қилиб, китобни ўзбек тилига таржима қилиш ва чоп этиш ҳақида кўрсатма берди.

Кўп ўтмай Илюхиннинг «Қабоҳат ёхуд...» номли китоби катта тиражда чоп этилди...

Энди Гдлян ва бошқаларни жиноий жавобгарликка тортиш масаласига келсак, Гдлян ва Ивановларни ўша пайтлардаёқ Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 1191-моддаси (давлат ёки жамоат мулкани жуда кўп миқдорда талон-торож қилиш), 128-модда (рэкёт), 152-модда (пора олиш), 149-модда 2-қисми (ҳокимият ёки мансабини суистеъмол қилиш), 150-модданин 2-қисми (ҳокимият ёки хизмат ваколатидан ташқарига чиқиш), 156-модданин 2-қисми (айбсиз кишини била туриб жиноий жавобгарликка тортиш), 158-модданин 1- ва 2-қисмлари (била туриб қонунсиз қамаш ёки ушлаб туриш), 159-модданин 2-қисми (кўрсатув беришга мажбур қилиш), 160-модданин 2-қисми (била туриб ёлғон хабар бериш), 87-модданин 2-қисми (ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш), 93-модданин 2-қисми (уриш ва қийнаш), 112-модданин «в» банди (туҳмат) билан жиноий жавобгарликка тортиш лозим эди. Лекин СССР Бош прокурори Н. Трубиннинг жиноят ишини виждонсизларча тугатгани туфайли улар жазодан қутулиб қолишди.

Бироқ шу ўтган ўттиз йил ичида Гдлян ва Ивановлар оммавий ахборот воситалари орқали, хусусан, айрим телеканалларда ҳамда ижтимоий тармоқларда сурбетларча мунтазам равишда Ўзбекистон фуқароларига нисбатан туҳмат қилиш, яъни билатуриб шахсни шарманда қиладиган уйдирмалар тарқатиш жиноятини содир этиб келишмоқда. Улар ҳатто СССР Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Россия судлари, Тожикистон Республикаси Олий суди, Туркменистон Олий суди ва бошқа судларда оқланган ҳамюртларимиз ҳақида юзсизларча туҳмат қи-

«Пахта иши» терговини «десантчи»лар, хусусан, Бутурлин, Гайданов, Дидоренко раҳбарлигида бир неча минг терговчи олиб борган. Уларнинг тергов тегирмонига тушган 20 000 га яқин қишлоқ хўжалиги ходимидан 4500 дан зиёди айбдор деб топилиб, турли муддатларга озодликдан маҳрум этилган эди.

Марказ республиканинг табиий шароити, имкониятларини ҳисобга олмай ҳар йили оширилган пахта режасини белгилар, сўнг амалда имконсиз бўлган ушбу режани сўзсиз бажаришни талаб қилар эди. Маҳаллий раҳбарлар эса бу талабга бўйсунишга мажбур эди.



либ келмоқда. Биз эса «андишали» бўлганимиз боис уларнинг туҳматларига эътироз билдир-маяпмиз, улар содир этган жиноятларни тўла ва кенг кўламда очиб ташламаяпмиз. Ҳолбуки, мунтазам равишда такрорланиб келинаётган бундай туҳмат ва ҳақоратлар учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 139-моддасида жиноий жазо назарда тутилган. Жиноят кодексимизнинг 64-моддасида яна бир муҳим қоида мавжуд, яъни агар оғир ва ўта оғир жиноят содир этган шахс жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтмасдан қасддан янги жиноят содир этса, муддатнинг ўтиши узилади. Демак, республикамизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари Россия Федерациясининг прокуратурасида сақланаётган Гдлян ва Ивановларга тегишли 30 томлик жиноят ишини олишлари, мазкур иш бўйича тергов ҳаракатларини мантиқий якунига етказиши ва уларни жиноий жавобгарликка тортишлари мумкин. Чунки улар бу жиноятларни Ўзбекистон ҳудудида ва Ўзбекистон фуқароларига нисбатан содир этган. Бунда ҳеч қандай қонун бузилишига йўл қўйилмайди. Бизнинг терговчиларимиз ишни холис ҳал этиш учун етарли малакага эга. Ҳар бир асосиз қамалган ва қийноқларга тортилган ватандошимизни имкони борича аниқлаб, улар билан Гдлян-Ивановларни юзлаштириш лозим. Шунда тарихий ҳақиқат қарор топади.

Бу ҳаракатлар дадиллик билан амалга оширилмас экан, катта қарвоннинг ортидан итлар вовуллаши тугамайдиганга ўхшайди.

Маълумки, «пахта иши» терговини «десантчи»лар, хусусан, Бутурлин, Гайданов, Дидоренко

раҳбарлигида бир неча минг терговчи олиб борган. Уларнинг тергов тегирмонига тушган 20 000 га яқин қишлоқ хўжалиги ходимидан 4500 дан зиёди айбдор деб топилиб, турли муддатларга озодликдан маҳрум этилган эди.


Аслини олганда, «пахта иши» бўйича судланганларнинг барчаси қўшиб ёзишга мажбурлан иштирокчи бўлиб қолишган. Ушбу масалага кенгроқ қарайдиган бўлсак, пахтачиликдаги қўшиб ёзиш ва бошқа суиистеъмомликлар собиқ марказ томонидан йиллик пахта режаси ҳаддан ташқари юқори белгиланиши оқибатида вужудга келганини яққол кўриш мумкин. Марказ республиканинг табиий шароити, имкониятларини ҳисобга олмай ҳар йили оширилган пахта режасини белгилар, сўнг амалда имконсиз бўлган ушбу режани сўзсиз бажаришни талаб қилар эди. Маҳаллий раҳбарлар эса бу талабга бўйсунишга мажбур эди.

Лекин масаланинг айнан шу жиҳатларига Бутурлин ҳам, Гайданов ҳам мутлақо эътибор бермаган. Чунки уларнинг мақсади Ўзбекистонни, ўзбек халқини ёмонотлиқ қилиш орқали ўзларини ишнинг кўзини биладиган, жиноятларни ҳеч нарсадан қўрқмай дадил фош қила оладиган етук мутахассис қилиб кўрсатиш, юксак лавозимлару мукофотлар олиш бўлган.

1989 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Олий суди раҳбарияти Ўзбекистон компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ислоҳ Каримов номига вужудга келган вазият ҳақида ва тергов жараёнида йўл қўйилган қўпол қонунбузарликлар, инсон ҳуқуқлари топталгани ҳамда

«пахта иши» бўйича етказилган зарар миқдори бўрттириб кўрсатилгани ҳақида маълумотнома тақдим этди. Ушбу маълумотномага асосан И. Каримов топшириғи билан ҳукумат комиссияси тузилди. Аввал 1989 йил 12 сентябрда етказилган зарар миқдорини аниқлаш

бўйича ҳукумат комиссияси, сўнгра 1990 йилда «пахта иши»ни тўлиғича ўрганиш учун комиссиянинг янги таркиби тасдиқланди. Унга раис этиб ўша пайтда ҳукумат раисининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаётган И. Жўрабеков, раис ўринбосари этиб эса камина тайинландик.



*Ўзбекистон ССР Президенти ҳузурдаги Вазирлар Маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг «пахта иши» бўйича комиссияси раиси Исмоил Жўрабеков ва комиссия раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий суди раиси вазифасини бажарувчи Абдусамод Полвонзода комиссиянинг навбатдаги ишлари юзасидан суҳбатлашяпти.*

Комиссия 50 кишидан, асосан ҳуқуқшунослардан иборат бўлиб, улар орасида Олий суд судьяларидан Абдуқодир Сарабеков, Ахрор Қодиров, Собир Исмоилов, Султонбой Бердиқличев, Азамат Дўстбобоев, Олий суднинг масъул ходими Мухтор Мирзаолимов, вилоят ва туман судьяларидан Шавкат Ҳақназаров, Эркин Хўжақулов, Йўлдош Очилов, Ғофир Собиров, Нуриддин Тўхлиев ва прокуратура ходимлари бор эди. «Пахта иши»га оид 40 000 жилдга яқин барча жиноят ишлари вилоят судларидан Олий судга чақириб олинди ва ҳар бир варағигача синчиклаб ўрганилди. Шу ўринда комиссия аъзолари 1989–1991-йилларда ҳар куни 12 соатгача фидокорлик билан ишлагани, ватанпарварлик, судьялик қасамёдига содиқлигини кўрсатиб, адолатни тиклашга жуда катта ҳисса қўшганини самимий миннатдорлик ила таъкидлайман.

1989 йил октябрь ойида 500–600 га яқин, асосан Қашқадарё вилоятидан келган кишилар Ўзбекистон Марказқўми биноси олдида тўпланиб,

фақат И. Каримов билан учрашишларини қатъий талаб қилишади. Чунки Ислом Каримов айнан Қашқадарё вилояти раҳбарлигидан республикага раҳбар бўлган эди. Тўпланганлар ўзлари ва судланган қариндошлари тазйиқлар остида кўшиб ёзишга мажбур бўлганини, моддий бойликларни ўзлаштирмаган бўлсалар-да суд ҳукмига биноан 4-5 йил қамоқда ўтирганлари камлик қилгандай, ойлик маошидан 50 фоизи ушлаб қолинаётгани, бунинг оқибатида 8–10 тадан бола-чақаси бор оддий қишлоқ одами тергов жараёнида бор мол-мулкидан ажрагани, номлари қора бўлгани етмагандай суд томонидан тайинланган моддий зарарни тўлашга мажбур бўлиб қолишгани тўғрисида гапиришарди.

Республика «пахта иши» комиссияси вакили сифатида Марказқўмга келиб йиғилганларнинг тўрттаси билан қабулхонада суҳбатлашдим ва муаммо моҳиятига тушунганимдан кейин йиғилганларга қарата «Республика Олий судига боринглари, шу ерда бир тўхтамга келамиз» деб айтдим.

Олий суд биносига келганларнинг барчаси катта мажлислар залига сиғмади. Чамаси 300 кишидан иборат оломон бири қўйиб, иккинчиси гапирар эди. Биз Олий суд раиси М. Маликов билан уларни тинчлантиришга уриндик. Воҳанинг полвоносифат эркаклари кўзёш қилиши юрак-бағримизни эзиб юборди. Улар қўшиб ёзишга катта тазйиқ остида мажбур бўлгани, аммо бир тийин ҳам ўзлаштирмагани, шунга қарамай суд ижрочилари маошларидан 50 фоизини ушлаб қолаётганидан куюниб «Адолат борми?» дея мурожаат этдилар.

Олий суд раисига Жиноят-процессуал кодексининг 350-моддасига асосан ҳукмларнинг зарарни ундириш қисми ижросини тўхтатишни таклиф қилдим. Раис шу ернинг ўзида барча вилоят судларига телеграмма жўнаттирди ва шу мазмундаги телеграмманинг нусхалари йиғилганларнинг қўлларига ҳам берилди...

Вилоят судларидан келтирилган пахта ишларига тааллуқли дастлабки ишларни кўриш чоғидаёқ илгари ҳеч ким эътибор бермаган бир қатор ҳуқуқий муаммолар аниқланди.

Биринчидан, «десантчи»лар «пахта иши» бўйича республикага етказилган зарар миқдорини бир неча юз баравар бўрттириб кўрсат-

гани маълум бўлди. Иккинчи масала эса анча муҳимроқ ва ҳуқуқий жиҳатдан жуда ҳам мураккаб эди. «Пахта иши» бўйича судланганларнинг асосий қисми тергов материаллари бўйича ҳам, тергов хулосаси бўйича ҳам, суднинг ҳукми бўйича ҳам бир тийин ўзлаштирмагани, улар пахта плани бажарилгани ҳақидаги нотўғри ҳужжатларга, юқорида кўрганзимиздек, тазйиқ остида имзо чекканликлари аниқланди.

Юқорида айтилганидек, камина 1990 йилнинг биринчи ярмида Республика раҳбарияти томонидан СССР Олий Советида Гдлян-Иванов тергов гуруҳининг жиноятлари муҳокамасида қатнашаётган Ўзбекистон депутатларига ҳуқуқий ёрдам бериш учун Москвага юборилгандим. Шу ерда СССР Олий суди раиси Е.Смоленцевга «пахта иши» бўйича хулосалар ҳақида хат ёзиб, унда ушбу ишларни кўриш бўйича тавсиялар беришни сўрадим. Хатни Москвадаги элчихонамизнинг котибаси ёзув машинкасида териб бергандан сўнг СССР халқ депутати Владимир Одилов билан бирга бевосита Е. Смоленцев хузурига кириб, хатни СССР Олий суди раисининг шахсан ўзига бердик. У хатни ўқиб чиқаркан, бепесандлик билан «бу фикрлар нотўғри» деди.

### Мана ўша хат.

#### «СССР Олий судининг раиси ўртоқ Е.Смоленцевга

Маълумки, 1983–1989-йилларда «пахта иши» деб номланган ишлар бўйича Ўзбекистонда 5 мингга яқин киши жиноий жавобгарликка тортилиб, судланди.

Партия, совет ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига асоссиз судланганлик, қонунсиз тергов усуллари олиб борилганлиги, тайинланган жазоларнинг оғирлиги, жиноятга ҳеч қандай дахлдор бўлмаган айбланувчиларнинг қариндошлари ва танишларининг пуллари тергов органлари томонидан олиб кетилгани ва бошқа масалалар ҳақида минглаб шикоятлар тушмоқда.

Пахта тайёрлаш системасидаги суистеъмолликлар натижасида етказилган моддий зарар ва расмий эълон қилинган талон-торој миқдорининг тўғрилиги жиддий шубҳалар туғдирмоқда.

Республика жамоатчилиги ва СССР халқ депутатларининг бир гуруҳи талабларига кўра Ўзбекистон Компартияси Марказқўми суд ва Ўзбекистон ССР прокуратура органлари ходимларидан иборат бўлган республика Министрлар Совети комиссиясини ташкил қилди.

Ҳақиқий бўлган ҳолатни аниқлаш учун «пахта иши»га оид ҳамма ҳужжатлар чақириб олиниб, ўрганиб чиқилмоқда.



Ҳозирги вақтнинг ўзидаёқ пахтачиликдаги эълон қилинган зарар ва талон-тороғлар миқдори тахминларга асосланилгани, сунъий равишда бир неча маротаба ошириб кўрсатилгани аниқланди.

Фикримизча, бир қатор ишлар бўйича колхозлар, совхозлар кассаларидан олиниб, пахта заводлари ходимларига берилган, улар эса ўз навбатида ўзларини ҳосил бўлган пахта камомадини яшириш мақсадида район маиший комбинатларига, тўқимачилик корхоналари ва бошқаларга берган анчагина пуллар асоссиз равишда талон-тороғ суммасига киритилган.

Пировардида кўп ҳолларда кўрсатилган пуллар давлат банкига гўё сотилган товарлар пули сифатида топширилган. Бу пуллар, шубҳасиз, қўшиб ёзишлар ва товарсиз операциялар қилинганини кўрсатса-да, лекин талон-тороғлар суммасига асоссиз киритилган, чунки қонуннинг аниқ маъноси ҳисобга олинган тақдирда, талон-тороғ қилиш айбланувчи томонидан давлат ва жамоат мулкни қонунсиз равишда, пул тўламадан текин олишни назарда тутди. Кўрсатилган ҳолатларда пуллар давлат банкига қайта топширилган ва аслида давлат ҳисобидан олинмаган.

Қашқадарё вилоят судининг 1985 йил 18 ноябрдаги ҳукми бўйича Нишон пахта заводи ходимлари Худойбердиев П. ва бошқалар совхоз ходимларидан пахта қўшиб ёзганликлари учун ҳаммаси бўлиб 3 миллион 768 минг сўм пора олганликда айбли деб топилган. Уларнинг бу ҳаракатлари ҳам талон-тороғ қилган ва қўшиб ёзган деб квалификация қилинган. Ҳақиқатда эса пахта заводи ходимлари шу 3 миллион 768 минг сўмдан район маиший хизмат комбинатларига 3 миллион 339 минг сўмни камомадларини ёпиш учун берганлар. Кейинчалик бу пулларнинг асосий қисми давлат банкига кирим пули сифатида топширилган. Бошқа кўп ишлар бўйича ҳам шу каби қўпол хатоларга йўл қўйилган. Пахтачиликда суиистеъмолликлар маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан ҳақиқий иқтисодий манфаатдорлиги бўлмаган республиканинг реал имкониятлари ҳисобга олинмаган ҳолда шафқатсизларча марказлаштирилган планлаштириш оқибатида юз берган. Бунинг натижасида хўжаликнинг буйруқ усуллари, «План бу – қонун» ва шу каби бошқа шиорлар кенг кўламада қўлланган. Кўпчилик партия, совет раҳбарлари ҳақиқатда имкони бўлмаган, айниқса, ноқулай об-ҳаво шароитида бажариш мумкин бўлмаган, юқоридан юборилган кундалик пахта териш графигини қаттиқ туриб талаб қилишга мажбур бўлганлар. Бунда ҳар қандай тушунтиришлар партиявий ва бошқа чоралар билан рад қилинган, ҳар куни кечаси ўтказиладиган партия комитетлари бюросида тазйиқлар ўтказилган.

Масалан, Қашқадарё обкомининг собиқ иккинчи котиби Головачёв хўжалик раҳбарларини қўрқитиб, ўз ҳукмини ўтказиб, уларни пахта «сотиб олишга» мажбур қилган. Қўшиб ёзишга қарши чиққан «Коммунизм» колхозининг раиси Эшматов Головачёв томонидан район партия бюросига чақирилиб, унга қаттиқ хайфсан эълон қилинган. Натижада Эшматов колхоз кассасидан пулларни олиб пахта заводи ходимларига берган, унга эса 1283 тонна пахта топширилгани ҳақида товарсиз чипта ёзиб беришган. Эшматов ва колхознинг бошқа ходимлари шу пулларни ўзлаштирмаганлар ва бу операциядан ҳеч қандай манфаатдорлик кўрмаган. Эшматовга жуда кўп миқдорда талон-тороғ қилган ва қўшиб ёзган деган айб қўйилиб, 7 йилга озодликдан маҳрум қилинган.

Кўпчилик хўжалик раҳбарларининг ҳеч қандай манфаатдорлиги бўлмаганини пахта тайёрлаш плани бажарилганидан кейин ҳам улар пахтани қўшиб ёзишга мажбурланган ҳоллар ҳам тасдиқлайди. Аҳвол жисмоний зўрлик ишлатиш даражасига бориб етган. Шахрисабз районидаги Энгельс номли колхоз раиси Сувонов Б. қуйидагича кўрсата-

ди: «Бизнинг колхозимиз 1983 йил ноябрь ойининг бошларида пахта тайёрлаш планини бажарди. Ўша вақтда райкомда вакил обкомнинг иккинчи котиби Головачёв эди. У менга пахтани қўшиб ёзишни таклиф қилди. Мен унга колхоз йиллик планини бажарганини, далада эса пахта қолмаганини айтдим. Шундан кейин мен 8-9 кун давомида Головачёвнинг кўзига қўринмасликка ҳаракат қилдим. У барибир мени топиб олди, уятли сўзлар билан ҳақоратлади ва қўли билан икки марта уриб, томоғимдан бўғди. Мен пахта қўшиб ёзишга мажбур бўлдим, пахта заводи классификаторига 180 минг сўм бердим. Ўзимиз бир тийин ҳам ўзлаштирадик».

Сувоновнинг кўрсатувлари бошқа иш материаллари билан ҳам тасдиқланади. Харақтерли жойи шундаки, Сувоновнинг иш бўйича кўрсатилган суммадан қайси қисмини пахта заводи ходимлари ўзлаштиргани ва қайси қисми давлат банкига қайтарилгани аниқланмаган. Шунга қарамай жуда кўп миқдорда талон-торож қилгани ва қўшиб ёзганлиги учун 10 йилга озодликдан маҳрум этилган. Головачёвга келганда, у амнистия бўйича жавобгарликдан озод қилинган.

Тергов ва суд жараёнида зарарни қоплаш учун айбдорларнинг қариндошлари ва танишларидан қонунсиз пуллар йиғиб олинган. Умумий ҳисоблаганда фуқаролардан бир неча миллион сўм қонунсиз олинган. Ҳозирги вақтда кўпчилиги кўп болали бўлган судланганларнинг иш ҳақидан 50 фоизи зарарни қоплаш учун ушлаб қолинмоқда.

Фикримизча, давлат вакиллари тазйиқи остида сохта чипталар олиш учун пул берган хўжаликлар ходимларининг ҳаракатлари талон-торож қилиш ва пора бериш жинояти таркибларини ташкил этмайди, чунки бунда ғараз элементлари йўқ бўлиб, бу ҳаракатлар таварсиз операциялар ва қўшиб ёзишлар ҳақидаги кўрсатувларни бажаришга қаратилган.

Кўпчилик ишлар бўйича охирги зарурат ҳақидаги қонун-қоидалар қўлланиши учун асослар бор деб ҳисоблайман. Албатта, бунда фақат гап жиноятда иштирок этишидан ўзи учун ҳеч қандай шахсий манфаат кўрмаган шахсларнинг ҳаракатлари тўғрисида бормоқда. Қонунда охирги зарурат ҳолатини характерловчи, айниқса, бу тоифадаги ишларнинг ўзига хос бўлган аломатлари йўқ. «Пахта иши» келиб чиқишининг ўзи кўп жиҳатдан иқтисодиётнинг ҳаддан ташқари марказлашган бошқарув системасининг жуда оғир оқибатлари билан боғлиқдир.

Шунинг учун бу энг муҳим масала бўйича конкрет маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда социалистик ҳуқуқий онгга мувофиқ тўғри қарор қабул қилиниши мумкин. «Пахта иши» бўйича доимий равишда хавф остида бўлган ва бешафқат оёқости қилиниб, топталиб келинган инсон ҳуқуқларининг ижтимоий қимматини ғараз мақсадлари бўлмаган ҳолда давлат вакилларининг ўзлари мажбурлашлари бўйича кишилар томонидан давлатга етказилган мажбурий зарарни таққослаганда, албатта фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига сўзсиз афзаллик берилмоғи лозим. Бундай муносабат ҳуқуқий давлат, инсон ҳуқуқлари, ижтимоий адолат тамойилларига мувофиқ бўлади.

Қонунга асосланган бундай қарорнинг қабул қилиниши аҳолисининг асосий қисми пахта етиштириш билан машғул бўлган Ўзбекистонда маънавий-сиёсий вазиятни анчагина яхшилашга ёрдам беради...

**Ўзбекистон ССР Министрлар Совети  
комиссияси раиси ўринбосари**

**А.А. Полвонзода**

Ушбу хатда кўрсатилган мисолларни яна ва яна келтириш мумкин.

Қашқадарё вилояти Талимаржон туманидаги 2-давлат хўжалиги ходимларига нисбатан кўзгатишган жиноят иши яққол мисол бўлиши мумкин. Бу иш бўйича собиқ бўлинма бошлиқлари, бухгалтерлар, жами 24 киши судланган. Гувоҳлар – давлат хўжалиги бўлинма бошлиқлари кўргазма беришча, Талимаржон туман ижроия кўмитасининг раиси пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топшириш режасига қўшиб ёзишга кўрсатма бериб келган. Бу буйруқ бажарилмаганлиги учун унинг кўрсатмасига асосан хўжалик бош бухгалтери Б. Хидиров, кассирлар Бахриддинова ва Эргашевлар бир суткага қамалганлар.

Бўлинма бошлиғи Ю. Жалилов қалбаки ҳужжатларни имзолашдан бош тортиб, давлат хўжалиги раҳбарларининг рухсатсиз қўшни хўжаликка ишга ўтган. Бироқ 1982 йил 25 декабрь куни унинг уйига директор ўринбосари, партия кўмитаси котиби ва комендант келиб, ультиматум қўйишган – ё қалбаки ҳужжатларни имзолайсан, ёки ҳозироқ квартирани бўшатасан. Жалилов қишда, бошқа квартираси бўлмаганлиги ва қаҳратон совуқда оиласи ва ёш болалари билан ҳеч қаерга кўчиб кета олмаслиги сабабли қалбаки ҳужжатларни имзолашга мажбур бўлган.

Шу сингари ҳолатлар республикамизнинг барча вилоятларида юз берган.

Бу ўринда шунга айтиб ўтиш керакки, қўшиб ёзишлар фақат Ўзбекистонда эмас, барча совет республикаларида бўлган. Марказ Ўзбекистонга «десант» ташлаганда ўзини гўёки илгари бу иттифоқ миқёсида тарқалган ҳолатдан беҳабар бўлгандай қилиб кўрсатишга ҳаракат қилди. СССР прокуратураси ҳайъат мажлисининг бирида Гдланнынг бевосита раҳбари Каракозов пахтачиликдаги қўшиб ёзиш Ўзбекистонга нисбатан бошқа республикаларда анча кўпроқ бўлган деб эътироф ҳам этган. Демак, аслида айнан собиқ марказнинг буйруғига асосан социалистик

давлатнинг «катта ютуқлари»ни намойиш этиш учун қўшиб ёзишлар вужудга келган эди. Давлатнинг ўзи одамларни қўшиб ёзишга мажбурлаб, сўнг шу давлатнинг ўзи уларни қатағон қилди. Дунё тарихида халққа нисбатан бундай ўтакетган ғирромлик жуда кам учрайди.

Шу сабабли ҳам СССР Олий суди раиси Е. Смоленцевнинг мурожаатимизга беписандлик билан қарагани бизга оғир ботди.

Шундан сўнг бутун масъулиятни зиммамизга олиб «пахта иши»ни қайта кўриб чиқишга қарор қилдик. Бунинг учун Ўзбекистон Олий суди пленуми «пахта иши»ни қайта кўриб чиқиш бўйича қарор қабул қилиб, судьяларга тушунтиришлар бериши лозим эди. Е. Смоленцевга ёзилган хатда «пахта иши»ни қайта кўриб чиқиш концепцияси баён этилган эди. Шу туфайли пленум қарорига ушбу концепция асос қилиб олинди.

Маълумки, Ўзбекистон Жиноят кодексининг 14-моддаси «Охириги зарурат» деб номланган. Унда «Жиноят қонунида назарда тутилган ҳаракатлар охириги зарурат ҳолида қилинса, яъни давлат манфаатларига, жамият манфаатларига, шу шахснинг ёки бошқа фуқароларнинг шахсига ёки ҳуқуқларига кўрқинчли бўлган хавфни қайтариш учун қилинган бўлса ва шу хавфни ўша ҳолда бошқа чоралар билан қайтариш мумкин бўлмаган бўлса ҳамда келтирилган зарар олди олинган зарарга қараганда камроқ бўлса жиноят ҳисобланмайди» деб кўрсатилган. Шундан келиб чиқиб Олий суд пленуми қарорининг лойиҳасини тайёрладик ва кўриб чиқиш учун тегишли идораларга жўнатдик.

Республика прокуратураси пленум қарори лойиҳасига салбий хулоса берди. Шунга қарамай ушбу қарор лойиҳаси навбатдаги пленумнинг кун тартибига киритилди.

Кўп тортишувлардан сўнг Олий суд раиси М. Маликов раислигида Ўзбекистон Олий суди пленуми 1990 йил 20 июлда «Республика судлари томонидан пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган талон-торож қилиш, қўшиб ёзиш ва бошқа суиистеъмолликлар ҳақидаги ишларни кўриш амалиётида вужудга келган баъзи масалалар тўғрисида» деб номланган қарорни қабул қилди.

**Пленумнинг қарорини қисқартирилган ҳолда эътиборингизга ҳавола этаман:**

«Пленум пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш ҳамда қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган талон-торож қилиш, кўшиб ёзиш ва бошқа сууистеъмолликлар ҳақидаги ишларни кўриш практикасида юзага келган масалаларни муҳокама қилиб, судлар томонидан бир қанча ишларни кўришда қонунсизлик ва фуқаролар ҳуқуқлари жиддий равишда бузилганлигини қайд қилади.

Талон-торож қилиш ёки пора олиш жиноятларини содир этишга ҳеч қандай қасдлари ва тамағирлик ниятлари бўлмаган фуқароларни шундай жиноятларни қилганликлари учун судлаш фактлари бўлган. Кўп ҳолларда кўшиб ёзиш ва бошқа сууистеъмолликларда айбли бўлганларнинг ҳаракатлари талон-торож қилганликда квалификация этилган.

Конкрет ишларни кўриш вақтида кўпинча колхозлар, совхозларнинг кассаларидан олиниб тайёрлов ва қайта ишлаш корхоналарига берилган, кейинчалик давлат банкига тушган пуллар асосиз равишда талон-торожлар суммасига киритилган. Тергов органлари томонидан айбланувчиларнинг жиноятларига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган қариндошларига ва танишларига тегишли бўлган пулларни олиб кетиш фактлари ҳам бўлган.

Тергов олиб бориш ва ишларни судда кўриш вақтида жиноятларни содир этиш ҳолатларини тўла ва объектив текшириш, айбланувчининг қораловчи ҳолатларини ҳам, оқловчи ҳолатларини ҳам аниқлаш зарурлиги ҳақидаги қонун талаблари бузилган. ЎзССР ЖПКнинг 22-моддасига хилоф равишда дастлабки терговнинг ва суд томонидан кўриладиган ишнинг тўлалигига ва объектив олиб борилишига салбий таъсир кўрсатишига қарамай ишлар асосиз равишда ажратилиб келинган. Бу эса жиддий суд хатоларига олиб келган.

Кўпгина ишлар бўйича содир қилинган жиноятга тўғри ижтимоий баҳо берилмаган: республиканинг ҳақиқий имкониятлари ҳисобга олинмай қаттиқ марказлашган планлаштириш билан боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалигидаги кўшиб ёзиш ва бошқа сууистеъмолликларни келтириб чиқаришга ёрдам берувчи ҳақиқий сабаблар ва шароитлар чуқур аниқланмаган.

Судлар ҳукм чиқариш вақтида, қонунда назарда тутилган асослар бўлмагани ҳолда, фуқаролик суд юргизиш тартибиде кўрилишига оид бўлган моддий зарарни қоплаш масалаларини ҳал қилганлар.

Юқориде кўрсатилган қонунбузилишларнинг кўп қисми кассация ва назорат инстанциялари томонидан ишлар кўрилганида эътиборсиз қолиб келган.

Ўзбекистон ССР Олий судининг пленуми

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

2. Талон-торож қилиш фақатгина тўғри қасд билан ва айбланувчи томонидан давлат ва жамоат мулкани қонунсиз, пул тўламасдан текинга олиб ўз фойдасига қаратиш билан содир қилиниши судларга тушунтирилсин. Қонунга мувофиқ талон-торож қилиш жинояти содир қилинаётганидан бехабар бўлган шахслар бу жиноятнинг иштирокчилари деб ҳисобланмайдилар. Колхоз ва совхоз кассаларидан товарсиз операциялар содир этиш учун олинган, пировардида давлат банкларига келиб тушган пулларни талон-торож қилинган деб ҳисоблаб бўлмайди.

3. Судлар ҳар бир конкрет ҳолатда давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарларининг тазйиқи остида жиноятда мажбуран иштирок этганлик фактларига албатта ҳуқуқий баҳо беришлари лозим. Шу билан бир қаторда, мазкур раҳбарларнинг қонунга хилоф талабларини бажармаган тақдирда шахснинг қандай ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари хавф остида қолганини аниқлаш керак.

Агарда шахс унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, шунингдек унинг яқин кишиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига хавф туғдирувчи шароитга туширилган бўлиб, уни бошқа бирор воситалар билан бартараф этиш имкони йўқлиги аниқланса ва у олдини олган зарар содир этган хатти-ҳаракатларидан муҳимроқ бўлса, гарчи кўрсатилган ҳаракатлар расмий жиҳатдан жиноий жазо тайинлаш мумкин бўлган ҳаракатларни ўз ичига олас ҳам, бундай ҳаракатлар охириги зарурат ҳолатида содир этилган деб ҳисобланмоғи лозим, чунки жамиятнинг демократлаштириш, ҳуқуқий давлат шароитларида инсоннинг конституцион ҳуқуқлари ва озодлигининг ижтимоий қиммати биринчи даражали аҳамият касб этади.

4. Юридик шахслар, қонунда махсус кўрсатилган ҳолатлардан ташқари ҳолларда, жиноят ишларида даъвогар ва жавобгар сифатида иштирок эта олмасликлари судларга тушунтирилсин».

Ушбу қарор амалий жиҳатдан ҳам, илмий-назарий жиҳатдан ҳам тарихий аҳамиятга эга бўлди. Комиссиянинг, Олий суд ходимларининг иши жадаллашди. 1990 йил декабрь ойигача «пахта иши» бўйича беш юзга яқин судланганлар ишлари кўриб чиқилди ва улар қўшиб ёзиш жиноятини раҳбарларнинг тазйиқ ўтказгани оқибатида содир этгани учун оқланди.

Аммо орадан кўп вақт ўтмай комиссия ишига тўсиқлар қўйила бошланди. Бир неча ой муқаддам пахта ишлари бўйича комиссия хулосалари битилган хатга бепасандлик билан қараган СССР Олий суди раиси Смоленцев 1990 йил октябрь ойида Ўзбекистон Олий суди пленумига тақдимнома киритиб, 1990 йил 20 июлда қабул қилинган пленум қарорининг юқорида келтирилган учинчи бандини бекор қилишни қатъиятлик билан талаб қилди. Хусусан, тақдимномада охириги зарурат ҳолати ҳақидаги қоидаларни Ўзбекистон Олий суди талқин қилишга ҳақли эмас, бундай ваколат фақат СССР Олий суди ваколатига кирди деб кўрсатилган эди.

Бу пайтга келиб Олий суд раиси М. Маликов 1990 йил охирида Ўзбекистон Адлия вазири этиб тайинлангани учун мен Олий суд раиси вазифасини бажарувчи бўлиб қолган эдим.

Шу боис олдимда нима қилиш керак деган савол бутун залвори билан кўндаланг бўлди.

Чунки СССР Олий судининг тақдимномаси

биз учун бажарилиши шарт бўлган бир буйруқ эди. Биз бу буйруқни бажарадиган бўлсак «пахта иши»ни қайта кўриб чиқиш ишига нуқта қўйилади ва оқланишини умид билан кутиб турган минглаб жабрдийдаларнинг тақдири ўлда-жўлда қолади.

Ўзбекистон ССР конституциясида республикамиз суверен республика деб айtilган. Шундай экан, Ўзбекистон Жиноят кодексининг охириги зарурат ҳолати ҳақидаги қоидаларига тушунтириш беришга Ўзбекистон Олий суди ҳақли деган хулосага келдим ва бутун масъулиятни бўйнимга олиб, тақдимномани пленум муҳокамасига қўйишга қарор қилгандим.

Пленум арафасида олдимга жуда хурмат қиладиган устозим, жиноят ҳуқуқи фани бўйича таниқли профессор, Олий суд ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгашининг аъзоси Борис Аронович Блиндер келди, устозга Олий суд пленуми муҳокамасига қўйилган масала ҳақида гапириб берган эдим, юзига ташвиш соя солди.

– Абдусамат, – деди у аста. Хатога йўл қўймаётганингга ишончинг комилми? Ахир бусиз ҳам душманларинг бир талай-ку.

– Комиссиянинг позицияси ҳуқуқий нуқтаи назардан мутлақо беноқсон, – дея жавоб берарканман, устознинг 1970 йилда, Тошкент давлат университети ҳуқуқшунослик факультетининг 3-курс талабаси бўлган пайтимизда ўқиган лек-

цияси ёдимга тушди.

– Эсингиздами, сиз жиноят ҳуқуқи бўйича бизга дарс бергансиз ва шунда профессор Матвей Давидович Луцкийнинг «Ҳақиқий ҳуқуқшунос ҳуқуқнинг туб маъносини, адолатни ҳис қила билиши, ўз принципларидан қайтмасдан собитқадам туриши лозим» деган фикрини алоҳида таъкидлаб айтган эдингиз.

Бу гапдан сўнг Борис Ароновичнинг юзларида чуқур ҳаяжон акс этди.

– Буни қара-я, орадан йигирма йил ўтиб кетган бўлишига қарамай берган сабоқларимни унутмасан, – деди устоз мамнуният билан.

Шу тариқа суҳбатимиз бир соатдан кўп давом этди. Блиндер охир-оқибат пленум қарори қонунга зид эмаслигига ишонч ҳосил қилди.

1990 йил 28 декабрь кuni ўтказилган Ўзбекистон Олий суди пленумида муҳокама этиладиган масала бўйича маъруза қилдим. Музокара эса жуда катта тортишувлар билан ўтди. Ҳатто Олий суднинг айрим судьялари ҳам тақдимномани ёқлаб гапиришди. Шунда профессорлар Борис Аронович Блиндер ва Гофур ака Абдумажидов сўзга чиқиб, «пахта иши» комиссиясининг фаолиятини маъқуллади. СССР Олий суди раисининг тақдимномаси ноқонуний эканини асослаб берганларидан сўнг пленум иштирокчиларининг фикри ўзгарди ва тақдимномани рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Унда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ бериш Ўзбекистон Олий судининг мутлақ ваколати доирасига киради деб таъкидланди.

Бу орада СССР Олий суди раиси Е. Смоленцев бир неча бор қўнғироқ қилиб, ўзбошимчалик қилишда давом этаверсанг республика раҳбари И. Каримовга айтаман, ўзинг эса жавобгарликка тортилсан деб дағдаға ҳам қилди. Мен эса СССР Олий суди йўл қўйган қўпол хатоларга, бунинг оқибатида бир неча минг одам асоссиз судланганига эътиборини қаратдим.

Тақдимнома рад этилганидан кейин 1991 йил 17 майда СССР Олий суди пленуми Ўзбекистон Олий суди пленумининг 1990 йил 20 июлда қабул қилган қарори учинчи бандини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиб, ижро қилиш учун республика Олий судига юборди.

СССР Олий судининг ушбу пленумига Ўзбекистон Олий суди раҳбарлари таклиф этилмаганди.

Мен яна қайтадан Республика Олий суди пле-

нумини қақриб, СССР Олий суди пленумининг 1991 йил 17 майдаги қарорини ўқиб эшиттирдим ва муҳокамадан сўнг СССР Олий суди пленуми қарори Ўзбекистон қонунарига зид бўлганлиги учун Ўзбекистон Республикасида қўлланилмайди деган қарор қабул қилинди.

СССР Олий суди раҳбарияти ва Ўзбекистон СССР Олий суди раҳбарияти ўртасида 1920-йиллардан буён бундай зиддият бирон марта ҳам бўлмаган эди.

Ўша кунларнинг бирида Марказқўмга қақрилдим. Маъмурий ва ташкилий бўлим раҳбарлари менга пахта ишларини кўриб чиқишни тўхтатиш тўғрисида 1-котибдан топшириқ бўлганини маълум қилди.

Бу ёмон гап эди.

СССР Олий суди раиси Е. Смоленцевнинг республика раҳбари Ислом Каримовга айтаман, жавобгарликка тортилсан қабилидаги дағдағаларини эслаб, у Ислом Абдуғаниевичга қўнғироқ қилган бўлса керак деб ўйладим.

Шундан сўнг Марказқўмдан Вазирлар Маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари, комиссия раиси Исмоил Жўрабеков олдига бориб, унга Марказқўмда бўлиб ўтган суҳбат тафсилотларини батафсил гапириб бердим. Исмоил Ҳақимович «пахта иши»ни қайта кўриб чиқиш самарали болаётганидан мамнун бўлиб юрар, комиссия ишида бирон бир муаммо туғилса уни ҳал этиш чораларини тезкорлик билан кўрар эди. У киши юз берган воқеани эшитгач, асабийлашиб ўрнидан туриб кетди ва хона бўйлаб тез-тез юра бошлади. Бир неча дақиқадан сўнг:

– Сиз қилинган ишлар бўйича маълумотнома тайёрлаб, менга беринг, бу масала бўйича ўзим Ислом Абдуғаниевичга айтаман, – деди.

Бу орада ўзимизнинг баъзи мансабдорлар, ҳуқуқшунос олимларимизнинг СССР Олий суди таъсирида комиссиянинг фаолиятига қарши ҳар хил гаплар тарқатгани ва республика раҳбарини чалғитиши оқибатида комиссия иши бир неча ой тўхтаб қолди. Ҳатто уни тугатиш-тарқатиш масаласи ҳам қўтарилма бошланди.

Комиссия фаолияти атрофида давом этаётган ҳар хил ноўрин, майда гапларга чек қўйиш учун СССР Олий суди ва Ўзбекистон Олий судининг қарорлари юзасидан ўз фикрларини билдиришларини сўраб Москвадаги энг етакчи ҳуқуқшунос олимларга хат билан мурожаат қилдим.

Хатларга СССР Олий суди пленуми ва Ўзбекистон Олий суди пленуми қарорлари ҳамда оқланганларнинг хужжатлари илова қилиниб, Москвага, академик В.Кудрявцев, профессорлар

С.Бородин, Ю.Касаткин, И.Гальперин, Н.Радутная ва бошқаларга жўнатилди.

Орадан кўп вақт ўтмай улардан Ўзбекистон Олий суди пленуми қарори маъқулланган жавоб хатлари келди.

*Ўша хатларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.*

**Ўзбекистон Олий суди раиси  
вазифасини бажарувчи  
ўртоқ Полвонзода А.А.га**

*СССР прокуратураси раҳбарий кадрлар тайёрлаш институти директориغا 1991 йил 23 майда юборган хатингизда қўйилган саволларга ўзимнинг куйидаги мулоҳазаларимни билдирмоқчиман:*

*1. Пахта маҳсулотларини тайёрлаш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган қўшиб ёзиш ва бошқа суиистеъмолликлар ҳақидаги ишлар бўйича охирги зарурат ҳолатида содир қилинган қонун бузилишларни ижтимоий ҳавфли ҳаракат деб танимаслик проблемасига доир масала юзасидан Республикаси Олий судининг кенгайтирилган тарзда берган тунтиришларини тўғри деб ҳисоблайман.*

*Бу хил изоҳларнинг умумиттифоқ қонунларига ҳеч қандай зидлик томони йўқ.*

*2. Ўзбекистон ССР Олий суди пленумининг 1990 йил 20 июлдаги қарори 3-бандида баён этилган ҳолатлар ўз мазмуни билан пахта ҳосилини тайёрлаш ва қайта ишлашда иштирок этиб, қонун бузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан охирги зарурат қонуни нормаларини қўллашни янада ойдинлаштиради ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 14-моддасига суд йўли билан изоҳ беради.*

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан Жиноят кодекси нормаларига бу хил аниқлик киритилиши мутлақо тўғридир.*

*Ўзбекистон Республикаси Олий судини бундай ҳуқуқдан маҳрум этиш эса республиканинг суверенлигини жиддий чеклаш ва шу республика Олий судининг ҳуқуқини камситиш бўлади...*

*4. ЎзССР Олий суди пленумининг юқоридаги қарори 3-бандида охирги зарурат қонуни нормаларига берилган шарҳ, бизнинг фикримизча, жиноят ҳуқуқини инсонпарварлаштириш йўлида қўйилган янги қадам ва ҳуқуқ фанининг бу соҳадаги илмий ютуғидир...*

**Ю.П. Касаткин,  
юридик фанлар доктори, профессор.**

1991 йил 28 май

**Ўзбекистон Олий суди раиси  
вазифасини бажарувчи  
ўртоқ Полвонзода А.А.га**

СССР ва ЎзССР Олий судларининг қўшиб ёзиш ишлари бўйича охирги зарурат ҳақидаги қонун нормаларини татбиқ этиш тўғрисидаги қарорлари ва шу масала бўйича профессор Абдумажидов Ғ.А.нинг ёзган хати билан танишиб чиқдим. ЎзССР Олий судининг шу масала юзасидан тутган йўлини маъқуллаш ва қуйидагиларни билдираман.

Охирги зарурат тўғрисидаги модда ССР иттифоқ қонуни бўлибгина қолмай, айни вақтда у иттифоқдош республикалар жиноят кодексининг ҳам узвий қисмидир. Шунинг учун бу моддада кўзда тутилган қоидаларга тушунтириш бериш Ўзбекистон ССР Олий судининг ҳам қонуний ҳуқуқи ҳисобланади. Бу масалага шу хил ёндашиш СССР Конституциясига ҳам, ЎзССР Конституциясига ҳам, шунингдек, СССР Олий суди ҳақидаги қонунга ҳам мувофиқдир...

**Ҳурмат билан  
академик В.Н. Кудрявцев.**

1991 йил 28 май

Ўзбекистон ССР Олий судининг 1991 йил  
13 майдаги қўшиб ёзишга йўл қўйган шахсларга  
нисбатан охирги зарурат тўғрисидаги  
қонунни қўллаш ҳақидаги 01—61—91 хати бўйича

**ХУЛОСА**

Ўзбекистон ССР Олий суди пленумининг 1990 йил 20 июлдаги «Республика судлари томонидан пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган талон-тороғ қилиш, қўшиб ёзиш ва бошқа суиистеъмолликлар ҳақидаги ишларни кўриш амалиётида вужудга келган баъзи масалалар тўғрисида»ги қарори 3-бандини, шунингдек Олий суд хатига илова қилинган 8 та жиноий иш материали бўйича тузилган маълумотномаларни ўрганиб чиқдим. Фикримча, шу ишлар бўйича охирги зарурат тўғрисидаги қонун совет жиноят ҳуқуқи доктринасига мувофиқ тўғри қўлланган.

Сўз юқорида айтилган 8 та жиноят иши бўйича содир этилган қонунсиз ҳаракатлар ҳақида, бу ҳаракатларнинг охирги зарурат ҳолатида содир этилганлигига, шунинг учун ҳам жиноий жазо белгиланмаслиги ҳақида бораётир...

**С.В. Бородин,**  
СССР Фанлар академияси Давлат ва  
ҳуқуқ илмгоҳининг бош илмий ходими,  
юримдик фанлар доктори, профессор,  
РСФСРда хизмат кўрсатган юрист



Олимларнинг ушбу хулосаларини тўплаб, Исмоил Жўрабеков хузурига келдим. У киши хужжатлар билан танишиб, ниҳоятда хурсанд бўлиб кетди. Президент Исмоил Каримов олдига кириб, вазиятни батафсил тушунтириб, олимларнинг хулосаларини топширди.

Эртасига, 1991 йил май ойининг охирида «Халқлар дўстлиги» саройида республика қишлоқ хўжалиги ходимларининг қурултойи бошланди. 4 500 нафар одам иштирок этган бу анжуманнинг президиумида Исмоил Каримов ва Исмоил Жўрабековлар жой олди. Олий суд раиси вазифасини бажарувчи сифатида мен ҳам қурултойда қатнашдим.

Президент Исмоил Каримов қурултойдаги нутқида СССР Олий суди «пахта иши» бўйича бизга тазйиқ ўтказмоқда, лекин улар билсинларки, Ўзбекистонда ўзининг Олий суди бор, бизлар Москвадан бериладиган маслаҳатларга муҳтож

эмасмиз!» деб баралла айтди. Қурултой қатнашчилари республикамиз раҳбарининг ушбу сўзларини узоқ давом этган тўхтовсиз қарсақлар билан қарши олишди. Президент пахта ишларидан энг кўп жабр тортган қишлоқ хўжалиги ходимларининг дилидагини топиб айтган эди.

Бу ҳам ҳақиқат.

Пахта ишлари комиссияси ўз ишини яна давом эттирди.

Ўша пайтда барчамиз Исмоил Каримовнинг мардлигига қойил қолган эдик.

Шунга қарамай марказдан бўлаётган тазйиқлар давом этаверди.

СССР Бош прокурори Н. Трубин 1991 йил 29 майда республика раҳбарига тақдимнома юбориб, республика Олий суди пленумининг мазкур қарори иттифоқ қонунига мутлақо зид эканлигини кўрсатиб, тегишли тартибда чора кўрилишини талаб қилди.

### *Мана шу хатдан олинган кўчирма.*

...ССР иттифоқи Олий суди раиси 1990 йил 28 октябрда Ўзбекистон ССР Олий суди пленумига тақдимнома киритиб, 1990 йил 20 июлдаги 4-қарорининг 3-бандини бекор қилиш-ни талаб қилди.

Пленум ушбу тақдимномани икки ой давомида кўриб чиқмади ва уни фақат 1990 йил 28 декабрда кўриб чиқди ва тақдимномани қаноатлантормади. СССР Олий суди раисининг тақдимномасини кўриб чиқиш пленум қун тартибига ҳатто киритилгани ҳам йўқ, республика прокурори тақдимнома билан таништирилмади ва у пленум ишида иштирок этмади, бу ҳам қонун талабига зиддир. Кейинчалик республика прокурори бу ҳақда Ўзбекистон ССР Олий суди раиси вазифасини бажарувчиси Полвонзодадан сўраганида у республика прокурорининг бу масала бўйича позицияси бизга маълум эди, чунки «муқаддам... прокуратура ўз хулосасини берган» деб тушунтириш билан кифояланди.

Шундай қилиб Ўзбекистон ССР Олий суди пленуми қонунни кўпол равишда бузиб жуда муҳим бўлган масала бўйича икки марта қарор қабул қилди.

СССР Олий суди раисининг тақдимномаси ва СССР Бош прокурорининг қўллаб-қувватлаши бўйича 1991 йил 17 майда яқдиллик билан ССР иттифоқи Олий суди пленуми Ўзбекистон ССР Олий суди пленумининг 1990 йил 20 июлдаги «Республика судлари томонидан пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган талон-торож қилиш, қўшиб ёзиш ва бошқа суиистеъмолликлар ҳақидаги ишларни кўриш амалиётида вужудга келган баъзи масалалар тўғрисида»ги қарори 3-бандидаги тушунтиришни ССР иттифоқи қонунчилигига мос эмас деб топди.

Хусусан, қарорда Ўзбекистон ССР Олий суди пленуми тушунтиришлари ССР иттифоқи ва иттифоқдош республикалар жинойят қонунчилиги асосларининг 14-моддасига мос келмайди деб кўрсатилган. Унга кўра охириги зарурат совет давлати, жамоатчилик, у ёки бу шахс ва бошқа фуқаролар манфаатларига хавф солган пайтда вужудга келади. Ушбу

ҳолатларда бошқа воситалар билан бартараф этиб бўлмайди. Ўзбекистон ССР Олий суди пленуми қарорининг 3-бандида кўрсатилган ҳолларда шахннинг ёки унинг яқинлари ҳуқуқ ва манфаатларига таҳдид вужудга келган бўлса у қонуний воситалар билан бартараф этилиши мумкин. Шунинг учун қонунчиликнинг бундай ҳолатларга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Шахннинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини талон-торож қилишда, қўшиб ёзишда ёки бошқа суистеъмолликларда иштироки бошлиғининг ёки юқори турувчи мансабдор шахннинг мажбурлаши туфайли юз берса Ўзбекистон Жиноят кодексининг 38-моддаси 3-бандига биноан жазо тайинлашда фақат жавобгарликни энгиллаштирувчи ҳолат сифатида эътиборга олиниши мумкин.

Бундан ташқари, умумиттифоқ қонунига тушунтириш бериш, ССР иттифоқи ва иттифоқдош республикалар жиноят қонунчилиги асосларининг 14-моддаси ана шундай қонунлар сирасига киради, Ўзбекистон ССР Олий суди пленуми ССР иттифоқи ва иттифоқдош республикалар жиноят қонунчилиги асосларининг 14-моддасига тушунтириш бериб, ўз ваколатидан ташқарига чиққан, чунки «Ўзбекистон ССРда суд тузилиши тўғрисида»ги қонуннинг 56-моддасига биноан у республика қонунчилиги масаласи бўйичагина раҳбарий тушунтиришлар бериши мумкин.

Шундай қилиб, масъул мансабдор шахслар томонидан Ўзбекистон ССР Олий суди пленумида ноқонуний раҳбарий тушунтиришлар бериб, республика прокурорининг Олий суд пленуми мажлисларида қатнашиши тўғрисидаги қонунчиликни қўпол равишда бузган. Шунингдек, назорат тартибиде «пахта иши»ни қайта кўришда ноқонуний пленум қарорига асосланган, бунинг оқибатида қўлаб айбдор шахслар оқланган. Бу билан жиддий хатоларга йўл қўйган.

Юқорида баён қилинганлар таъсир чорасини кўриш учун юборилмоқда.

**СССР Бош прокурори, ҳақиқий давлат  
адлия маслаҳатчиси**

**И.С. Трубин**

1991 йил 29 май

Ушбу тақдимнома қўшимча изоҳ талаб қилмайди, чунки унга москвалик олимлар юқорида келтирилган илмий асос ва инкор қилиб бўлмайдиган жавобларни берганлар.

СССРдек қудратли давлатнинг Бош прокурори бўлган Н. Трубиннинг тақдимномасига Президентимиз қандай муносабат билдираркан деб кутар эдик. Ислом Каримов эса Бош прокурор Трубиннинг тақдимномасини ўқиб, у кутган чораларни кўриш ўрнига тақдимноманинг чеккасига «Архивга ташлансин!» деб ёзди-да ўз имзосини қўйди.

Натижада «пахта иши»ни қайта кўриб чиқиш давом эттирилди. Мен имзо чеккан протестларга асосан 3,5 минг киши тазйиқлар остида қўшиб ёзишда иштирок этгани учун оқланди. Уларга етказилган моддий ва маънавий зарар қопланиши учун бюджетдан катта миқдордаги пул ажратил-

ди, барчаси иш жойларига тикланди. «Пахта иши» бўйича қолган судланганларнинг баъзилари давлатимиз раҳбари томонидан авф этилди, баъзиларининг тайинланган жазолари ўзгартирилиб, оилалари бағрига қайтдилар.

СССР прокуратураси аввал СССР халқ депутатлари съезди комиссиясига ҳавола этган маълумотларда 5 миллиард, унинг иккинчи вариантида 2-4 миллиард талон-торож қилинган деб кўрсатган бўлса, Ўзбекистон компартиясининг XXI съездида олти миллиард дейилди. Гайданов муттаҳамларча бу рақамларни 10 миллиард дейишгача борди. Гдлян эса турли митинг, оммавий ахборот воситаларида зарар миқдорини бир неча ўн миллиард дея жар солган.

Кўриниб турибдики, шафқатсиз қатағон камлик қилганидай зарар масаласида ҳам ватанимизга мисли кўрилмаган тухмат тошлари отилган.

Юқорида айтганимиздек, комиссия «пахта иши» бўйича материалларни синчиклаб ўрганиб, 1978-1983-йилларда ўзлаштирилган сумма қирқ миллион сўмга ҳам етмаганини узил-кесил аниқлади. Ушбу рақам суд қарорлари билан тасдиқланган. Юқорида келтирилган миллиардлик рақамлар эса «десантчи»лар сиёсий лўттивозлигининг яққол кўриниши деб ҳисобланиши лозим.

Барчага тушунарли бўлиши учун шуни ҳам айтишим керакки, ушбу қирқ миллион сўмга яқин пулни ўзлаштирган шахсларнинг барчаси қилмишига яраша жиноий жавобгарликка тортилган ва уларга нисбатан чиқарилган ҳукмлар комиссия томонидан қонуний деб топилган.

СССР давлати тарқаб кетгандан сўнг собиқ СССР Олий судининг архиви Россия Федерацияси Олий суди ихтиёрига берилган эди. Жиноят иши қайси судда кўрилиб, ҳукм чиқарилган бўлса, жиноят ишлари ўша суднинг архивида сақланиши керак. Биз ўша, марказда кўрилган ишларни ҳам Олий судда қайта кўриб чиқишимиз лозим эди. Шунинг учун Москвага бориб, Россия Федерацияси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари Владимир Иванович Радченкога масалани тушунтирдим. Бу ўринда шуни айтишим керакки, Владимир Иванович Гдлян ва Иванов бошчилигидаги тергов гуруҳининг Ўзбекистонда қилган қора ишларидан яхши хабардор эди. У Россия Федерацияси Олий суди раиси В. Лебедев билан маслаҳатлашиб чиқди ва «жиноят ишларини бериш мумкин эмас, лекин жиноят ишларидан нухса кўчириб олиб кетишларингизга рухсат беришимиз мумкин» деди.

Шундан сўнг Исмоил Жўрабековнинг ёрдами билан Ўзбекистоннинг Россиядаги элчихонаси пастки қаватидан иккита хона ажратиб берилди. Москвадаги таниқли тадбиркор Алишер Усмонов чет элда ишлаб чиқарилган нухса кўчириш аппаратини олиб берди ва у элчихонага ўрнатилди. Ўзбекистон Республикаси Олий судидан икки киши бориб, тўрт ойдан кўпроқ вақт ичида минг томга яқин барча жиноят ишларидан нухса кўчириб Тошкентга келтиришди.

Улар орасида 1970-йилларда ишлаган Олий суд раиси Саъдулла Пўлатхўжаев, республика Министрлар советининг собиқ раиси Раҳмонқул Қурбонов ва бошқаларнинг ишлари ҳам бор эди...

Бу ишлар ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий судида синчиклаб ўрганиб чиқилди ва дастлабки

тергов аксарият ҳолларда бирёқлама, юзаки, қонун талабларига хилоф равишда ўтказилганини, биринчи инстанция судлари мавжуд камчиликларга эътибор бермай судланувчиларга асоссиз жазолар тайинлагани аниқланди ва уларга нисбатан чиқарилган ҳукмлар бекор қилиниб оқландилар.

Оқланганлар орасида Ўзбекистон пахта саноати вазири бўлган В. Усмонов (вафотидан сўнг), Ўзбекистон Министрлар Советининг раиси бўлиб ишлаган Н. Худойбердиев, Қорақалпоғистон Республикаси раҳбари бўлган Қ. Камолов, Марказқўмнинг котиби бўлган Э. Айтмуратов, Ички ишлар вазиригининг бир қатор масъул ходимлари ва бошқалар бор.

Ҳамюртларимизнинг ишлари Москвадагина эмас, бошқа республикаларда ҳам кўрилган эди. Масалан, М. Мусахонов иши Тожикистон Республикаси Олий судида кўрилган. Ишларни қайта кўриш жараёнида М. Мусахонов жиноят ишига тааллуқли қўшимча ҳужжатлар, хусусан, дастлабки терговда Мусахоновдан «керакли» кўрсатмаларни олиш учун унинг ўғли, профессор Мирзаюсуф Мусахонов, икки қизи ва бошқа қариндошлари, танишлари қамоққа ташлангани, ammo бу ҳақдаги ҳужжатлар Мусахонов ишига қўшилимай сўроқ материалларидан қонунга хилоф равишда олиб кўйилгани аниқланди. Бу ҳужжатларни олиб Душанбе шаҳрига учиб бордим ва Тожикистон Республикаси Олий суди раиси Шароф Маҳмудов билан учрашиб, ҳужжатларни тақдим қилдим. Шароф Жўраевич ҳужжатлар билан танишиб, «Сиз олиб келган ҳужжатлар Мусахонов ишини қайта кўриш учун асос бўлади» деб айтди.

Орадан бир қанча вақт ўтганидан кейин Шароф Жўраевич қўнғироқ қилиб, Мусахоновнинг оқланганини маълум қилди.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармасининг бошлиғи бўлиб ишлаган генерал Ислон Сатторовнинг иши Москва вилояти судида кўрилгани учун унга доир жиноят иши Тошкентга келтирилмай қолган эди. Ислон Сатторовнинг турмуш ўртоғи Зоя Сатторова Ўзбекистон Олий судига қайта-қайта мурожаат қилганидан сўнг Россия Федерацияси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари Владимир Радченкога мурожаат қилиб, Ислон Сатторовнинг ишини қайта кўришни илтимос қилдим.

Ислол Сатторовнинг иши В.Радченконинг протести асосида кўрилиб, унинг ҳаракатида оғир жиноят таркиби йўқлиги учун оқланди.

«Пахта иши», «Ўзбеклар иши» деб ном олган ишларнинг ўзига хос бўлган бир хусусияти бор: олдин турли йилларда бўлиб ўтган қатағон қурбонлари орадан 35–40 йиллар ўтиб, вафот этганларидан кейин оқланган бўлсалар, мазкур ишлар бўйича жабрланганларнинг ишлари эса улар ҳаётлигида кўриб чиқилди ва оқланди.

«Пахта иши» ва «Ўзбеклар иши» деб номланган ишлар шу тариқа охирига етди. Бу ишларнинг муваффақиятли якунланишига қўп инсонлар, хусусан, СССР прокуратурасининг бошқарма бошлиғи, генерал В.И. Илюхин, Россия Фе-

дерацияси Олий суди раиси В. Лебедев, Россия Федерацияси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари В.И. Радченко, Тожикистон Республикаси Олий суди раиси Ш.Ж. Маҳмудов, ҳурматли устозларимиз Ғ. Абдумажидов, Б.А. Блиндер, москвалик ҳуқуқшунос олимлардан В. Кудряцев, Ю. Касаткин, С. Бородин, Н. Радутная, СССР Олий Совети депутатлари Э. Юсупов, О. Еқубов, А. Мухторов, Й. Акбаров, В. Одилов ва комиссиямиз раиси, мард ва ватанпарвар устозимиз Исмоил Жўрабеков улкан ҳисса қўшдилар. Қатъият билан бизга жуда катта ёрдам берган бу уллуғ зотларни ҳамisha чуқур ҳурмат ва миннатдорлик билан тилга оламиз.



Биз юқорида тилга олган воқеаларга ҳам ўттиз йилдан кўпроқ вақт ўтди.

Бугунги кунда Президентимиз Шавкат Мирзиёев яқин тарихимизда юз берган инсон ҳуқуқларининг бузилишига адолатли баҳо берди.

Давлатимиз раҳбари бошчилигида ўтказилаётган чуқур ислохотлар, энг аввало, суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлашга, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ишончли кафолатлашга қаратилмоқда.

Бу ўринда яна шуни айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 24 январда Олий Мажлисга қилган мурожаатида «Давлат идоралари мансабдорлари шуни чуқур англаб олсинлар: судлар мустақиллигини таъминлаш масаласи бундан буён ҳам шахсан Президентнинг қаттиқ назоратида бўлади. Суд остонасига қаддам қўйган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак. Акс ҳолда, буюк немис файласуфи Иммануил Кант айтганидек, «Адолат йўқолган пайтда ҳаётнинг қадрини белгилайдиган бошқа ҳеч нарса қолмайди» дея таъкидлагани ҳаммамизни беҳад қувонтирди.

Айнан шунинг учун биз, ёши катта ҳуқуқшунослар, истиқлол арафасида бўлганидек, қонун устуворлигининг қарор топишига ишонч ҳосил қилмоқдамиз, олисда ҳуқуқий давлатнинг улўғвор биноси белгилари яна кўрина бошлади. Шу гўзал ва улўғвор бинони барпо этиш учун Президентимиз ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилаётганини кўриб турибмиз, шунинг учун ҳам бу улкан ва шарафли вазифа муваффақият билан охирига етказилишига ишончимиз комил.



# Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат хизматлари:

## муаммо ва таклифлар

Қишлоқ хўжалигининг асосий вазифаси аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳисобланади. Хусусан, дунёда ҳозир 1 млрд.га яқин<sup>1</sup> аҳолининг қишлоқ хўжалигига жалб қилингани ҳам жамиятнинг озиқ-овқат хавфсизлиги қишлоқ хўжалиги билан чамбарчас боғлиқлигини билдиради.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва реализация қилишда турли хизматларидан (ўсимликларни ҳимоя қилиш, ветеринария, логистика, агроконсалтинг хизматлари, қишлоқ хўжалиги техникаси ва бошқалар) фойдаланиш зарурати юзага келмоқда. Шундай экан, қишлоқ хўжалигида кўрсатиладиган хизматларнинг кўлами ва сифати маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш билан бир қаторда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Қишлоқ хўжалиги хизмати деганда илмий, таълим, ижтимоий, моддий ресурсларни бериш ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш ёхуд сифати ва технологик жараёнлар самарадорлигини ошириш орқали харидорлар (жисмоний ва юридик шахслар)нинг талабини қондиришга қаратилган молиявий-хўжалик фаолияти тушунилади<sup>2</sup>.

Таъкидлаш жоиз, республикамизда давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизimini сифат жиҳатидан янги даражага кўтаришда муҳим ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилувчи кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Шу билан биргаликда, қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 августдаги «Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 645-қарори билан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг худудий бўлиналари ҳузурида Ягона электрон ахборот маркази ташкил этилди.

<sup>1</sup> <https://ru.wikipedia.org/>

<sup>2</sup> Глуценко В.В., Глуценко И.И. Сельскохозяйственная сервисология как методическая основа развития сферы услуг в сельском хозяйстве. Агрэкономика, file:///C:/Users/user/Downloads/selskohozyaystvennaya-servisologiya-kak-metodicheskaya-osnova-razvitiya-sfer-uslug-v-selskom-hozyaystve.pdf



## Ушбу марказнинг асосий вазифалари эса қуйидагилардир:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси ажратган кредитлар, минерал ўғитлар ҳамда ёнилғи-мойлаш материалларини етказиб беришнинг фермер хўжаликлари кесимида кафолатланган ҳажмлари тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базасини юритиш;

туман ҳокимининг экин ерларини узоқ муддатли ижарага бериш ва экинларни жойлаштириш тўғрисидаги қарори, ер ижара шартномаси, контрактация, таъминот ва хизмат кўрсатиш шартномалари реестрини юритиш;

қишлоқ хўжалиги корхоналарига интерактив давлат хизматлари, жумладан, интернет тармоғидаги шахсий кабинет орқали фойдаланишда кўмаклашиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сотиш жараёнига электрон тижорат амалиётини жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналари ўртасида ушбу имкониятлардан фойдаланишни кенг тарғиб қилиш.

Бироқ, ушбу марказ бугунги кунда ўз олдига қўйилган вазифаларни тўлиқ бажармоқда деб бўлмайди. Чунки республикаимизнинг айрим узоқ ҳудудларида интернет тармоғидан фойдаланиш имконининг чекланганлиги марказ хизматларидан тўлиқ фойдаланиш имконини бермаяпти.

Шунингдек, республикаимизда ҳозирги кунда давлат хизматларига оид муносабатлар қонун ҳужжатларида у ёки бу даражада белгилаб қўйилган бўлса-да, барча соҳада давлат томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг ягона талабларини ўзида мужассам этган ягона қонун мавжуд эмас.

Масалан, «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида ушбу қонун маъмурий органларнинг манфаатдор шахсларга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий фаолиятига, шу жумладан, лицензия, рухсат бериш, рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомиллари, давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ бошқа тартиб-таомилларга нисбатан татбиқ этилиши белгиланган. Бироқ ушбу қонун бир қарашда тушуниш осонга ўхшаса-да, бизнингча, давлат хизматларидан фойдаланувчилар учун анча мураккабдир, яъни асосан соҳа мутахассислари томонидан давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ маъмурий тартиб-таомилларни тартибга солишга мўлжалланган.

Агар солиштириб кўрсак, Беларусда «Давлат хизматлари тўғрисида»ги қонун (2003 йил 14 июнь), Россияда «Давлат ва муниципал хизматларни кўрсатишни ташкил этиш тўғрисида»ги қонун (2010 йил 27 июль) қабул қилинган. Шунингдек, Қозоғистон 2013 йил 15 апрелда давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги махсус қонунни қабул қилган. Ушбу давлатлар қонунларига эътибор берадиган бўлсак, давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тизимлашган ва аниқ нормалар мавжудлигини кўраимиз.

Маълумки, давлат хизматлари фойдаланувчилари, янада аниқроқ айтадиган бўлсак, том маънодаги «истеъмолчилари» авваламбор халқимиз ҳисобланади. Шундай экан, қабул қилаётган қонунларимиз фойдаланишда қулай ва аниқ нормаларга эга бўлиши керак. Шунга қўра, республикаимизда давлат хизматларини тартибга солишга қаратилган «Давлат хизматлари тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга қилган мурожаатида «Келгусида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги соҳа корхоналарига кўрсатма бериш, ресурсларни тақсимлаш, режа белгилаш каби эски иш усулларида мутлақо воз кечиши зарур. Бунинг ўрнига вазирлик сервис ташкилотига айланиши,

хусусий агросаноат ташкилотларига ер ҳолатини аниқлаш, экин турлари ва уруғни тўғри танлаш, зараркунандаларга қарши курашиш, молиявий қўмаклашиш, маҳсулот бозорини топиш бўйича хизмат кўрсатиши керак<sup>3</sup>» дея алоҳида таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, охириги йилларда қишлоқ хўжалиги бошқарувида қатор ислохотлар амалга оширилди. Аммо қишлоқ хўжалиги соҳасидаги хизматларни такомиллаштириш зарурати сақланиб қолмоқда.

Хусусан, Давлат хизматлари ягона реестри<sup>4</sup>га мувофиқ аҳолига жами 716 та давлат хизмати кўрсатилиб, биттасигина Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, аниқроғи, ушбу вазирлик ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш маркази томонидан кўрсатилмоқда.

Умуман олганда, республика агросаноат мажмуи таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларининг таҳлили мобайнида қуйидаги ҳолатларни кўришимиз мумкин.

| № | Агросаноат мажмуи таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар                          | Давлат хизматлари сони |
|---|---|------------------------|
| 1 | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги   | 1                      |
| 2 | Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси                         | 10                     |
| 3 | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси  | 10                     |
| 4 | Давергеодезкадастр қўмитаси   | 11                     |
| 5 | Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси | 21                     |
| 6 | Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси             | 6                      |
|   | <b>Жами</b>   | <b>59</b>              |

Хорижий мамлакатларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги давлат хизматларига эътибор қаратсак, Латвия Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 121 та<sup>5</sup>, Қозоғистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 60 та<sup>6</sup> давлат хизматини кўрсатади.

Жумладан, Қозоғистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги кўрсатадиган давлат хизматларига ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги қатор хизматлар киради. Масалан, ер участкасининг сифат таркиби ҳақида маълумот бериш, ер участкасини олиш учун навбатга қўй-

иш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни бошқа тоифага ўтказиш, ернинг кадастр баҳосини аниқлаш ва бошқалар.

Шунингдек, АҚШ Қишлоқ хўжалиги департаменти ҳузурида Фермерларга хизмат кўрсатиш агентлиги (Farm Service Agency)<sup>7</sup> ташкил этилган бўлиб, у 24 та йўналиш бўйича 100 дан ортиқ хизмат турини кўрсатади. Улар қаторига озуқа донлари таҳлили, органик қишлоқ хўжалигига ёрдам бериш, қишлоқ хўжалиги корхоналарини кредитлаш ва бошқалар киради.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси, 24.01.2020. <https://prezident.uz/ro/Lists/view/3324>.

<sup>4</sup>Давлат хизматлари ягона реестри, <https://lex.uz/docs/4511709>.

<sup>5</sup><https://www.zm.gov.lv>.

<sup>6</sup><https://www.gov.kz/memleket/entities/moa/activities/services?lang=ru>.

<sup>7</sup><https://www.fsa.usda.gov/index>.



Масалан, агентлик қишлоқ хўжалиги корхонасининг органик ишлаб чиқариш йўналишини йўлга қўйиш, фаолиятини сертификатлаштириш, ишлаб чиқариш харажатларини молиялаштириш ҳамда ер унумдорлигини сақлашда ёрдам кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 майдаги «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида мувофиқ Қишлоқ хўжа-

лиги вазирлиги органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва мақбул қишлоқ хўжалиги амалиёти (Global G.A.P.) доирасидаги барча манфаатдор ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи этиб белгиланган. Бунда, АҚШ амалиётидан келиб чиққан ҳолда, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурида органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни ривожлантириш билан боғлиқ хизмат кўрсатувчи ташкилот тузиш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

### Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи субъектларга давлат хизматларини кўрсатиш борасида қатор муаммолар сақланиб қолмоқда:

1

агробизнесни юриштиш ва ривожлантиришга кўмаклашувчи агроконсалтинг хизматларининг, қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат хизматларини кўрсатишнинг ягона стандартлари мавжуд эмаслиги;

2

ҳудудларимизда қишлоқ хўжалиги техникасининг етишмаслиги, фермер ва деҳқонларимизнинг эса йирик қишлоқ хўжалиги корхоналари (кластер, кооперация)дан фарқли равишда ҳар доим ҳам қишлоқ хўжалиги техникасини харид қилиш имкониятининг мавжуд эмаслиги;

3

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини эркин реализация қилиш борасида ҳудудларда етарли инфратузилма яратилмаганлиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни минерал ўғитлар билан таъминлашда тўсиқларнинг мавжудлиги;

4

қишлоқ хўжалиги соҳасида қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятидан соҳа вакилларининг етарли даражада хабардор эмаслиги, улар ҳуқуқий маданиятининг пастлиги;

5

ҳудудларда қишлоқ хўжалигининг турли йўналишлари бўйича мутахассис (ветеринар, агроном ва бошқа)ларнинг етишмаслиги;

6

агротуризмни ривожлантириш учун етарли инфратузилманинг йўлга қўйилмаганлиги.



Қайд этилган муаммолар ечими юзасидан қуйидаги таклиф ва мулоҳазаларимизни билдирамиз.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг аҳолига қишлоқ хўжалиги хизматларини кўрсатиш соҳасидаги вазибаларини ҳамда агросаноат мажмуига кирувчи қўмита ва агентликларнинг ташкилий ҳуқуқий шаклини қайта кўриб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, мамлакатимизнинг ҳар бир худудда (туман ва шаҳарларда) қишлоқ хўжа-

лиги хизматларининг барча турларини кўрсатувчи Агросервис марказларини ташкил этиш лозим. Агросервис марказлари кўрсатадиган давлат хизматларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг иккиламчи ижара ҳуқуқини, органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун сертификатларни расмийлаштириш ва бошқа янги хизмат турларини кiritиш мақсадга мувофиқдир. Бунда чет давлатларнинг ижобий тажрибаларини ҳам эътиборга олиш лозим бўлади.

### Демак, қишлоқ хўжалигида давлат хизматларини такомиллаштириш орқали қуйидагиларга эришилади:



фермер ва деҳқон хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги хизматлардан фойдаланишидаги муаммолар бартараф этилиб, асосий эътиборни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга қаратиш учун шароит яратилади;

қишлоқ хўжалигида давлат хизматларининг мукамал ишлаши таъминланади ҳамда соҳада коррупциявий омилларни бартараф этиш таъминланади;




фермер ва деҳқон хўжаликлари зарур ресурслар ва техника билан ўз вақтида таъминланади, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш имконияти яратилади;

қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишга эришилади, шунингдек, қишлоқ аҳолиси ҳамда соҳа мутахассислари учун қўшимча иш ўринлари яратиш ва даромад олиш имконияти туғилади.



**Раҳмон СУЛТАНОВ,**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги юридик бошқармаси бош юрисконсулти



# ARIN идоралараро тармоқлари:

## жиноий активларни қайтаришга қаратилган ҳамкорлик шакли

Инсоният учун катта хавф туғдириб келаётган трансмиллий жиноятлардан бири коррупция билан боғлиқ жиноятлардир. Бу турдаги жиноятлар натижасида ривожланаётган мамлакатлар ҳар йили 20-40 млрд АҚШ доллари миқдорида пул йўқотади. Яширин пул оқимлари давлатларнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш дастурлари маблағларидан шаклланиб, улардаги шароитнинг янада ёмонлашувиغا, инсонларнинг давлатга, унинг ваколатли органлари ва ташкилотларига бўлган ишончини сўндиришга олиб келмоқда.

Коррупция билан боғлиқ жиноятлар ичида жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга оид жиноятларни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Терроризм, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланмаси, нолегал миграция, контрабанда, қурол ва одам савдоси каби трансмилий уюшган жиноятчилик билан узвий боғлиқ бўлган бу жиноятга қарши курашишга доир нормалар БМТнинг Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ғайриқонуний равишда муомалага киритишга қарши кураш тўғрисидаги, Коррупцияга қарши, Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисидаги, Трансмилий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияларида ўз ифодасини топган.

Бугунги кунда халқаро ҳамжамият турли принцип ва келишувлар асосида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш муаммосига қарши курашиб келмоқда. Хусусан, БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси нормаларида ҳам «активларнинг қайтарилиши мазкур конвенциянинг энг муҳим принципи ҳисобланади ва иштирокчи давлатлар ушбу йўналишда бир-бирлари билан кенг миқёсда ва яқиндан ҳамкорлик қиладилар ҳамда бир-бирларига ёрдам кўрсатадилар» деб белгиланган.

2007 йилнинг сентябрь ойида Жаҳон банки ва БМТнинг Наркотиклар ва жиноятга қарши кураш бошқармаси (UNODC) ноқонуний маблағларни легаллаштиришнинг олдини олиш ва уларни қайтариш соҳасида натижаларга эришиш мақсадида ўғирланган активларни қайтариш ташаббусини (StAR ташаббуси) илгари сурди. Мазкур ташаббус Коррупцияга қарши конвенциянинг V бобида белгиланган активларни қайтариш принципларига таянган ҳолда амалга оширилиб, аъзо давлатлардан коррупция натижасида олинган даромадларнинг бошқа жойга ўтказилишининг олдини олиш, уларни аниқлаш, таъқиқ қўйиш, мусодара қилиш, қайтариш каби чораларни қўришни талаб қилади<sup>1</sup>.

Шунга қарамай, турли хил пул ўтказмаларини уяли телефон ёки компьютер тугмачасини бо-

сиб бир зумда бошқа жойга кўчириш имконияти мавжуд бўлган бугунги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг активларни қидириш ва уларни қайтариш билан боғлиқ фаолияти бир неча ой ва йилларга чўзилиши кузатишмоқда.

Бундан ташқари, турли давлатларнинг «суверенитет принципи», шунингдек ҳуқуқий одатлардаги, қонунчиликдаги, жараёнлардаги, тилдаги, вақтдаги ҳамда ресурслардаги фарқларнинг мавжудлиги ҳам ҳамкорликни секинлаштириб, суриштирув, тергов ва бошқа ҳуқуқий ҳаракатларнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилмоқда. Ушбу омиллар амалиётчилардан халқаро ҳамкорликни тезкорлик билан «ўзаро ҳамжиҳатлик принципи»га таянган ҳолда, имкон қадар норасмий шаклда амалга оширишни талаб қилмоқда.



«ARIN-WCA»га бугунги кунда Афғонистон, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон, Покистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон аъзо. БМТнинг Наркотиклар ва жиноятга қарши кураш бошқармаси (UNODC), CARIN, ARIN-AP, ARINSA, ARMA (Украина) мазкур тармоқнинг қузатувчилари ҳисобланади.

Активларни қайтариш соҳасида ҳамкорликни норасмий шаклда амалга ошириш мумкинлиги Коррупцияга қарши конвенцияда ҳам ўз аксини топган бўлиб, унда «давлатлар расмий илтимосномаларсиз бир-бирларига мазкур конвенцияда жиноят деб топилган хатти-ҳаракатлар орқали орттирилган даромадлар тўғрисидаги маълумотларни етказиш чораларини кўришга ҳаракат қилиши» белгиланган<sup>2</sup>.

Шу ўринда шахсий алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш принципи<sup>3</sup> асосланган

<sup>1</sup> Руководство по возврату активов для специалистов-практиков/Жан-Пьер Брюн, Лариса Грей, Кевин Стивенсон, Клайв Скотт, Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2012. (Серия «Библиотека Всемирного банка»), 13–бет.

<sup>2</sup> UNCAF. 56–модда.

<sup>3</sup> Шахсий алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш принципи асосланган ҳолда ҳамкорликнинг норасмий шакли қуйидаги кўринишлар бўлади: шахсий алоқаларни ўрнатish, марказий органи белгилаш ҳамда мутахассис-амалиётчиларнинг тармоқлари. Руководство по возврату активов для специалистов-практиков / Жан-Пьер Брюн, Лариса Грей, Кевин Стивенсон, Клайв Скотт, Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2012. (Серия «Библиотека Всемирного банка»), 190–191–бетлар.

ҳолда ташкил топган, ўзининг глобал аҳамияти ва географияси, самарали фаолияти билан ажралиб турувчи мутахассис-амалиётчиларнинг норасмий тармоқларидан бири бўлган ARIN (*Asset Recovery Interagency Network*) – «активларни қайтариш бўйича идораларо тармоқлар»нинг бугунги кундаги фаолияти эътиборга молик.

2002 йил октябрда Ирландиянинг Дублин шаҳрида бўлиб ўтган активларни қайтариш борасида халқаро ҳамкорлик масалаларига бағишланган конференция доирасида амалиётчилар ноқонуний активларни аниқлаш, қидириш ва уларни жиноятчилардан қайтариш бўйича тавсиялар билан таништирилди. 2004 йилнинг сентябрида Гаагада бўлиб ўтган конгрессда мазкур тавсияларга таянган ҳолда ташкил этилган Активларни қайтариш бўйича Камден идораларо тармоғи – CARIN расман шакллантирилди. CARIN эришган ютуқлардан келиб чиққан ҳолда жаҳоннинг яна еттига ҳудудида активларни қайтариш бўйича ARIN идораларо тармоқлари тузилди. Ҳозир улар 8 та<sup>4</sup>.

Фарбий ва Марказий Осиё минтақаси кўп давлатларни қамраб олган бўлишига қарамай, улар

ARIN глобал тизимига тўлиқ интеграциялашмаган эди. Ўтказилган кўплаб музокара ва учрашувлардан сўнг 2018 йилнинг ноябрь ойида экспертларнинг Қозоғистонда бўлиб ўтган йиғилишида ARIN-WCA (*Asset Recovery Interagency Network West and Central Asia*) – Фарбий ва Марказий Осиё давлатларининг активларни қайтариш бўйича идораларо тармоғи ташкил этилгани эълон қилинди.

«ARIN-WCA»га бугунги кунда Афғонистон, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон, Покистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон аъзо. БМТнинг Наркотиклар ва жиноятга қарши кураш бошқармаси (UNODC), CARIN, ARIN-AP, ARINSA, ARMA (Украина) мазкур тармоқнинг кузатувчилари ҳисобланади.

ARIN-WCA тармоғи ўзининг *Бошқарув гуруҳи*, ҳар йили сайланадиган *раиси*, доимий фаолият олиб боровчи *котибияти*<sup>5</sup> ҳамда *кузатувчиларига* эга.

ARIN тармоқларининг асосий мақсади жиноий йўл билан топилган активларни қайтариш ва жиноятчиларни ушбу активлардан маҳрум қилишга оид чора-тадбирлар самарадорлигини оширишдан иборат.


#### Ўз олдига қўйган мақсадларга эришиш учун ARIN ташкилотлари куйидаги асосий вазифаларни бажаради:

- алоқа вакиллари ўртасида ўзаро ҳамкорликни ўрнатиш ва ривожлантириш;
- халқаро мажбуриятлар доирасида жиноий фаолиятдан олинadиган даромадларга кескин ва тезкор муносабат билдириш;
- керакли ахборот ва тажриба алмашинувини ривожлантириш;
- активларни қайтариш борасида етакчи халқаро ташкилотлар билан мустақкам алоқа ўрнатиш;
- активларни қайтариш бўйича эксперт марказлари ролини бажариш;
- мазкур соҳада тавсиялар ишлаб чиқиш ва кадрлар тайёрлаш масалалари бўйича ҳамкорликни ривожлантириш;
- активларни қайтариш бўйича тадқиқотлар ўтказиш.

<sup>4</sup> ARIN-AP (Осиё ва Тинч океани), ARIN-CARIB (Кариб ҳавзаси), ARIN-EA (Шарқий Африка), ARIN-WA (Фарбий Африка), ARINSA (Жанубий Африка), RRAG (Лотин Америкаси), ARIN-WCA (Фарбий ва Марказий Осиё).

<sup>5</sup> Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ARIN-WCA тармоғининг доимий котибияти ҳисобланиб, унинг функцияларини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси академиясига юклатилган.

## Дунёдаги мавжуд ARIN тармоқлари



ARIN тармоқларига аъзо давлатлар тармоқ доирасида ноқонуний активларни қайтариш билан боғлиқ вазибаларни амалга ошириш учун суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларидан иборат икки нафардан вакил тайинлайди. Ушбу алоқа вакиллари ўз ваколатлари доирасида активларни қайтариш билан боғлиқ барча ҳуқуқий чораларни кўришга, хусусан, жиноий активларни қидириш, уларни таъқиб қилиш, музлатиш, таъқиқ қўйиш, мусодара қилиш ва қайтаришга ҳаракат қиладилар. Расмий кўринишдаги ҳуқуқий ёрдамдан фарқли ўлароқ, ушбу ҳаракатлар содда шаклда, телефон, интернет, электрон почта, мобил илова ёки видеоконференция воситасида, алоқа вакиллари-нинг шахсий ҳамкорлиги йўли билан амалга оширилиб, тезкор ва самарали ҳисобланади.

ARIN тармоқларининг активларни қайтариш соҳасидаги ютуқларида: тармоқлар алоқа вакиллари ўртасидаги ҳамкорлик ўзаро шахсий алоқаларга таянган ҳолда ўрнатилгани; ушбу ҳамкорлик ўзаро ишонч ва «ҳамжиҳатлик принципи»га таяниши; мазкур ҳамкорлик расмий сўровлар ёки топшириқларсиз, содда шаклда амалга оширилиши; ортиқча расмийчилик, формал ҳужжатлар ва муддат талаб қилинмаслиги, сўровлар тезкорлик билан амалга оширилиши; тармоқ орқали алоқа вакиллари-нинг ўз ҳамкорларига ҳафтанинг исталган кунини ва вақтида (24/7 форматда) сўровлар, илтимосномалар юбориши ҳамда натижаларини сўраши, шунингдек керакли маълумотларни тезкор тарзда олиши таъминлангани; ARIN тармоқлари алоқа вакиллари

томонидан ноқонуний активлар аниқланганда, улар тўғрисида маълумот етказиш, қидириш, таъқиб қилиш, таъқиқ қўйиш, мусодара қилиш ҳамда қайтариш чораларини кўриш юзасидан мустақил ташаббус кўрсатилиши асосий омиллардан саналади.

Бироқ амалиётда ARIN тармоқларининг фаолиятига тўсқинлик қилувчи омиллар ҳам йўқ эмас. Хусусан, давлатларнинг ички қонунчилиги ва процедураларига асосан норасмий шаклда юборилган илтимоснома ва сўровларнинг бажарилмаслиги, ахборот ва маълумотларнинг сир сақланиши туфайли уларни олиш имконияти йўқлиги, алоқа вакиллари-нинг доимий алмашинуви (ротацияси), илтимоснома ва сўровлар бажарилишини назорат қилишнинг имконияти йўқлиги ва муддатларининг аниқ эмаслиги ушбу тармоқларнинг нормал фаолият юритиши ва керакли натижаларга эришишига тўсқинлик қилади.

Демак, замоннинг ўзи ARIN тармоқлари фаолиятини янада ривожлантириш, унинг жаҳон миқёсидаги ўрни ва аҳамиятини ошириш, амалга оширилган ишларни тарғиб қилиш, тармоқларга офшор ҳудудларда жойлашган давлатларни ҳам аъзо қилиш орқали уларнинг сафини кенгайтириш, ARIN тармоқларининг нуфузли халқаро ташкилотлар билан интеграциялашувини амалга ошириш, уларнинг ҳуқуқий мақомини белгилашни тақозо этмоқда.

**Аброр АКУБТАЕВ,**

Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокуратураси академияси ўқитувчиси,  
адлия кичик маслаҳатчиси

# Ижро органлари фаолиятини рейтинг асосида баҳолаш

Президент Шавкат Мирзиёевнинг «Давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига баҳо беришда қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қандай ҳимоя қилинаётгани, уларга давлат хизматлари кўрсатишнинг сифати ва очиқлиги биз учун энг асосий мезон бўлиши шарт»<sup>1</sup> деб таъкидлагани давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятини баҳолашнинг самарали механизмларини жорий этиш борасида кечиктириб бўлмайдиган вазифалар юкланаётганлигини кўрсатади.



<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. 152-б.

Хозир давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини баҳолашнинг ҳуқуқий асосларини таъминлаш борасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги «Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида»ги 3182-қарорида<sup>2</sup> давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ишини ташкил этиш ва фаолиятини баҳолашнинг амалдаги тизими олдимизга қўйилган вазифаларни самарали ҳал қилишга имкон бермаётгани таъкидланган. Шу билан бир қаторда, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнини баҳолаш амалиёти жойларда ишларнинг ҳақиқий аҳволини танқидий таҳлил қилишга асосланмагани, энг асосийси, эришилган иқтисодий кўрсаткичлар аҳолининг ҳаёт сифатига қай даражада ижобий таъсир этаётганлигига қатъий баҳо берилмаётгани қайд этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги «Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги<sup>3</sup> 5185-фармонида эса давлат бошқарувининг мутлақо янги, самарали ва сифатли тизимини яратиш назарда тутилади.

Оқоридагилар давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини замон талабларига мос равишда ташкил этиш, эришилаётган натижалар ҳисобини юритиш ва келгусида қилиниши лозим бўлган вазифаларни белгилаб олиш имкониятини берувчи янги тизим жорий этиш лозимлигини кўрсатади.

Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятига баҳо бериш мақсадида уларнинг фаолиятига тегишли соҳаларни аниқ мезонлар асосида кузатиб бориш лозим. Шу ўринда баҳолаш мезонлари ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз.

Давлат бошқаруви ва маҳаллий ижро ҳокимияти органлари самарадорлигини баҳолаш мезонлари – давлат бошқарувининг тамойиллари бўлиб, улар норматив-ҳуқуқий талаблар ҳамда бошқарувни тартибга солишга хизмат қилади. Шу соҳада илмий изланишлар олиб борган И. Тихомировнинг фикрича, самарадорлик мезонлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мос бўлиши ҳамда давлат ва жамият манфаатларига хизмат қилиши муҳим саналади. Баҳолаш мезонлари ижро ҳокимияти органлари фаолиятига баҳо бериш, бошқарувнинг табиатини аниқлаш, уни сифат жиҳатидан таснифлаш имконини беради. Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мезонларини танлашда ҳукуматнинг узоқ муддатли стратегия ривожланиш режаларини ҳисобга олиш лозим<sup>4</sup>.

### Россиялик олим Г. Атаманчук бошқарув самарадорлигининг умумижтимоий мезонлари сифатида қуйидагиларни кўрсатади:

- самарадорлик мезонларининг умуммақбул андозаларга мувофиқлиги;
- миллий бойликларнинг ортиб бориш суръати ва кўлами;
- ижтимоий муносабатлардаги тартиб, хавфсизлик ва ишончлилиқ, ижтимоий-иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари;
- даромадларнинг жон бошига тақсимланиши орқали ҳисобланган фаровонлик даражаси<sup>5</sup>.

<sup>2</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий Базаси, 12.12.2017 й., 09/17/973/0396-сон. (<http://lex.uz>)

<sup>3</sup> «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 9 сентябрь, 180 (6874) -сон.

<sup>4</sup> Тихомиров И.А. Административное право и процесс: Полный курс. 2-изд. – М.: 2008. – С. 452.

<sup>5</sup> Атаманчук Г.В. Государственное управление (организационно-функциональные вопросы) – М.: ОАО «НПО Экономика». Энциклопедия управленческих знаний, 2000. – Б. 260.

Самарадорликни баҳолаш мезонлари давлат томонидан тан олинган кадриятларга мос сиёсий стратегияда ифодаланган бўлиши керак. Бундай мезон мақсадга асосланган деб аталади. Мезонлар ҳудудларда вазиятни объектив тарзда таққослаш имконини беради. Мезонлар асосида баҳолашда ҳудудларнинг давлат ривожига қўшган ҳиссасини аниқлаш мумкин. Мезонлар эришилган натижалар билан бир қаторда, эришиш лозим бўлган натижаларни ҳам аниқлайди.

Шу соҳада илмий изланишлар олиб борган А. Дамодаранга кўра, самарадорликни мезонлар

асосида баҳолашнинг муҳим жиҳатларидан бири барча учун тенг ва очиқ-ошқора баҳолаш имкониятининг мавжудлигидир. Баҳолаш кўплаб муаммоларни ҳал қилишда фойдали ҳисобланади<sup>6</sup>.

Самарадорлик кўрсаткичи ва мезонларининг вазифаси ижро ҳоқимияти органлари фаолиятини баҳолаш орқали стратегик вазифаларни аниқлаш, асосий эътиборни кўрсаткичлар ва жараёнларга қаратиш, амалдаги кўрсаткичлар ва мезонларнинг самара бераётгани ёки бермаётганини аниқлаш, уларни такомиллаштириб бориш ҳисобланади.

### Давлат бошқаруви органлари фаолиятини мезонлар асосида баҳолаш борасида илмий изланиш олиб борган В.Ильин давлат бошқаруви самарадорлигининг асосий мезонлари сифатида қуйидагиларни ифодалайди:

- мамлакатнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш;
- аҳоли турмуш даражаси ошишини таъминлаш;
- ижтимоий адолат муаммоларини ҳал этиш<sup>7</sup>.

Баҳолаш мезонлари ва механизми аниқ танланганлигига қараб, мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади. Ҳудудларнинг ишлаш кўрсаткичлари ҳисобини юриштининг ягона тартибини жорий этиш ва бир-бири билан таққослаш орқали ҳудудлардаги ҳақиқий вазиятни аниқлаш ва аниқ баҳо бериш мумкин бўлади.

Баҳолаш мезонлари ҳудудларда ҳақиқий вазиятни аниқлаш, фойдаланилмаган имкониятларни ишга солиш, масъул раҳбарларнинг фаолиятига асосли баҳо бериш, ҳудудларни ривожлантириш ва аниқ ҳисоб-китобларга асосланган қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Мезонлар ҳудудларда энг муҳим соҳаларни қамраб олган бўлиши билан бир қаторда ҳокимликлар фаолияти ва ваколатларига мос бўлиши керак. Бунда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонун ва бошқа ваколатли органлар томонидан уларга юклатилган вазифалар доирасига киришига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Баҳолаш тизими жорий этилган давлатларда дастлаб, мисол учун, ҳудудлар фаолиятини баҳолашда ҳудуд раҳбарлари ваколатига кирмайдиган масалалар ҳам мезон сифатида белгилангани эътирозларга сабаб бўлган. Масаланинг бу томонига эътибор қаратиш керак. Нотўғри танлаган мезонлар билан қутилган натижага эришиб бўлмайди.

<sup>6</sup> Дамодаран А. Инвестиционная оценка. Инструменты и методы оценки любых активов. – М.: Альпина Паблишер, 2018. – С. 24.

<sup>7</sup> Ильин В.А. Стратегия национальной безопасности – 2015 – шаг к новому этапу развития России // Экономические и социальные перемены: факты, тенденции, прогноз. 2016. № 1 (43). – С. 9-5.



## Шу соҳада илмий изланиш олиб борган И.Зинченкога кўра, баҳолаш жараёнининг самарасизлиги:

- ◆ мезонларнинг кўплиги ва баҳолаш методикасининг мураккаблиги;
- ◆ баҳолаш учун ҳақиқий маълумотларни тўплаш муаммоси;
- ◆ баҳолаш жараёнида ташқи (мустақил) экспертларнинг етарли даражада иштирок этмаслиги;
- ◆ турли хил таркибий алоқалар (вертикал ва горизонтал) ўртасидаги структуравий муносабатлар мувофиқлашмаганлиги, баъзан зиддиятли муносабатлар;
- ◆ мақсадлар ва уларни қўллаб-қувватлайдиган манбалар ўртасида тез-тез учрайдиган низолар, шу билан бирга, амалда бажарилмайдиган қарорлар;
- ◆ маъмуриятдаги расмий ва норасмий меъёрлар ва қоидалар ўртасидаги зиддиятлардир<sup>8</sup>.

Бу борада қарор қабул қилишдан олдин юқорида кўрсатилган мезонларни ҳисобга олган ҳолда улар қанчалик тайёр ва оқилона эканлигини таҳлил қилиш лозим.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоиз, давлат бошқаруви органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш ва қонуний мониторингни тизимли равишда йўлга қўйиш муҳимдир. Бу борадаги муаммоларнинг бартараф этилиши давлат органлари фаолиятининг якуний натижаларига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўрганиш натижаларига асосланган ҳолда куйидагилар таклиф этилади.

**Биринчидан**, давлат бошқаруви органлари билан бир қаторда, унда фаолият юритаётган раҳбар ва ходимлар фаолияти самарадорлигини ҳам баҳолаш лозим. Бу давлат органлари ходимлари ўртасида соғлом рақобат муҳитининг юзга келишига, уларнинг ўз устида кўпроқ ишлаши, янада самаралироқ хизмат қилиши ҳамда меҳнатга қараб ҳақ тўлаш тизимини жорий этишга хизмат қилади.

**Иккинчидан**, ҳудуд раҳбарлари фаолиятига шу ҳудуд аҳолиси томонидан баҳо бериш тартибини жорий этиш лозим. Бу демократик давлат бошқаруви тизимининг талабларидан бири бў-

либ, ҳудуд раҳбарлари фаолиятига ҳолис ва шаффоф баҳо беришга замин яратади.

**Учинчидан**, ҳуқуқий таъминот давлат назорати соҳасида сиёсатни амалга оширишнинг асосий воситаси ҳисобланади. Баҳолашнинг барча йўналишлари кўп жиҳатдан ҳуқуқий таъминотнинг сифатига боғлиқ. Шу сабабли ижро ҳокимияти органлари фаолиятини тартибга солиш ва баҳолаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш талаб этилади.

**Бешинчидан**, давлат бошқаруви органлари, уларнинг раҳбарлари ва ходимларининг фаолияти самарадорлигини комплекс баҳолаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Юқоридагиларга асосан юртимизда жорий этилаётган давлат бошқаруви ҳамда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини баҳолаш тизимининг мезонларини танлашда аниқ ҳисоб-китобларга таяниш лозим. Акс ҳолда бу тизим жорий этилган давлатларда бўлгани каби норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тақроран қабул қилинишига сабаб бўлиши мумкин.

**Қаҳрамон УМИДУЛЛАЕВ,**

юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

<sup>8</sup>Зинченко И.Ю. Оценки эффективности деятельности органов исполнительных власти субъектов РФ. №1, 2014.



# Қаловини топсанг қор ҳам ёнади

Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги 3666-қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида»ги низомнинг 10-бандида давлат бошқаруви соҳаларида ислохотларга салбий таъсир ўтказётган муаммоларни, давлат органлари ва ташкилотларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш, натижалари бўйича қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга оид таклифлар тайёрлаш адлия органларининг асосий функцияларидан бири этиб белгиланган.



Мазкур функцияларнинг ижросини таъминлаш мақсадида 2020 йилнинг январь ойида Наманган вилоятида маиший чиқиндиларнинг ташиб кетилиши таҳлил қилинди.

Маълумки, Ўзбекистон Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги 4291-қарори билан 2019 – 2028-йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегияси тасдиқланиб, унинг биринчи босқичида (2019 – 2021-йиллар) қуйидаги вазифаларни амалга ошириш белгиланган:



қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қонунчилик базасини ва иқтисодий тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш;



қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматларнинг самарали ташкил этилишини таъминлаш мақсадида санитария жиҳатидан тозалашнинг моддий-техник базасини ва инфратузилмасини ривожлантириш;



тўлов интизомини мустаҳкамлаш;



қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида экологик таълим тизимини ривожлантириш учун методик ва ахборот таъминотини яратиш.

**«Чиқиндилар тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасига асосан қуйидагилар чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари этиб белгиланган:**

- 1) Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;
- 2) Соғлиқни сақлаш вазирлиги;
- 3) «Ўзкоммунхизмат» агентлиги;
- 4) Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси.

Шунингдек, Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 5024-фармонига асосан Қорақалпоғистон экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар экология ва атроф-муҳитни

муҳофаза қилиш бошқармалари ҳузурида «Тоза ҳудуд» давлат унитар корхоналари, шаҳар ва туманларда эса уларнинг филиаллари ташкил этилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги 787-қарори билан тасдиқланган Санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмаси объектларини жойлаштириш ва улардан фой-

даланиш ҳамда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш қондаларининг 51-бандида Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг давлат экологик назоратини амалга оширувчи мансабдорлари мазкур қондаларга риоя этилишини доимий назорат қилиши белгилаб қўйилган.



Таҳлил давомида соҳада бир қатор тизимли муаммолар борлиги аниқланди. Жумладан, чиқинди ташиш билан шўғуланувчи ташкилотлар туман(шаҳар)лардаги МФЙларни тўлиқ қамраб олмаган.

Аниқланишича, Наманган вилоятида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг чиқиндилари «Тоза ҳудуд» ДУКнинг туман ва шаҳар филиаллари ҳамда «Мусаффо иқлим» МЧЖ (Наманган шаҳри) томонидан ташиб кетилади. Вилоятда жами 776 та МФЙ бўлгани ҳолда уларнинг 350 таси билан чиқиндини ташиб кетиш бўйича шартнома тузилган. Шартнома тузган маҳаллалардан чиқиндилар ўз вақтида ташиб кетилмагани норозиликларга сабаб бўлмоқда.

Чиқиндиларни ташиб кетиш хизмати йўлга қўйилмаган ҳудудларда эса аҳоли маиший чиқиндиларни ёқиб юбораяпти ёки белгиланмаган жойларга ташламоқда.

Ваҳоланки, Санитария жиҳатидан тозалаш инфратузил-

маси объектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш ҳамда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш қондаларининг 6-бандида чиқиндилар ихтисослашган ташкилотлар томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда, шартнома асосида тўпланиши ва олиб чиқиб кетилиши белгиланган. Чиқиндилар кўп квартирали уйлар ва ҳовлиларда чиқинди тўplash шохобчаларидан бир кунда бир марта, ҳовлиларда «сигнал» усулидан фойдаланилганда уч кунда бир марта олиб чиқиб кетилади.

Таҳлил жараёнида чиқиндичи ташкилотларнинг махсус транспортлар билан қандай таъминлагани ўрганилганда вилоятда чиқинди ташишга мўлжаллаган 169 та транспорт борлиги маълум бўлди.

Вилоятда 30175 та тадбиркорлик субъекти мавжуд, шундан 1352 таси билан чиқиндини олиб чиқиб кетиш бўйича шартнома тузилган.

Айрим ҳудудларда чиқин-

диларни тўplash ишлари лозим даражада ташкил этилмаган.

Санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмаси объектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш ҳамда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш қондаларининг 12-бандида маҳаллий ҳокимият органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмағида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати, профессионал бошқарув ташкилоти ёки ҳудуд аҳолисининг мурожаати бўйича чиқинди тўplash шохобчаларини ташкил этиши белгиланган.

Қоидаларнинг 15-бандига кўра чиқиндихонанинг майдони ва унда жойлаштириладиган контейнерлар сони санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ бўлиши, 20-бандига биноан эса чиқиндихоналар ажратиб турувчи ранглар ва махсус белгилар ҳамда ёзувлар билан маркаланган контейнерлар билан таъминланиши лозим.

#### 42-бандга асосан чиқиндихоналарда чиқиндиларни алоҳида тўplash мақсадида тўрт турдаги контейнерлар ўрнатилади:



қайта ишланадиган қаттиқ маиший чиқиндилар учун кўк контейнер;



органик қаттиқ маиший чиқиндилар учун жигарранг контейнер;



қайта ишланмайдиган қаттиқ маиший чиқиндилар учун кулранг контейнер;



хавфли маиший чиқиндилар учун тўқ сариқ контейнер.

Бирок ҳудудларда ушбу та-  
лабларга амал қилинмаган.

Бундан ташқари, таҳлил жа-  
раёнида чиқиндиларни олиб  
кетиш, йўқ қилиш ва қайта  
ишлаш бўйича Германия, АҚШ,  
Хитой тажрибаси ўрганилди.

Германияда чиқинди таш-  
лашга мўлжалланган полигон-  
лар бўлиб, 2005 йилдан уларга  
фақат деярли 100 фоиз қайта  
ишланган ва тозаланган орга-  
ник чиқиндиларни ташлашга  
рухсат берилган бўлиб, мазкур  
қоидани бузганлик учун қатъий  
жавобгарлик чораси белгилан-  
ган. Немис полигонларига етиб  
борадиган чиқиндиларнинг  
атиғи 0,2 фоизи маиший чиқин-  
дилар ҳисобланади.

АҚШда 1980-йилларгача  
чиқиндиларнинг кўпи кўмил-  
ган ёки ёқиб юборилган. 7 фо-  
издан кам материаллар қай-  
та ишланган. Ушбу тенденция  
1980-йиллардан кейин ўзгара  
бошлади. Шундан сўнг полигон-  
нинг чиқиндилари тахминан 54  
фоизга тушди ва ресурсларни  
қайта тиклаш 33 фоиздан ошди.  
EPA (Environmental protection  
agency – Атроф-муҳитни муҳо-  
фаза қилиш агентлиги)нинг  
маълумотига кўра 2012 йил-  
да АҚШнинг қаттиқ маиший  
чиқиндиларини қайта ишлаш  
даражаси 34,5 фоизга етган.



Шунингдек, АҚШда фуқа-  
роларга ташланиши мумкин  
бўлмаган чиқиндиларни тақ-  
симлаш, саралаш ва тўғри ути-  
лизация қилиш ўргатилади.  
Қолаверса, АҚШда 550 дан ор-  
тиқ завод чиқиндиларни қай-  
та ишлаш билан шуғулланиб,  
яна 1000 та завод биоёқилгини  
қайта ишлашга ихтисослаш-  
ган. Қайта ишланган маиший  
чиқиндилардан суюлтирилган  
табiiй газ ишлаб чиқаради-  
ган завод ҳам мавжуд. Бугунги  
кунга келиб 1,5 миллион киши  
чиқиндиларни қайта ишлаш  
билан шуғулланмоқда, ушбу

соҳада 250 миллиард доллар  
пул айланади.

Хитой пойтахти Пекин  
шаҳрининг Тонгзҳоу тумани  
давлат муассасаларида ва 2500  
дан ортиқ ресторанда чиқин-  
дилар мажбурий сараланади.  
Ресторанларда чиқиндилар ку-  
тиларга ажратилиши лозим.  
Ошхона чиқиндисига салфетка-  
ни, пирогни, ҳатто тиш ювиш  
воситасини ҳам қўшиб бўлмайд-  
ди. Шунингдек, чиқинди кути-  
ларида ташлаш мумкин бўл-  
маган чиқинди бўлса, ресторан  
масъул ходимлари жаримага  
тортилиши мумкин.

Ўзбекистон конституциясининг 50-моддасига кўра  
атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш  
ҳар бир фуқаронинг бурчи ҳисобланади. Шундай экан, ҳар  
биримиз чиқиндилар рухсат этилмаган жойларга ташлани-  
шига йўл қўймаслигимиз, бу билан атроф муҳит ифлосла-  
нишининг олдини олишга ҳисса қўшишимиз даркор.

**Абдураҳим МУСАШАЙХОВ,**

Наманган вилояти адлия бошқармаси бўлим бошлиғи,

**Ҳалимжон ҚОБИЛОВ,**


Уйчи тумани адлия бўлими бошлиғи





# Молиявий мониторинг

Ҳозирги пайтда уюшган жиноятчиликка қарши кураш жаҳон ҳамжамиятини хавотирга солаётган масалалардан биридир. Хусусан, глобаллашув жадаллашган XXI асрда уюшган жиноятчиликнинг трансмиллий хусусият касб этиши бу муаммога етарлича эътибор қаратишни тақозо этмоқда. Шундай жиноятлардан бири жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришдир.



Жиноий даромадларни легаллаштириш механизмларини аниқлашда молиявий мониторинг муҳим аҳамият касб этади. Инглиз тилидаги «monitoring» атамаси ҳар қандай жараённинг ис-талган натижа ёки дастлабки тахминларга мувофиқлигини аниқлаш мақсадида олиб бориладиган кузатиш маъносини англатади.

Бир қатор давлатларда жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш соҳасидаги чора-тадбирларни тушуниш учун «молиявий мониторинг» атамасидан фойдаланилади.

Рус олими Леонид Фитуни молиявий мониторингни «...жиноий фаолиятдан олинган даромад-

ларни легаллаштиришни бартараф этиш мақсадида хўжалик объектларида, иқтисодиёт сектори доирасида, маъмурий-худудий бирликларда, мамлакат ёки халқаро миқёсда амалга оширилдиган ҳаракатлар, воситалар ва чора-тадбирлар мажмуи» сифатида таърифлайди.

Шунингдек, иқтисод фанлари доктори Виктор Зубков молиявий мониторингни «...жиноий даромадларни легаллаштириш ёки терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ операцияларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида молия институтлари ва ваколатли давлат органлари томонидан қабул қилинган

чора-тадбирлар мажмуаси» деб шарҳлайди.

Мамлакатимизда «молиявий мониторинг» атамаси биринчи марта Ўзбекистон Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 331-қарори билан муомалага киритилган эди. Мазкур қарорга мувофиқ Бош прокуратура хузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиний даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментига айлантирилган. У жиний даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш масалалари бўйича махсус ваколатли давлат органи ҳисобланган. Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 23 майдаги 5446-фармони билан ушбу департамент Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти этиб қайта ташкил этилган.

Бирок Ўзбекистон қонун ҳужжатларида «молиявий мониторинг» атамаси белгиланмаган.

«Молиявий мониторинг» атамасини таърифлаш учун аввало молиявий мониторинг соҳасидаги асосий субъектлар, объектлар, чораларга тўхталиб ўтиш жоиз.

Расмий ҳужжатларнинг таҳлили Ўзбекистонда жиний даромадларни легаллаштиришга, терроризмни ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишга жалб этилган ваколатли органлар тизими уч хил тузилмадан иборатлигини кўрсатади.

Биринчиси Бош прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти. У жиний даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш аломатларини аниқлаш мақсадида пул маблағлари ёки бошқа мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар тақдим этадиган ахборотни текширади. Илмий манбаларда мазкур орган одатда «молиявий разведка» деб аталади. Бу хорижий давлатларда кенг тарқалган «Financial Intelligence Unit» атамасининг таржимаси билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Иккинчиси Ўзбекистонда пул маблағлари ёки бошқа мулк билан боғлиқ операцияларнинг ўтказилишини назорат қилувчи давлат органларидир. Уларга Марказий банк, Молия вазирлиги,

Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги киради.

Ва ниҳоят учинчиси пул маблағлари ёки бошқа мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлардир. Уларга банклар ва бошқа кредит ташкилотлари, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари, биржа аъзолари, суғурталовчилар ва суғурта воситачилари, лизинг хизмати кўрсатувчи ташкилотлар, пул ўтказмалари, тўловлар ва ҳисоб-китобларни амалга оширувчи ташкилотлар, ломбардлар, лотереялар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ўтказувчи ташкилотлар, қимматбаҳо металллар ва тошлар билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи шахслар, кўчмас мулк билан боғлиқ операцияларда хизмат кўрсатувчи ва иштирок этувчи шахслар, мижоз номидан битим тайёрлаш ва уни амалга оширишда қатнашувчи нотариал идоралар, адвокатлик тузилмалари ҳамда аудиторлик ташкилотлари киради.

Жиний даромадларни легаллаштиришга қарши курашишнинг миллий тизими молиявий



Молиявий мониторингдан жиний даромадларнинг Ўзбекистон иқтисодиётига кириб келишига йўл қўймаслик ҳамда жиний даромадларни легаллаштириш учун молиявий мониторинг субъектларидан фойдаланилишининг олдини олиш мақсади кўзланади.

мониторингга нисбатан кенгроқ тушунча ҳисобланади. Жиний даромадларни легаллаштиришга қарши курашишнинг миллий тизимига асосланган ҳолда молиявий мониторинг унинг вазифаси деган хулосага келиш мумкин.

Молиявий мониторинг давлат ва корпоратив даражада амалга оширилади. Молиявий мониторинг объекти пул маблағлари ва бошқа мулк билан боғлиқ операциялардир. Бунда жисмоний ва юридик шахсларнинг фуқа-



ролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш шакли ва амалга ошириш усулидан қатъи назар, пул маблағлари ёки бошқа мулк билан боғлиқ ҳаракатлар тушунилади. Ушбу таъриф Фуқаролик кодексининг 101-моддасида келтирилган фуқаролик-ҳуқуқий битимнинг таърифи билан чамбарчас боғлиқдир.

**Энди бевосита «молиявий мониторинг» тушунчасининг мазмунига тўхталамиз. Бизнинг фикримизча, молиявий мониторингнинг моҳияти жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши қаратилган қўйидаги чора-тадбирларда намоён бўлади:**

- 1) мижозлар ва улардан фойда кўрувчиларни аниқлаш;
- 2) мижозларнинг жиноий фаолиятдан олган даромадларини баҳолаш;
- 3) мажбурий назорат қилинадиган операцияларни мониторинг қилиш;
- 4) ғайриоддий операцияларни мониторинг қилиш;
- 5) Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментига хабар юбориш;
- 6) терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш;
- 7) мажбурий мониторинг қилиниши лозим бўлган операциялар юзасидан ахборотни сақлаш ва уни ҳужжатларда қайд этиш;
- 8) кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш;
- 9) Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг сўрови юзасидан ахборот тақдим этиш;
- 10) молиявий мониторинг субъекти томонидан кўрилган чораларнинг махфийлигини таъминлаш.

Молиявий мониторингдан жиноий даромадларнинг Ўзбекистон иқтисодиётига кириб келишига йўл қўймаслик ҳамда жиноий даромадларни легаллаштириш учун молиявий мониторинг субъектларидан фойдаланилишининг олдини олиш мақсади кўзланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда биз молиявий мониторингга қўйидагича таъриф берамиз: «Молиявий мониторинг – пул маблағлари ва бошқа мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги ахборот ва маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ махсус ваколатли давлат органи ва молиявий мониторинг субъектлари томонидан амалга ошириладиган тадбирлар мажмуи».

Молиявий мониторинг объекти ҳисобланган операцияларнинг барча иштирокчилари учта асосий гуруҳга ажратилади: а) жисмоний шахслар; б) яқка тадбиркорлар; в) юридик шахслар.

Таъкидлаш жоизки, давлат органлари, қоидага кўра, молиявий мониторинг объекти ҳисобланмайди. Чунки давлат жиноий даромадларни легаллаштиришга, бошқача айтганда, ўзига қарши ҳаракат қилишга қодир эмас.

Макроиқтисодий даражада жиноий даромадларни легаллаштиришдан фарқли ўлароқ терроризмни молиялаштириш биринчи навбатда давлатнинг миллий хавфсизлиги ва суверенитетига таҳдид солади.

Макроиқтисодий масалалардан ташқари микроиқтисодий масалалар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки жиноий даромадларни легаллаштириш хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига салбий таъсир кўрсатади.

Жиноий даромадларни легаллаштиришнинг ижтимоий оқибатларини бой ва камбағаллар ўртасида давом этаётган табақаланишда кузатиш мумкин. Буни «ҳар қандай бойлик нопок йўллار билан қўлга киритилади» қабилида тушунмаслик керак.





Шунингдек, жиноий даромадларни легаллаштириш оддий одамларга кўпроқ салбий таъсир кўрсатишини қайд этиш лозим. Бунга молиявий пирамидалар мисол бўла олади.

Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашнинг сиёсий аҳамияти аввало бугунги кунда жиноий даромадларни легаллаштириш ёки терроризмни молиялаштириш масалалари глобал муаммога айланганида намоён бўлади. Буюк Британия сиёсатчиси Питер Лилли таъкидлаганидек, «Бутун дунё бўйлаб легаллаштирилган йиллик пул миқдори 1,5 трлн. долларга тенг».

Шунинг учун жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш муаммолари доимий равишда халқаро миқёсда муҳокама қилинмоқда. Бу жараёнда бир қатор халқаро ташкилотлар, шу жумладан ФАТФ, Евросиё гуруҳи ҳамда «Эгмонт» молиявий разведка гуруҳи фаол қатнашмоқда.

БМТнинг Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашишга қаратилган биринчи халқаро универсал ҳужжат ҳисобланади. Наркотик моддаларнинг ноқонуний айланмаси билан шуғулланиш каби жиноятларнинг олдини олишда жиноий фаолиятдан топилган пулларни олиб қўйиш энг самарали йўللardan бири эканлиги конвенцияда эътироф этилган.

Ушбу конвенциянинг бажарилишини таъминлаш мақсадида 1989 йилда Парижда «катта еттилик» саммитида АҚШ, Япония, Германия, Буюк Британия, Франция, Италия ва Канада Жиноий

даромадларни легаллаштиришга қарши курашишда молиявий чораларни ишлаб чиқувчи гуруҳ (Financial Action Task Force, FATF) халқаро ташкилотини таъсис этган. ФАТФ жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро стандартларни ишлаб чиқувчи, давлатларнинг мазкур стандартларга мувофиқлигини баҳоловчи ҳукуматларaro ташкилотдир. Унинг тавсиялари БМТга аъзо давлатлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

ФАТФ тавсияларида минимал талаблар белгиланган бўлиб, уларни миллий қонунчиликка имплементация қилишда ҳар бир давлатнинг тузилиши, ҳуқуқий ва молиявий тизимига қараб муайян эркинликлар берилган.

ФАТФнинг бирон давлатни жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашишда иштирок этмайдиган давлатлар рўйхатига киритиши автоматик равишда ушбу юрисдикцияда рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотлар учун назорат чоралари кучайтирилишига, минтақада хорижий ташкилотларнинг мавжудлигини чеклашга ва натижада халқаро савдо ва инвестиция оқимининг пасайишига олиб келади. Бундай чоралар деярли ҳар қандай давлатнинг, айниқса ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишига хавф туғдириши мумкин.

Жиноий даромадларни легаллаштириш шахс, жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларига салбий таъсир кўрсатади. Молиявий мониторинг ана шу жиноят билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатни аниқлаш ва бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади.

### **Юқоридагиларни инобатга олиб, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашнинг миллий тизимини такомиллаштириш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:**

1. Ўзбекистоннинг «Жиноий даромадларни легаллаштиришга, терроризмни ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунининг 3-моддасига молиявий мониторинг атамасини киритиш;
2. Пул маблағлари ёки бошқа мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларида молиявий мониторинг объектлари, субъектлари ва уни амалга ошириш чора-тадбирларини белгилаш.


**Файзулла МИРЗАЕВ,**

Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокуратураси академияси катта ўқитувчиси



# Тезкор-қидирув ахбороти назарий тушунчалар

Ахборотнинг турлари жуда кўп. Маълумот олиш, тўплаш, таҳлил қилиш усуллари ва тактикасининг ўзига хослиги билан тезкор-қидирув ахбороти бошқа ахборот турларидан ажралиб туради.



«Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддасида тезкор-қидирув фаолиятини ахборот билан таъминлаш ва тезкор-қидирув ишини юритишга оид тушунчалар берилган. Қонунда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш учун тезкор-қидирувга мўлжалланган ахборот тизимларини яратиш ва улардан фойдаланишга ҳақли экани кўрсатилган.

Худди шундай, маълумотларни тўплаш ва тизимлаштириш, тезкор-қидирув фаолияти натижаларини текшириш ва баҳолаш, шунингдек, улар асосида, ушбу қонуннинг 15-моддасида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, қарор қабул қилиш мақсадида тезкор-қидирув ишлари юритилади. Уларнинг рўйхати ва уларни юритиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

Ўтказилган тадқиқотлар, амалиётни ўрганиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, жиноятчиликка қарши курашишда ички ишлар органларининг тезкор бўлинмалари ахборот, исботловчи далиллар билан таъминланганлиги муҳим ҳисобланади.

Тезкор-қидирув фаолиятида «ахборот», «тезкор-қидирув ахбороти» тушунчаларига республикамиз ва хорижлик олимлар, хусусан МДХга аъзо давлатларнинг бир қатор олимлари ўз тадқиқотларида алоҳида тўхталиб ўтишган.

«Ахборот» тушунчасига, жумладан, куйидاغича таърифлар берилган.

Россиялик ҳуқуқшунос олим Е.Тавокин «ахборот» инсонларга тўғридан-тўғри ёки билвосита узатиладиган бирор бир нарса тўғрисидаги маълумот маъносини англатади деб фикр билдирган<sup>1</sup>.

Илмий тадқиқотларида «ахборот», «ахборот таъминоти», «таҳлилий иш», «ахборот-таҳлил фаолияти» тушунчаларини қўллаган ҳуқуқшунос олим С.Войтиховичнинг фикрича, ахборотга оид турли хил талқинлар мавжудлиги улар билан ишлашни ташкил қилишда чалкашликларни келтириб чиқаради. Натижада бу жиноятларни аниқлаш самарадорлигига таъсир қилади<sup>2</sup>.

Ахборот тушунчасига тўлиқроқ изоҳ берадиган бўлсак, ушбу сўз бирор бир далил, воқеа, ҳодисани баён қилиш, тушунтиришни англатади. Маълумотларга у ёки бу сабабларга кўра фойдаланилмайдиган, балки фақат сақланадиган белгилар ёки ёзиб олинган кузатувлар сифатида қараш мумкин. Агар бу маълумотлардан бирор бир нарса тўғрисидаги мавҳумликни камайтириш учун фойдаланиш имконияти туғилса, маълум

отлар ахборотга айланади<sup>3</sup>.

Маълумки, олимлар томонидан «ахборот»га берилган таърифлар ўтган асрнинг 50-йилларида кибернетикада пайдо бўлган ва дастлаб муайян математик тадқиқот усуллари билан боғлиқ тушунчани ўз ичига олган. Кенг маънода «ахборот» – сақлаш, узатиш, ўзгартириш объекти бўлган ва вазифаларни ҳал қилишга ёрдам берадиган маълумот, билим, хабар деб қараб келинган.

Олимларнинг ахборотнинг табиати ҳақидаги қарашлари ҳам хилма-хилдир. Улар «ахборот» тушунчасини муайян касб ёки соҳа нуқтаи назаридан, ўрни табиий фанлар ёки ижтимоий ҳодиса ва жараёнлар билан боғлаб талқин қилишган.

Бизнингча, «ахборот»нинг мазмунини тушунтириш учун унга дахлдор асосий атама ва тушунчаларга мурожаат қилиш керак бўлади.

Ахборот – манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъи назар шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлардир<sup>4</sup>.

Юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда, «ахборот» деб одатда маълумот каби (хабар, дарак бериш) инсонларнинг нимадир ҳақида оғзаки, ёзма ва бошқа тарзда (бирор бир сигнал орқали ва ҳ.) хабар узатишига айтилади деган фикрга келдик.

Айрим олимлар томонидан ижтимоий ахборотнинг ўзига хос хусусияти (тури) асосан инсон фаолиятига боғлиқ равишда кўриб чиқилган. Бизнинг фикримизча, ички ишлар органлари учун жиноятчиликка қарши курашда ва қонунда назарда тутилган бошқа вазифаларни ҳал қилишда фойдаланиш мумкин бўлган ҳар қандай ижтимоий ахборот алоҳида аҳамиятга эга.

**Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, «ахборот» – далил, воқеа, ҳодиса, предмет, жараён каби маълум бир объектлар ҳақидаги билим ва тушунчалар, ўзида айрим тушунчаларни мужассам қилган факт, воқеа, ҳодиса, далил, предмет, жараён каби объектлар тўғрисидаги маълумотлар, билимлар мажмуи, қизиқиш уйғотиши мумкин бўлган, сақлаш, қайта ишлаш ва фойдаланиш лозим бўлган далил ва маълумотлар тўпламидир.**

<sup>1</sup>Тавокин Е.П. Информация как научная категория// Журнал Социологические исследования. – 2006. – №11. – 3, с. 621.

<sup>2</sup>Войтихович С.А. Сущность информационно-аналитического обеспечения выявления экономических преступлений// Научная статья. М.: Журнал Вопросы криминологии, криминалистики и судебной экспертизы 2016. с-80.

<sup>3</sup>Фуломов С.С. ва бошқалар. Ахборот тизимлари ва технологиялари: олий ўқув юрти талабалари учун дарслик. Т.: «Шарқ», 2000. - 88-б.

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги 439-Ўқонун.

<sup>5</sup>Синилов Г.К. Правовые, информационные и тактические основы оперативно-розыскной деятельности советской милиции. Монография. Г.К. Синилов. - М.: ВНИИ МВД СССР, 1975. 295 с.

Маълумки, авваллари ахборотни инсонлар бир-биридан узоқроқ масофада бўлса кабуларлар, чопарлар ёрдамида қабул қилган ва бу ўз навбатида ахборотга эҳтиёжманд одамларнинг бир неча кун, ҳафта, ҳатто ойлаб вақтини олган. Телевидение, интернет, телефон кашф қилинган, дунёнинг бир четида содир бўлган воқеа-ҳодисадан бутун ер юзи аҳолиси сониялар ичида хабар топиш имконига эга бўлди. Худди шундай, инсонлар бирор бир шахс, ҳодиса, факт ёки нарса тўғрисидаги «ахборот»ни оғзаки ёки ёзма равишда, очик ёки кодланган ҳолда ижтимоий тармоқлар орқали, инсонларнинг бир-бири билан юзма-юз мулоқоти жараёнида, почта, телеграф, рация орқали узатиши мумкин.



Ахборот бирор бир далил, воқеа, ҳодисани баён қилиш, тушунтиришни англади. Маълумотларга у ёки бу сабабларга кўра фойдаланилмайдиган, балки фақат сақланадиган белгилар ёки ёзиб олинган кузатувлар сифатида қараш мумкин. Агар бу маълумотлардан бирор бир нарса тўғрисидаги мавҳумликни камайтириш учун фойдаланиш имконияти туғилса, маълумотлар ахборотга айланади

Ахборотнинг турлари жуда кўп. Куйида олимларнинг тезкор-қидирув фаолиятидаги тезкор-қидирув ахборотида берган илмий таърифларини келтириб ўтаамиз.

Илмий адабиётлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда «тезкор-қидирув ахбороти» тушунчасини биринчилардан бўлиб Г.Синилов қўллай бошлаган<sup>5</sup>.

Хуқуқшунос олим А.Лекарнинг фикрича, тезкор-қидирув ахбороти куйидаги хусусиятларга эга бўлиши, яъни жиноятчиликка қарши курашнинг бутун жараёни ёки унинг ҳар қандай элементига тегишли, аниқ, етарлича тўлиқ ва ниҳоят ишончли бўлиши керак<sup>6</sup>.

Д.Гребельскийнинг таърифига кўра, «...тезкор-қидирув ахбороти деганда жиноятлар, жиноятни намоен этувчи фактлар, тезкор-қидирув кучлари ва воситаларининг ҳолати, шунингдек жиноятларнинг тайёрланиши ва содир этилишида иштирок этган шахслар тўғрисидаги дастлабки ва якуний маълумотлар йиғиндиси тушунилади»<sup>7</sup>.

Тезкор ахборотга бироз бошқача таъриф берган С.Овчинскийнинг фикрича, тезкор-қидирув ахбороти «реал воқелик, жинойи ёки криминоген хусусиятга эга ҳодисалар, ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ бўлган ҳолатлар (жинойи муҳитдаги ўзгаришлар) ...»дан иборат<sup>8</sup>.

Олим ўзининг илмий ишларида ахборотнинг бу турига куйидагича таъриф берган: тезкор-қидирув ахбороти – тезкор тадбирларни ўтказиш орқали олинган маълумотлар, электрон банклар ва автоматлаштирилган тизимларнинг маълумот элементлари, криминологик, психологик, демографик ва бошқа билимларнинг таркибий қисмлари ҳамда бошқа томондан қайта ишланган, таҳлил қилинган, вазифаларидан келиб чиққан ҳолда шахслар ҳамда фактларни аниқлаш, ҳолатларни текшириш ва ойдинлаштириш, шунингдек жиноятларни фож этиш, жиноят ишлари бўйича далилларни тақдим этиш ҳисобланади<sup>9</sup>.

Юқоридаги таърифлар «ахборот» ва «маълумотлар» тушунчаларининг фарқланишига асосланган. Уларнинг ўртасида мураккаб диалектик боғлиқлик мавжуд. Воқеликни кузатиш ва ақс эттириш жараёни доимий ёки дискреционал равишда маълумотларни тўплашдан иборат бўлиб,

<sup>5</sup> Синилов Г.К. Правовые, информационные и тактические основы оперативно-розыскной деятельности советской милиции: Монография. Г.К. Синилов. - М.: ВНИИ МВД СССР, 1975. 295 с.

<sup>6</sup> Свистильников А.Б., Кулешов В.И. Теоретические аспекты информационного обеспечения оперативно-розыскной деятельности горрайорганов внутренних дел по линии уголовного розыска. Вестник Санкт-петербургского университета МВД России №4 (48) 2010. С. 103.

<sup>7</sup> Гребельский Д.В. Теоретические проблемы оперативно-розыскной деятельности органов милиции: дис. ... канд. юрид. наук. – М.: ВШ МВД СССР, 1968. - с.73.

<sup>8</sup> Овчинский С.С. Оперативно-розыскная информация. Монография./С.С. Овчинский; под ред. А.С.Овчинского, В.С.Овчинского. -2-е изд., доп. – М.: ИНФРА-М, 2017. – 20-21 с.

<sup>9</sup> Овчинский А.С. Информация и оперативно-розыскная деятельность: Монография / под. ред. заслуженного юриста Российской Федерации, доктора юридических наук, профессора В.И. Попова. – М.: ИНФРА-М, 2002. -32 с.

улар биргаликда қимматли ахборотни мужассам қилиши мумкин.

Хуқуқшунос олим Е.Яковецнинг фикрича, «ҳар қандай маълумот, агар у тўғри баҳоланса ва уларда янги билимлар кашф қилинса, тезкор-қидирув фаолиятининг субъекти учун, шу жумладан, тезкор ходим учун ахборотга айланиши мумкин»<sup>10</sup>.

Тезкор-қидирув ахбороти маълумот олиш усуллари ва тактикасининг ўзига хослиги билан бошқа ахборот турларидан ажралиб туради. Улардан ички ишлар органларининг тезкор қидирув бўлинмалари ходимлари жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш, очиш, жиноятчиларни қидириш ва бошқаларда фойдаланиши мумкин.

Тадқиқот натижаларидан шу нарса аён бўлдики, тезкор ахборот жиноятларни исбот қилиш

жараёнида жуда муҳим ҳисобланади. Ахборот далил (исбот) сифатида буюм, предмет, ҳодисаларни аниқлаб беради, ундаги маълумотлар таркибида исбот, далиллар мавжуд бўлишини, далил манбаи бўлиши мумкин бўлган шахслар ёки ҳужжатларни намоён этади.

Маълумки, ахборот назариясида «ноаниқликдаги вазият» тушунчаси ишлатилади. Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ноаниқлик объект тўғрисидаги билимларга ҳам, объектнинг ўзига ҳам хос бўлиши мумкин. Маълум бир предметга оид билимларимизда тушунмовчилик, ноаниқлик мавжуд бўлса, биз бу предмет тўғрисида янги маълумот олиб, кўпроқ маълумотга эга бўлиб, у ҳақида кўпроқ фикр юритишимиз мумкин. Буни маълумотларнинг «аниқ ахборотга айланиши» деб ҳисоблаймиз.



Юқорида берилган таърифлар тезкор-қидирув ахборотининг тааллуқлилигини акс эттиради, яъни ташқаридан бирон бир хабарни олиш, ноаниқликни бартараф этиш, фактлар, ҳодисалар ўртасидаги боғлиқликни, шунингдек, турли хил тизимларнинг бошқарадиган ва бошқариладиган элементлари ўртасидаги тўғридан-тўғри ва тесқари боғланишларни аниқлашдан иборат деган хулосани беради.

**Нормурод БЕКМУРОДОВ,**


ИИВ академияси мустақил ишланувчиси.

**Ботир ШЕРАЛИЕВ,**

ДБҚ божхона институти катта ўқитувчиси

<sup>10</sup> Яковец Е.Н. Проблемы аналитической работы в оперативно-розыскной деятельности органов внутренних дел: монография. – М.: Издательский дом Шумиловой И.И., 2005.с-139.

Мамлакатимизда миграцияни тартибга солиш бир қатор давлат органлари зиммасига юклатилган. Улар орасида Давлат хавфсизлик хизмати, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ва бошқа субъектлар бор. Ички ишлар вазирлиги бу борада ушбу субъектлар билан ҳамкорлик қилади.



## Ички ишлар органларининг миграция соҳасидаги ҳамкорлиги

Давлат органларининг миграция соҳасидаги ҳамкорлиги хорижий олимлар (В.Науде, М.Сиегел, К.Марчанд, Ф.Жалилов, О.Суюнчалиева, В.Андрюшенков) ва миллий олимларимиз (К.Орипова, З.Қодирова, Л.Исоқов) томонидан тадқиқ этилган. Бироқ ички ишлар органларининг бошқа давлат органлари билан ҳамкорлиги ўрганилмаган.

Ўзбекистоннинг «Туризм тўғрисида»ги қонунига кўра Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари давлат органлари, хусусан, ички ишлар органлари билан ҳамкорликда сайёҳларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва уларнинг қонунга хилоф миграциясига қарши курашиш чораларини кўради. Шунингдек, туризм полицияси саёҳатлар чоғида фуқароларнинг дам олиш ва эркин ҳаракатланиш ҳуқуқини таъминлашда, ТРДҚ эса виза режими таъминлаштиришга доир тақлифларни ишлаб чиқишда ўзаро ҳамкорлик қилади.

«Давлат чегараси тўғрисида»ги, «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги, «Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида»ги ва «Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунлар

га кўра ҳуқуқ-тартибот органлари ноқонуний миграция натижасида юзага келиши мумкин бўлган терроризм ва экстремизмга қарши биргалликда курашади.

«Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги қонунга кўра бандлик агентликлари аҳоли бандлигини таъминлаш, ишлаш учун чет элга кетган шахслар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш орқали ташқи меҳнат миграциясини тартибга солишда ички ишлар органлари билан ҳамкорлик қилади.

Ташқи ишлар, соғлиқни сақлаш, таълим, божхона, прокуратура идоралари, давлат хизматлари агентлиги, маҳаллий ҳокимиятларнинг миграция жараёнини тартибга солишга доир функциялари таҳлили, бизнингча, ички ишлар органларининг улар билан ҳамкорлигини: 1) хорижий тадбиркор ва сайёҳлар Ўзбекистонга келиши учун қулай шароит яратиш орқали инвестиция муҳити ва туризмни ривожлантириш; 2) иммигрантлар учун мақбул яшаш шароитини яратиш ҳамда чет элда меҳнат қилаётган ватандошларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш; 3) аҳолининг миграцияга оид ҳуқуқий билими ва

маданиятини юксалтириш; 4) ноқонуний миграциянинг сабабларини ўрганиш, бартараф этиш ҳамда бунинг учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш каби асосий йўналишларга ажратилиш имконини беради.

Шу билан бирга, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мазкур ҳамкорликнинг асосий йўналиш ва вазифалари белгиланган бўлса-да, амалиёт таҳлили бу борада муаммолар борлигини кўрсатмоқда. Жумладан, респондентларнинг миграция ҳисобини юритишдаги муаммолар хусусидаги фикри ўрганилганда уларнинг 74,6 фоизи таълим, бандликка кўмаклашиш ва соғлиқни сақлаш бўлинмалари томонидан маълумотларнинг ўз вақтида тақдим этилмаётгани ички ишлар органларининг ташқи меҳнат миграциясига доир фаолиятига салбий таъсир кўрсатишини билдирган.

Шу ўринда ноқонуний миграцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш учун давлат органлари ва ташкилотларнинг бу борадаги фаолиятини ягона давлат органи (Ички ишлар вазирлиги) орқали мувофиқлаштирувчи Миграция жараёнларини тартибга солиш бўйича республика идораларо комиссиясини ташкил этиш мақсада мувофиқлигини таъкидлаш жоиз.

Бу борадаги чет эл тажрибасига эътибор қаратсак, Бельгияда давлат органларининг миграция соҳасидаги фаолияти Иммиграция сиёсатини таъминлаш бўйича қироллик идораларо

комиссияси томонидан бошқарилса, Германияда 16 та ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органни қамраб олган Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш бўйича давлат комиссияси доирасида ноқонуний миграцияга қарши курашиш амалиёти жорий этилган.

Ўзбекистонда Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича республика комиссияси ёҳуд Ўзбекистон фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва халқаро иқтисодий ҳамкорлик масалалари департаменти ташкил этилган бўлса-да, ноқонуний миграциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш жамоатчилик асосида ҳудудий гуруҳлар имконияти доирасида бир томонлама амалга оширилмоқда. Бу эса таҳлил этилаётган масалага турлича ёндашишга олиб келиши мумкин.

Қолаверса, идораларо электрон ҳамкорлик натижасида олинган маълумотларни таҳлил қилиш, қайта ишлаш ва мониторинг қилиш амалиётининг самарали ташкил этилмагани миграцияга доир вазиятни аниқ баҳолашга салбий таъсир кўрсатиши табиий.

Шу боис мазкур жараёни онлайн тарзда мувофиқлаштириб бориш мақсадида ИИБ МФРББ Электрон ахборот тизимлари бошқармаси таркибида «Рақамли миграция» ахборот-таҳлил маркази ва унинг ҳудудий тармоқларининг ташкил этилиши идораларнинг миграцияга доир фаолиятини самарали мувофиқлаштириш имконини беради.

Илғор хорижий тажрибага эътибор берсак, юқорида келтирилган муаммолар Германия полицияси (Bundespolizei) томонидан ҳудудий идораларда ноқонуний миграцияга қарши курашиш таҳлил ва стратегия маркази (14-бўлим – GASIM) ва унинг бўлинмаларини ташкил этиш орқали бартараф этилган.


Юқоридаги таҳлилларга таяниб шундай ҳулосага келиш мумкинки, миграцияни тартибга солиш соҳасида ички ишлар органларининг давлат органлари билан ҳамкорлигини мувофиқлаштириш миграция жараёнларини мунтазам ўрганиб бориш ва тўғри баҳолаш, субъектлар ўртасида ваколатларни тўғри тақсимлаш, туризмни ривожлантириш ва ноқонуний миграцияга қарши курашдаги илғор тажрибаларни кенг жорий этиш имконини беради.

**Беҳзод ЭГАМБЕРДИЕВ,**

ИИБ академияси ўқитувчиси, мустақил изланувчи

# Терговга қадар текширув институтини такомиллаштириш

Мамлакатда ҳеч ким содир этмаган қилмиши учун жавобгарликка тортилмаслиги керак. Суд ислоҳотлари даврида жиноят процессининг бошқа институтлари сингари терговга қадар текширув институти ҳам такомиллаштирилиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатлари кучайтириляпти.



Шундай бўлса-да, Ўзбекистон Жиноят-процессуал кодексининг терговга қадар текширув билан боғлиқ нормалари ва суд-тергов амалиётининг таҳлили мазкур жараёнда камчиликлар борлигини кўрсатмоқда. Улар тезда бартараф этилиши лозим.

Амалдаги ЖПКнинг 320<sup>1</sup>-моддасида ишни судга қадар юритиш шакллари келтирилган бўлиб, у жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотлар қабул қилинган пайтдан бошланади ҳамда терговга қадар текширувни ва жиноят ишини тергов қилишни ўз ичига олади. Терговга қадар текширув босқичида жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни текшириш, уларни кўриб чиқиш натижаси юзасидан қарор қабул қилиш, шунингдек иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган жиноят излари, нарсалар ва хуж-

жатларни мустаҳкамлаш ва сақлашга доир чоралар амалга оширилади.

ЖПКнинг 322-моддасида жиноят ишини қўзғатиш сабаблари ва асослари келтирилган, булар: 1) шахсларнинг аризалари; 2) корхона, муассаса, ташкилот ҳамда жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар берган хабарлар; 3) оммавий ахборот воситаларининг хабарлари; 4) жиноят содир этилганини кўрсатувчи маълумот ва изларни терговга қадар текширув органи, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг бевосита ўзи аниқлаши; 5) айбини бўйнига олиш ҳақидаги арз.

Келтирилган асослардан биринчиси ва суд-тергов амалиётида энг кўп учрайдигани одамларнинг аризаларидир. Амалдаги норматив ҳуқуқий ҳужжатларда келтирилишича, ариза де-

ганда фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимоси баён этилган мурожаати тушунилади. Шунингдек, ЖПКнинг 324-моддасига мувофиқ одамларнинг жиноят тўғрисидаги аризалари ёзма ёки оғзаки бўлиши мумкин, оғзаки ариза баённомада қайд этилади. Баённомада арз қилувчи, унинг яшаш ва ишлаш жойи, шунингдек шахсий ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилиши лозим. Арз қилувчи ҳужжат кўрсата олмаса, унинг шахси тўғрисидаги маълумотларни бошқа йўллар билан текшириш чораси кўрилиши керак. Арз қилувчи жиноят тўғрисида била туриб ёлғон хабар берганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилади ва бу ҳусусда баённомада қайд қилиниб, унинг имзоси билан тасдиқланади. Сўнгра баённомада жиноят содир этиш ҳолатлари ҳусусидаги маълумотлар арз қилувчи номидан, иложи борича сўзма-сўз акс эттирилади. Баённомани арз қилувчи ва аризани қабул қилган мансабдор шахс имзолайди.

Ёзма ариза имзолаган бўлиши шарт, аноним ариза, яъни имзосиз, қалбаки имзоли ёки уйдирма шахс номидан ёзилган ариза жиноят ишини кўзга тиш учун сабаб бўла олмайди (ЖПКнинг 323-моддаси). Аноним аризада жиноятга оид аниқ фактлар бўлганда, уни терговга қадар текширув органи (ўз ташаббуси билан ёки прокурор, терговчи, суриштирувчи, суднинг топшириғи бўйича) текшириб чиқиши мумкин. Агар фактлар тасдиқланса, бу жиноят ишини кўзга тиш учун сабаб бўлади.

«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонуннинг 3-моддасига мувофиқ жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумот кўрсатилган, шунингдек имзо (электрон рақамли имзо) билан тасдиқланмаган мурожаатлар аноним мурожаат деб ҳисобланади.

Юқорида келтирилган фикрлар аноним хабар жиноят ишини кўзга тиш учун асос бўлмаса-да, лекин терговга қадар текширув ўтказиш учун асос бўлади деб ҳулоса қилишимизга имкон беради.

ЖПКда шахсларнинг жиноят ҳақидаги электрон аризаларига қўйилган талаблар, уни расмийлаштириш тартиби акс эттирилмагани суд-тергов

амалиётида аризанинг ишончлилигига путур етказиши мумкин. Шу сабабли жиноят ҳақидаги аризаларни электрон тартибда расмийлаштиришнинг ягона шаклини белгилаш ва унинг асосида терговга қадар текширув ўтказилишини таъминлаш мақсадида ЖПКнинг 324-моддасини қуйидаги қисм билан тўлдиришни таклиф этамиз: «**Шахсларнинг жиноят ҳақидаги электрон аризалари электрон рақамли имзо билан тасдиқланган бўлиши ва идентификация қилиш имконини берадиган реқвизитларга эга бўлиши лозим**». Бу одамларнинг энг асосий ҳуқуқларидан бўлган мурожаат қилиш ҳуқуқининг самарали таъминланишига ва маълумотларнинг ишончли бўлишига хизмат қилади.

Шунингдек, электрон ариза билан мурожаат қилиш имкониятини кенгайтириш, жиноят тўғрисидаги ариза ва шикоятларни қайд этиш жараёнини такомиллаштириш мақсадида ИИВнинг Ягона интерактив мурожаатлар ойнасини яратиш мақсадга мувофиқ. Яъни, унда ЖПКда ёзма аризага қўйилган барча талабларни сақлаб қолган ҳолда шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг маълумотларини дастурга юклаш ва ушбу жараён якунида киритилган барча маълумотларни электрон имзо билан тасдиқлаш назарда тутилади. Аризага махсус идентификацион рақам (код) берилади, ушбу рақамни дастурга киритиш орқали аризачи унинг мурожаати қайси орган ва мансабдор томонидан кўриб чиқиладиганидан хабардор бўлади. Терговга қадар текширув якунида қандай қарор қабул қилингани тўғрисида аризачига электрон хабар бериш механизмини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.


Фикримизча, ушбу янгиланикнинг суд-ҳуқуқ амалиётига жорий этилиши одамлар ортиқча харажат қилишининг олди олинишига, жиноятларни яшириш ҳолатларига барҳам берилишига, шунингдек, Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 2 мартда «2017–2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодийётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги фармонида кўрсатилган вазифаларнинг бажарилишига хизмат қилади.

**Мурод БОТАЕВ,**

ИИВ академияси Халқаро ҳамкорлик ва чет эл тажрибасини ўрганиш бўлими бошлиғи



# Норма ижодкорлиги унинг назарий-методологик таҳлили



Бугунги кунда мамлакатимизда норма ижодкорлигини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида белгиланишича, «ижод» арабча сўз бўлиб, тўғридан-тўғри таржима қилинганда яратиш, кашф этиш, вужудга келтириш деган маъноларни англатади. Ижод – бадиий, илмий, санъатга оид асар ёки моддий бойлик яратиш, вужудга келтириш; яратувчилик фаолияти. Демак, ижод ва ижодкорлик серқирра тушунчадир.

Шунга боғлиқ равишда аксарият илмий-назарий манбалар ва тадқиқотларда «хуқуқ ижодкорлиги», «норма ижодкорлиги», «қонун ижодкорлиги» тушунчалари ва уларнинг бир-биридан фарқи кўрсатилган.

Хусусан, Дмитрий Кордкининг фикрича, «хуқуқ ижодкорлиги» тушунчаси кенгроқ бўлиб, у «норма ижодкорлиги»ни ҳам қамраб олади. Норма ижодкорлиги қоида тариқасида қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар – фармон, қарорларни ишлаб чиқиш, ўзгартириш ёки бекор қилиш жараёнини билдиради.

Хуқуқшунос олимлар Татьяна Москалькова ва Валерий Черниковнинг фикрича, одатда «хуқуқ ижодкорлиги» термини хуқуқий ҳужжатларни қабул қилишнинг умумий жараёнини тушунишда қўлланади. Шунга кўра хуқуқ ижодкорлигини норма ижодкорлиги (норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш), ўзини ўзи бошқариш органларининг хуқуқ ижодкорлиги, шартномавий хуқуқ ижодкорлиги (шартномалар тузиш), суд хуқуқ ижодкорлиги (суд ҳужжатларини қабул қилиш), якка тартибдаги хуқуқ ижодкорлиги (якка тартибдаги хуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш) ва бошқаларга ажратиш мумкин.

Бир гуруҳ олимлар хуқуқ ижодкорлигини хуқуқ яратишнинг таркибий қисми деб билишади. Уларнинг фикрича, хуқуқни яратиш юридик нормани шакллантириш ва расмийлаштиришга қаратилган жараён бўлиб, анча узоқ вақт давом этади.

Ҳожимурод Одилқориевнинг фикрича, норма ижодкорлиги жараёни – норма ижодкорларининг конституцияда белгиланган тартибда янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар яратишга, амалдаги ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартириш киритишга қаратилган, шунингдек, эскирган ҳужжатларни бекор қилиш борасидаги ҳаракатлари йиғиндиси бўлиб, у норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солиниши зарур бўлган муносабатларни аниқлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш, муҳокама этиш ва қабул қилишнинг ўз ичига олади.

Бизнинг фикримизча, бажарилиши мажбурий бўлган

юрис-туриш қоидаларини яратиш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган фаолиятни «хуқуқ ижодкорлиги», барча турдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, ўзгартириш ҳамда бекор қилиш фаолиятини эса «норма ижодкорлиги» деб тушуниш мақсадга мувофиқ. Муайян ташкилот раҳбарининг мутахассисни ишга олиш тўғрисида индивидуал хусусиятга эга буйруқ чиқариши хуқуқ ижодкорлигининг кўринишларидан биридир.

Бундан ташқари, «қонун ижодкорлиги» деганда давлатнинг қонун чиқарувчи органнинг фаолиятини тушуниш ўринли.

#### ТАЪРИФ:

**Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо давлатлардан бири бўлган Беларуснинг 2018 йил 17 июлдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуннинг 2-моддасида ифодаланган «қонун ижодкорлиги» ва «норма ижодкорлиги» тушунчалари эътиборга молик бўлиб, уларга қуйидагича таъриф берилган:**

☞ қонун ижодкорлиги – қонунчилик ташаббуси хуқуқини амалга ошириш, режалаштириш, қонунларни тайёрлаш, хуқуқий экспертизадан ўтказиш, қабул қилиш, расмий шарҳлаш, ўзгартириш, расмий эълон қилиш, қонунларнинг амал қилишини тўхтатиш, қайта бошлаш, узайтириш ва тугатиш бўйича давлат ҳокимияти фаолияти;

☞ норма ижодкорлиги – норма ижодкорлиги ташаббусини амалга ошириш, режалаштириш, қонунларни тайёрлаш, хуқуқий экспертизадан ўтказиш, қабул қилиш (чиқариш), расмий шарҳлаш, ўзгартириш, расмий эълон қилиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амал қилишини тўхтатиш, қайта бошлаш, узайтириш ва тугатиш бўйича давлат ҳокимияти фаолияти.



Озарбайжоннинг 2010 йил 21 декабрдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги конституциявий қонунининг 1-моддасида белгиланишича, норма ижодкорлиги – норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлаш, экспертизадан ўтказиш, қабул қилиш, ўзгартириш, шарҳлаш, амал қилишини тўхтатиш ёки бекор қилиш.

Ўзбекистон президенти-нинг 2018 йил 8 августдаги фармони билан тасдиқланган Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясида норма ижодкорлиги босқичлари сифатида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ташаббусини илгари суриш, ишлаб чиқиш, келишиш, киритиш ва ижросини мониторинг қилиш кабилар кўрсатиб

ўтилган.

Илмий адабиётларда норма ижодкорлиги тушунчаси билан боғлиқ назарий ёндашувлар бўлса-да, миллий қонунчиликнинг соҳага оид нормалари таҳлили «норма ижодкорлиги ташаббуси», «норма ижодкорлиги», «норма ижодкорлиги субъектлари» тушунчаларига таъриф берилмаганини кўрсатади.

### Норма ижодкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий табиатидан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, ушбу фаолият қуйидаги хусусиятларга эга:

- 1) мазкур фаолият бевосита ҳуқуқ манбаларидан бири бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини тайёрлаш, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ҳамда манфаатдор органлар ва ташкилотлар билан келишиш, муҳокама қилиш, қабул қилиш босқичларидан иборат;
- 2) умуммажбурий ҳуқуқий нормаларни белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжатни қабул қилиш ваколатига эга бўлган шахс ёки орган томонидан қабул қилинади;
- 3) мазкур фаолиятнинг асосий йўналишларидан бўлган қонун ижодкорлигининг қонунчиликда белгиланган алоҳида тартиб-таомиллари бор;
- 4) ушбу фаолиятда аҳоли иштирок этади.



### Шунингдек, норма ижодкорлиги қуйидаги тамойилларга асосланади:

- инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига давлат ва ҳуқуқнинг барча соҳаларида, шу жумладан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда ҳам риоя этилади;
- қонунийлик тамойили асосида норма ижодкорлиги субъектлари Ўзбекистон конституцияси ва қонунларига риоя қилади;

☑ норма ижодкорлигида демократизм тамойили халқнинг ушбу фаолиятда иштирок этишини таъминлайди, яъни фуқаролар жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан овоз бериш орқали норма ижодкорлигида қатнашади;

☑ мазкур фаолиятнинг ошкоралигини қонун ҳужжати лойиҳаси муҳокамага қўйилиши ва эълон қилинишида қўришимиз мумкин. Амалдаги тартибга кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаси жамоатчилик ёки мутахассислар муҳокамасига қўйилади. Муҳокама манфаатдор органлар, фуқаролик жамияти институтлари, олимлар ва мутахассислар иштирокида ўтказилади. Шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий нашрларда эълон қилиниши керак ва бу уларни қўллашнинг мажбурий шартидир;

☑ норма ижодкорлигидаги келишиш тамойилига кўра лойиҳа раҳбар имзолаганидан сўнг манфаатдор идораларга ўзил-кесил келишиш (имзолаш) учун юборилади;

☑ мантиқий изчиллик тамойили расмий ҳужжатнинг мазмунида акс этади. Ҳажмига кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжат камайиб борувчи қуйидаги бирликларга бўлинади: бўлимлар, бўлимчалар, боблар, параграфлар, бандлар, бандчалар ва хатбошилар;

☑ норма ижодкорлигининг илмий асослантирилганлиги тамойили борасида бир гуруҳ ҳуқуқшунос олимлар қуйидаги фикрларни билдиришган. Хусусан, ҳуқуқ ижодкорлиги пухта илмий стратегияга таяниши зарур. Бундай стратегия давлат миқёсида шакллантирилади. Иккинчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни тайёрлашда илмий тавсиялар инобатга олиниши лозим.

Ҳуқуқшунос М.Нажимовнинг фикрича, норма ижодкорлиги қуйидаги мезонларга кўра турларга ажратилади: норма ижодкорлиги субъектлари, яъни муайян актни қабул қилиш ваколатига эга бўлган шахс ёки орган; норма ижодкорлиги актларини қабул қилиш тартиб-таомиллари (қонун ижодкорлиги жараёни, яъни ёки жамоа қарори); норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари (қонунлар, қонуности ҳужжатлари) ва бошқалар.

Бизнингча эса қонун ва қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқиш, ўзгартириш ва бекор қилиш жараёни нуқтаи назаридан норма ижодкорлигини асосан икки турга, яъни қонун ижодкорлиги ва қонуности ҳужжатлари ижодкорлигига бўлиш мақсадга мувофиқ. Ўтказилган

тадқиқотларга асосланиб норма ижодкорлигини қуйидагича таърифлаш мумкин:

«Норма ижодкорлиги – норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш учун асос бўлувчи таклифларни шакллантириш, лойиҳани режалаштириш, тайёрлаш, ҳуқуқий ва бошқа турдаги экспертизадан ҳамда давлат рўйхатидан ўтказиш, лойиҳа муҳокамаси, лойиҳани манфаатдор органлар ва ташкилотлар билан келишиш, лойиҳани кўриб чиқиш, қабул қилиш ва тасдиқлаш каби жараёнларни қамраб олган фаолият».

Шунингдек, барча турдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тааллуқли бўлган «норма ижодкорлиги техникаси» тушунчасига норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш,


расмийлаштириш, қабул қилишда қўлланадиган қоида, усул ва воситалар мажмуи деб таъриф бериш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунга «Асосий тушунчалар» деб номланувчи норма киритилиб, унда «қонунчилик ташаббуси», «норма ижодкорлиги ташаббуси», «қонун ижодкорлиги», «норма ижодкорлиги техникаси», «норма ижодкорлиги субъектлари», «норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси» тушунчаларига ҳуқуқий таъриф берилиши муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга қонунда норма ижодкорлигининг асосий тамойиллари ҳам баён этилиши зарур.

**Азизжон ХЎЖАНАЗАРОВ,**  
ТДЮУ мустақил изланувчиси



# Таниб олиш учун кўрсатиш хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлили



Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари йўналишларидан бири Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси ва ушбу соҳага оид қонун ҳужжатларини замон талабларидан келиб чиқиб такомиллаштириш масаласидир. Бу жараёнда хорижий давлатлар жиноят-процессуал қонунчилиги нормаларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва улардаги илғор тажрибаларни миллий қонунчиликка татбиқ этиш долзарб аҳамият касб этади.

Хусусан, бугунги кунда суд-тергов амалиётида кенг қўлланаётган, гувоҳ, жабранувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг бирор шахс ёки нарсга тўғрисидаги кўрсатувини текшириб

кўриш мақсадида амалга ошириладиган таниб олиш учун кўрсатишнинг хориж мамлакатлари жиноят-процессуал қонунчилигида тартибга солинишини ўрганиш ҳам муҳим ҳисобланади.

Хорижий давлатлар жиноят-процессуал қонунларида ушбу тергов ҳаракатининг ҳуқуқий тартибга солинишига назар ташлайдиган бўлсак, бир қатор мамлакатлар, хусусан, Беларусь (ЖПК XXV боб), Украина (ЖПК XXIV боб), Қирғизистон (ЖПК XXIII боб), Тожикистон (ЖПК XXIII боб), Эстония (ЖПК III боб), Россия (ЖПК XXVI боб), Германия (ЖПК 88-§. Идентификация), Хитой (ЖПК V боби) да таниб олиш учун кўрсатишга алоҳида боб ажратилмагани, ушбу ҳаракат бошқа тергов ва процессуал ҳаракатлар билан бирга ёки унинг таркибида жойлаштирилганини кузатиш мумкин.

Бундан ташқари, Германия<sup>1</sup> ва Хитойнинг<sup>2</sup> жиноят-процессуал қонунларида таниб олиш учун кўрсатиш ҳаракатиغا алоҳида тергов ҳаракати мақоми берилмагани ушбу давлатларнинг жиноятчиликка қарши курашиш амалиётида таниб олиш учун кўрсатишнинг вазифалари бошқа процессуал ҳаракатларга юклатилганидан далолат беради.

<sup>1</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Германии. [Электронный ресурс]. Режим доступа: [https://pravo.org.ua/files/\\_1\).pdf](https://pravo.org.ua/files/_1).pdf). (дата обращения: 20.02.2019).

<sup>2</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Китайской Народной Республики (с изменениями, внесенными Решением Постоянного комитета Всекитайского собрания народных представителей от 14.03.2012 г. «О внесении изменений в Уголовно-процессуальный кодекс Китайской Народной Республики») [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://wipolex.wipo.int/ru/text/337074>. (дата обращения: 20.03.2019).

**Айрим давлатларнинг жиноят-процессуал қонунларида эса таниб олиш учун кўрсатиш бошқа тергов ҳаракатлари билан бирга жойлаштирилган бўлиб, улар қуйидагича тизимлаштирилганини кўриш мумкин:**

**1)** барча тергов ҳаракатлари билан бирлаштирилган ҳолда битта бобга жойлаштирилган (Украина);

**2)** сўроқ қилиш, юзлаштириш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш каби тергов ҳаракатлари билан битта бобга жойлаштирилган (Беларусь, Россия, Тожикистон);

**3)** сўроқ қилиш ва юзлаштириш билан битта бобга жойлаштирилган (Қирғизистон).

Ушбу таҳлиллар таниб олиш учун кўрсатишга алоҳида боб ажратилмаган давлатларнинг жиноят-процессуал қонунларида ушбу тергов ҳаракати сўроқ қилиш, юзлаштириш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ва бошқа процессуал ҳаракатларга чамбарчас боғлиқ ёки тобе эканини кўрсатади.

Фикримизча, бу борада таниб олиш учун кўрсатишни алоҳида боб доирасида тартибга солган Арманистон (ЖПК 30-боб. Таниб олиш учун кўрсатиш), Ўзбекистон (ЖПК 14-боб. Таниб олиш учун кўрсатиш), Туркменистон (ЖПК 29-боб. Таниб олиш учун кўрсатиш), Қозоғистон (ЖПК 29-боб. Таниб олиш учун кўрсатиш), Молдо-

ва (ЖПК 3-бобининг иккинчи қисми. Таниб олиш учун кўрсатиш) тажрибалари уни суд-тергов амалиётида кенг қўллаш учун самаралироқдир.

Хорижий мамлакатлар жиноят-процессуал қонунларида таниб олиш учун кўрсатиш турлича тартибга солинган бўлиб, булар орасидан фақат айримларини илғор тажриба сифатида баҳолаш мумкин.

## **ХУСУСАН:**

**1)** таниб олиш учун кўрсатишни овоз ва видеоёзувлар ёрдамида холисларсиз ўтказишга руҳсат берилган (Беларусь ЖПК 224-м.);

**2)** зарурат бўлганда таниб олиш учун кўрсатишни видеоёзувлардан фойдаланган ҳолда ўтказишга руҳсат берилган (Украина ЖПК 228-м.);

**3)** шахс овози ёки юриши орқали таниб олиш учун камида тўрт киши билан бирга кўрсатилиши лозим (Украина ЖПК 228-м.);

**4)** шахсни таниб олувчига олдиндан кўрсатиш ва таниб олиш ёки олмаслиги мумкин бўлган ҳолатларни олдиндан кўрсатиб аниқлаб олиш ёхуд бу шахснинг белгилари ҳақида бошқа маълумотларни таниб олувчига кўрсатишнинг тақиқланиши алоҳида белгилаб қўйилган (Украина ЖПК 229-м.);

**5)** мурдани таниб олиш учун кўрсатишда агар таниб олувчи уни тирик ҳолатда кўрган бўлса, марҳумнинг юзини пардозлашга руҳсат этилиши алоҳида белгиланган (Арманистон ЖПК 223-м., Қозоғистон ЖПК 230-м., Молдова ЖПК 117-м.);



6) таниб олиш учун нарсани кўрсатишда уни кир, занг ёки бошқа қатламлардан тозалашга рухсат берилган ва бунда нарасадаги далилий аҳамиятга эга излар йўқолиб кетишининг олдини олиш бўйича процессуал қоидалар белгиланган (*Молдова ЖПК 117-м., Арманистон ЖПК 222-м.*);

7) агар таниб олувчи гувоҳ ёки жабрланувчи бўлса, улар ёлғон кўрсатув берганлик ёки кўрсатув беришдан бош тортганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилиши алоҳида белгиланган (*Арманистон ЖПК 221-м., Беларусь ЖПК 224-м., Туркменистон ЖПК 268-м., Қирғизистон ЖПК 198-м., Қозоғистон Республикаси ЖПК 230-м., Молдова ЖПК 116-м., Тожикистон ЖПК 206-м.*);

8) таниб олувчининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шахсни таниб олиш учун кўрсатиш таниб олувчини таниб олинувчилар визуал кузатишини истисно этувчи шароитларда амалга оширилиши бўйича терговчининг алоҳида қарори чиқарилиши назарда тутилмаган (*Беларусь ЖПК 224-м., Тожикистон ЖПК 206-м., Молдова ЖПК 116-м.*);

9) таниб олиш учун кўрсатишда турдош объектлар қоидаси фақат мурдага эмас, балки топиш қийин бўлган ва қиммат баҳо буюмларга нисбатан ҳам татбиқ этилмаслиги белгиланган (*Арманистон ЖПК 223-м., Молдова ЖПК 117-м., Қозоғистон ЖПК 230-м.*).

Фикримизча, ушбу давлатлар жиноят-процессуал қонунларида таниб олиш учун кўрсатиш тартибига оид хусусиятлар ва фарқли жиҳатларни илғор хорижий тажриба сифатида баҳолаш мумкин. Ушбу процессуал қоидаларни келгусида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига киритиш мақсадга мувофиқ.

Ҳолбуки, бугунги кунда техника ривожланиб, янги ахборот-коммуникация тизимлари ва инфратузилмалар вужудга келаётганига қарамай жиноят процессида далилларни электрон тарзда тўплаш ва электрон маълумотлар имкониятларидан фойдаланишни талаб даражасида деб бўлмайди. Яъни, Жиноят-процессуал кодексида видеоёзув ёки аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда шахсни ёки нарсани таниб

олиш учун ташқи кўриниши, овози, юришидаги ўзига хос хусусиятларини кўрсатиш масалалари тартибга солинмаган. Ваҳоланки, суд-тергов амалиётида суриштирувчи, терговчи ва бошқа субъектлар томонидан таниб олишни видеоёзув ёки аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда ўтказиш ҳолатлари кўп учраб туради.

Бундан ташқари, мурдани таниб олиш учун кўрсатишда агар таниб олувчи уни тирик ҳолатда кўрган бўлса, мурдани юзини пардозлашга рухсат этилиши, таниб олувчининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шахсни таниб олиш учун кўрсатиш таниб олувчини таниб олинувчилар визуал кузатишини истисно этувчи шароитларда амалга оширилиши бўйича терговчининг алоҳида қарори чиқарилиши назарда

тутилмаслиги, таниб олувчи гувоҳ ёки жабрланувчи бўлса, улар ёлғон кўрсатув берганлик ёки кўрсатув беришдан бош тортганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилиши, шунингдек турдош объектлар билан боғлиқ процессуал қоида-нинг топиш қийин бўлган ва қимматбаҳо буюмларга нисбатан татбиқ этилмаслигининг Жиноят-процессуал кодексида белгиланиши тергов ҳаракатини ўтказиш самарадорлигини оширибгина қолмай, унинг исботлашдаги аҳамиятини ҳам бойитишга хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

**Бахтиёр РАЖАБОВ,**

ИИБ академияси Жиноят ва жиноят-ижроия ҳуқуқи кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, доцент.


**Мамарасул УММАТОВ,**

ИИБ академияси мустақил изланувчиси

## LexUz –

Ўзбекистон Республикаси  
Қонун ҳужжатлари  
маълумотлари миллий базаси

Мақсадимиз аҳолининг  
ҳуқуқий маданияти даражасини  
кўтариш, юридик ва жисмоний  
шахслар қонун ҳужжатларидан  
кенг фойдаланиш имкониятини  
таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий  
ахборотлаштириш тизимини  
такмиллаштиришдан иборат.



## LexUz –

Интернет орқали норматив-  
ҳуқуқий ҳужжатларни  
олиш имконияти

Тизимда рўйхатдан ўтиш  
мажбурий эмас,  
фойдаланиш  
мутлақо bepул.

[t.me/lexuzofficial](https://t.me/lexuzofficial)



[www.facebook.com/LexUzbekistan](https://www.facebook.com/LexUzbekistan)



## Ишончлилик

LexUz тизими  
Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлигига тегишлидир

Тизимга маълумотлар фақат  
расмий манбалардан киритилиши  
уларнинг ишончлигини  
таъминлайди.



## Мобиллик

LexUz тизимидан дунёнинг  
исталган жойида  
фойдаланиш мумкин

LexUzнинг мобиль қурилмалар учун  
версияси мавжуд.



Манзил: Тошкент шаҳар, Миробод тумани,  
Амир Темур шоҳқўчаси, 19-уй.

Тел.: (998 71) 233-38-08, (998 71) 233-73-98

<http://www.lex.uz>; e-mail: [lex@adliya.uz](mailto:lex@adliya.uz)




Таар 21158




HUQUQIY  
AXBOROT  
PORTALI

Ушбу хизмат  
орқали сиз



### Электрон журнал

Нашрни PDF форматда  
компьютер ёки смартфонгизга  
юклаб олинг.



### Онлайн обуна


Уйингиздан чиқмасдан  
буюртма беринг.



### Тўлов тизимлари

Хизмат учун тўловларни  
Payme ҳамда Click тўлов  
тизимлари орқали  
амалга оширишинг.

# Журналимиз энди ЭЛЕКТРОН ШАКЛДА!



**ОНЛАЙН ОБУНА**  
3, 6 ва 9 ойлик

**+ 10 йиллик архив**  
супер чегирма  
нархларда

### Азиз муштарий!

Нашримизни  
энг биринчилар қаторида  
ўқишни истасангиз  
«Онлайн обуна»  
хизматимиздан фойдаланинг.



Журнални сотиб олиш ва онлайн обуна бўлиш учун куйидаги  
ҳаволага кириңг: <http://huquqburch.uz/shop/>